Б. А. Абдукаримов, Қ.Ж.Мирзаев,
Т.С.Шарипов, А.С.Шералиев

САВДО ИҚТИСОДИЁТИ
II ҚИСМ

Умумий овқатланиш соҳасига бағишланган
(Хўжалик субъектлари раҳбарлари ва мутахассислари ҳамда тадбиркорларга мўлжалланган ўқув қўлланма)



Тошкент-2013

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институти
Б. А. Абдукаримов, Қ.Ж.Мирзаев, Т.С.Шарипов,
А.С.Шералиев

савдо иқтисодиёти

II-қисм

**Умумий овқатланиш соҳасига бағишланган
(Хўжалик субъектлари раҳбарлари ва мутахассислари ҳамда
тадбиркорларга мўлжалланган ўқув қўлланма)**

Тошкент - 2013

65.5(2)421
А 139

65.424

Абдукаримов Б.А., Мирзаев Қ.Ж., Шарипов Т.С., Шаралиев А.С.

А15 Савдо иқтисодиёти II қисм, ўқув қўлланма/Б.А.Абдукаримов, Мирзаев Қ.Ж., Шарипов Т.С., Шаралиев А.С.-Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2013- 180 бет

Ушбу ўқув қўлланманинг хўжалик субъектлари раҳбарлари ва мутахассислари ҳамда тадбиркорларга мўлжалланган бўлиб, унда умумий овқатланиш корхоналари фаолияти бўйича чуқур билимлар бериш; уларнинг кўсаткичларини баҳолаш, таҳлил қилиш усулларини чуқур ўрганишни таъминлаш; бозор муносабатлари шароитида умумий овқатланиш соҳаларини режалаштириш ва прогнозлаш усуллари, уларни амалиётда қўллаш йўлларини тадбиркорларга тушунтириш, бозор конъюнктурасидаги ўзгаришларни баҳолаш; ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ислоҳатларнинг умумий овқатланиш соҳаларида амалга оширилиши юзасидан стратегик ва жорий қарорларни ишлаб чиқиш, уларни амалиётда ижросини таъминлаш, умумий овқатланишни ижтимоий-иқтисодий самаралорлигини ошириш йўлларини аниқлаш каби масалалар берилган.

Ундан профессор-ўқитувчилар, катта илмий ходим-изланувчилар,мустақил изланувчилар, магистрлар, малака ошириш курслари тингловчилари, раҳбарлар ва мутахассислар ва бакалаврлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Китоб умумий овқатланиш соҳаси иқтисодиёти билан қизиқувчи кенг оммага ҳам мўлжалланган

Масъул мухаррир: и.ф.д., профессор К.Ь.Ўрозов.
Тақризчилар: и.ф.д., профессор М.К.Пардаев
и.ф.д., профессор И.С.Тухлиев

СамИСИ "Иқтисодиёт" кафедраси 2012 йил 26 ноябрь 4-сонли баённомаси билан китобни чоп этиш масаласи мақулланган ва ушбу масалани кўриб чиқиш институт ўқув-услубий кенгашидан сўралган.

СамИСИ ўқув-услубий кенгашининг 2012 йил 30 ноябрь 4-сонли баённомаси билан нашриётда чоп этишга тавсия қилинган.

КБК 65.424

©А.Б.Абдукаримов, Қ.Ж.Мирзаев,Шарипов Т.С., А.С.Шералиев.
© "Ўзбекистон миллий энциклопедияси"
Давлат илмии нашриёти

КИРИШ

Ўқув қўлланманинг максади-хўжалик субъектлари рахбарлари ва мутахассислари ҳамда талбиркорларга умумий овқатланиш корхоналари фаолияти бўйича чуқур билимлар бериш, уларни кўрсаткичларни таҳлил қилиш услубларини чуқур ўрганишни таъминлаш, бозор муносабатларига ўтиш шароитида умумий овқатланиш корхоналари ва ташкилотларнинг фаолиятини режалаштириш ва прогнозлаштириш тартиби билан таништириш, ҳамда шу билан бирга бозор коньюнктураси ўзгаришини мустақил бахолай олишлик, тижорат муаммоларини хал қилишга ижодий ёндашиш, иқтисодий самарадорликни ҳисобга олган холда жорий ва стратегик қарорларни кабул қилиш, умумий овқатланиш корхоналари фаолияти самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларини аниқлаш масалалари тўғрисида назарий билимга эга бўлишини таъминлашдан иборатдир.

Ўқув қўлланмада барча мавзулар бозор иқтисодиёти хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасида ўтказилаётган ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий ислоҳатларни савдо ва умумий овқатланиш соҳасида жорий килиниш жараёнини намунавий дастур талабларидан келиб чиққан ҳолда ёритиш, муаммолари ва ечимлари тўғрисида муаллифнинг фикр ва мулоҳазаларини билдириш асосида ёзилди.

Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантириш, кўпмулкчиликни ташкил қилиш, уларнинг асосида бозорнинг инфратўзилмасини яратиш, жамиятни иқтисодий механизмини тубдан янгилашга олиб келди. Бу жараёнда умумий овқатланиш соҳасини иқтисодий муносабатлари, ахборот тизими ва ҳуқуқий муҳити бозор иқтисодиёти шароитига мослаштирилмокда.

Ушбу шароит умумий овқатланиш соҳаси корхоналари ва шахобчаларининг моҳияти, табиати, товарлар ва хизматлар бозоридаги ўрни, мавқеини ва ахамиятини тубдан янгиланишга олиб келди.

Бу жараёнда рўй бераётган айрим ходисаларни мисолга келтирамиз.

Улар қуйидагилардан иборат:

биринчидан, умумий овқатланиш соҳасида бозор иқтисодиётига ўтишнинг бошланғич даврида мулк муносабатлари тубдан ўзгартирилди, хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш соҳада амалга оширилди;

иккинчидан, ушбу соҳада давлат ва кооператив тизимларин монопол фаолиятига барҳам берилди;

учинчидан, умумий овқатланиш корхоналари ва шахобчаларининг мақсад ва вазифалари, олдинги маъмурий-бошқарув тизимидагига нисбатан бутунлай янги тус олди;

тўртинчидан, бозор иқтисодиёти умумий овқатланиш соҳаси корхоналари ва шахобчалари фаолиятни юритиш тартиби янгилади ва бу соҳаларда тадбиркорлик бизнеси шаклланди;

бешинчидан, ушбу соҳада ҳар хил ташкилий-ҳуқуқий шакллар вужудга келди;

олтинчидан, бу соҳа фаолиятида ташқи муҳит ўзгарди, уларнинг микро, мезо ва макро даражадаги алоқалари бозор иқтисодиёти шароитига мослаштирилди;

еттинчидан, ушбу соҳанинг иқтисодий механизми тубдан ўзгарди. Булар фаолиятида маъмурий тарзда товар тақсимотлари кўрсаткичларини режалаштириш ўрнига иқтисодий усулларни ишлатиш, иқтисодий эркинлик, мустақил бошқариш, мулкни тасарруф қилиш ва унга эгалик, ўз ресурларини мустақил ишлатиш, иқтисодий ва ҳуқуқий жавобгарлик кабилар кириб келди.

Ушбу шароит умумий овқатланиш соҳаси корхоналари ва шахобчаларининг моҳияти, табиати, товарлар ва хизматлар бозоридаги ўрни, мавқеини ва аҳамиятини тубдан янгиланишга олиб келди.

Ушбу масалалар ва умумий овқатланиш корхоналарининг муаммолари ва ечимларини ўқув қўлланмада ёритишга харакат килинган

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ушбу соҳа учун юқори малакали тадбиркорлар, раҳбарлар, иқтисодчилар, менежерлар ва

маркетологларни зарур, уларга бошқарув ва иқтисодиёт тўғрисида чуқур билимлар ва кўникмалар бериш мухим аҳамият топиши заруратини эътиборга олинган ҳолда ушбу китоб ёзилган.

Ушбу китоб иқтисодий фанлар олдига ҳозирги замон талаблари асосида соҳа учун етук мутахассислар малокасини ошириш мақсадидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган. Умумий овқатланиш соҳаси учун малакали иқтисодчилар, менежерлар ва маркетологларга ҳамда соҳасидаги тадбиркорларга корхонани соҳасидаги соҳани бошқариш ва иқтисодий воситаларни ҳаётда қўллаш учун чуқур билим ва кўникмалар беришга қаратилган.

Ўқув қўлланмада Ўзбекистон Республикасининг мулкчилик тўғрисидаги, корхоналар, тадбиркорлик фаолияти, савдо ва умумий овқатланиш соҳасига таъаллукли қонунлар ва бозор иқтисодиётига ўтиш механизмини яратиш, савдо ва умумий овқатланишни ташкил қилиш соҳасида тадбиркорликни тараккий эттириш тўғрисидаги ҳукумат қарорлари ва бошқа хужжатлардан фойдаланилган. Унда энг муҳим ўринни бозор муносабатларига ўтиш ва рақобат муҳитини яратиш шароитида умумий овқатланиш корхоналари самарадорлигини ошириш ва ривожланиш имкониятларини рўёбга чиқариш бўйича ташкилий-иқтисодий чораларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ масалалар эгаллаган. Ушбу ўқув қўлланмада иқтисодиёт назарияси; микро-макроиқтисодиёт; маркетинг; менежмент; логистика; бухгалтерия ҳисоби; савдо иқтисодиёти; иқтисодий тахлил; аудит; статистика; молия, пул муомаласи ва кредит; солиқ ва солиққа тортиш; суғурта ҳамда бошқа иқтисодиётга оид фанлар билан ўзвий алоқада тайёрланган.

Муаллифлар ушбу ўқув қўлланмани масъул мухаррири и.ф.д., профессор К.Б.Ўроковга, Тақризчилар и.ф.д., профессор М.К.Пардаев ва и.ф.д профессор И.С.Тухлиевларга уларнинг китоб юзасидан берган қимматли маслаҳатлари учун китобни компютерда саҳифаловчи "Иқтисодиёт" *кафедраси ўқитувчиси Зокир Артиковга ўз миннатдорчилигини билдиради.*

Сиз ўқувчилардан китоб юзасидан таклиф ва тавсияларингиз бўлса 140100 Самарқанд ш. А.Темур 9 уй манзилига муаллифлар номига юборишингизни сўраб қоламиз ва мамнуният билан қабул қиламиз.

Муаллифлар: Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институти профессор-ўқитувчиларидан "Иқтисодиёт" кафедраси мудири профессор Барат-Али Абдукаримов, "Иқтисодиёт ва менежмент" факультети декани, и.ф.д, доцент Кулмамат Жопузокович Мирзаев, "Сервис ва туризм" факультети декани, и.ф.н., доцент Тўлқин Сайидахмедович Шарипов ва "Иқтисодиёт" кафедраси ўқитувчиси Ахрор Содикович Шералиевлар.

13-БОБ. Умумий овқатланиш ва уни ташкилий-иқтисодий тавсифи


13.1. Умумий овқатланиш соҳасининг моҳияти ва функциялари.
13.2. Умумий овқатланиш соҳасининг ижтимоий шакллари ва ташкилий иқтисодий таснифи.
13.3. Умумий овқатланиш соҳасининг иқтисодиётда тўтган ўрни ва аҳамияти.
13.4. Умумий овқатланиш соҳасини ривожлантиришда хорижий давлатлар тажрибалари

13.1.Умумий овқатланиш соҳасининг моҳияти ва функциялари.

Жамиятда бутун жонзотнинг тириклиги, улар организми талаб қилган озуқаларни истеъмол қилиш билан таъминланади. Инсон яралгандан тортиб унинг биринчи эҳтиёжи озиқ-овқат бўлиб, у бор имкониятини табиатда мавжуд озиқаларни топишга ва уларни истеъмол қилишга йўналтирган.

Озиқани топиш, уни истеъмолга тайёрлаш инсоният тараққиётидаги бирламчи ишлаб чиқариш жараёни бўлиб, уни асосида иқтисодий муносабатлар шакллана бошлаган. Ушбу жараённи бошланғич даври ибтидо жамиятида* озуқаларни жамоа бўлиб топиш, тайёрлаш ва истеъмол қилишдан бошланган. Аста -секин тараққиёт озиқ -овқат маҳсулотларини тайёрлаш ва истеъмол қилишни индивидуаллашишига олиб келган ва оилавий, уй (хужра) шароитда озиқ-овқатларни тайёрлаш ва истеъмол қилишга олиб келган. **Уларни топиш ва таксимлаш эса жамоатчилик асосида бажарилган.**

Тараққиётни кейинги боскичларида жамоавий овқатланишга эҳтиёж туғилган. Умумий овқатланиш махсус тармоқга айланиш жараёни бошланган. Шундай қилиб овқатланиш жараёни ижтимоий меҳнат таксимоти, ишлаб чиқаришни ижтимоийлашиши ва ихтисослашиши натижасида қуйидаги тарзда ривожланган:



*Тарихдан маълумки ибтидоий жамиятнинг шаклланиши эрамиздан олдинги XV- XIV минг йилликдан бошланган, яъни «Тош» даврига тўғри келади

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳар қандай жамиятда, уларни ижтимоий-иқтисодий шаклларидан қатъий назар инсонларни овқатланиш жараёнини ташкилий жиҳатдан икки хил шаклга ажратиш мумкин:

I Уй шароитида, яъни индивидуал ёки оилавий.

II Жамоатчилик асосида (оммавий ташкилий шароитда), яъни умумий овқатланиш.

Жамоавий овқатланиш ижтимоий меҳнат тақсимоти натижасида, ишлаб чиқаришни ижтимоийлашиши, ҳаётда ҳар хил тармоқларни вужудга келиши натижасида, бундай хизмат турига объектив эҳтиёжларни туғилиши сабабли алоҳида хизмат соҳаси сифатида келиб чиққан. Унинг умумий тус олиши бозор иқтисодиёти муносабатлари шаклланишини бошланғич даврларига тўғри келади. Ушбу даврдан бошланиб умумий (жамоавий) овқатланиш иқтисодиётнинг тармоғи сифатида шаклана бошлаган.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида олиб борилган ислоҳотлар натижасида хизматлар соҳасининг бошқа тармоқлари сингари умумий овқатланиш ҳам изчил ривожланиб келмоқда. Президентимиз 2012 йил якунларига тўхталар экан "Ўтган йил якунларини сархисоб қилар эканмиз, авваломбор шуни таъкидлашимиз керакки, глобал жаҳон иқтисодиётида ҳали-бери сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, 2012 йилда Ўзбекистон ўз иқтисодиётини барқарор суръатлар билан ривожлантиришни давом эттирди, аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтиришни таъминлади, дунё бозоридаги ўз позициясини мустаҳкамлади.Бу даврда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,2 фоизга ўсди, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 7,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги 7 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажми 13,9 фоизга ошди. Макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодиётнинг муганосиблиги таъминланди..."[1] дейди. Ҳақикатдан ҳам мамлакатимизда иқтисодиётнинг боркарорлиги таъминланиши билан бирга таркибий

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги "Бош максадимиз -кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш" номли маърузаси.

ўзгартиришлар натижасида нафақат кўрсаткичларнинг ўсишига балки, айрим назарий қарашларнинг ҳам ўзгаришига олиб келди.

Умумий овқатланиш тарихан товар айрибошлаш жараёнини бир тури сифатида каралиб келинган, хозир ҳам у савдо соҳаси каби товар айрибошлаш жараёнининг таркибий қисми ҳисобланади. Лекин, умумий овқатланиш соҳасидаги жараён савдодан тубдан фарк қилади. Ушбу фарклар улар бажарадиган ижтимоий-иқтисодий ва техник-технологик функциялардан келиб чиқади.

Умумий овқатланишнинг яна бир хусусияти у нафақат савдодан, балки у ишлаб чиқаришдан ҳам фарқланади.

Савдодан ва ишлаб чиқаришдан (озиқ-овқат саноати) фарқли умумий овқатланиш соҳаси қуйидаги ижтимоий-иқтисодий, ташкилий -- иқтисодий ва техник-технологик функцияларни бажаради. Унинг айрим функциялари савдога, айримлари эса ишлаб чиқаришга мос келади ва улардан фарқланадиган функцияларни ҳам бажаради.

Умумий овқатланиш соҳаси такрор ишлаб чиқариш жараёнини барча фазаларида иштирок этади.

Яъни:

- ишлаб чиқариш;
- тақсимот;
- айрибошлаш;
- истеъмол;

Умумий овқатланиш корхона (шахобча)лари ишлаб чиқариш фазасида озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш (ишлаб чиқариш) функциясини бажаради.

Уларни тақсимот функцияси ахолини пулсиз ёки имтиёзли овқатлар билан таъминлаш жараёнида намоён бўлади. Уларга шифохоналар; боғчалар; санаторийлар; интернатлар; дам олиш уйлари; қуролли кучлар соҳасида; айрим хўжалик субъектларида (бепул овқат тарқатиш ташкил этилса);

ишсизларни овқат билан таъминлашда (бу тартиб чет эл амалиётида ҳам мавжуд)

Айрибошлаш жараёнида умумий овқатланиш соҳаси биринчидан, товар айрибошлаш шакли сифатида олди – сотди жараёнида иштирок этади ва товарлар қийматини айрибошлаш функциясини бажаради;

иккинчидан, иқтисодиёт тармоғи сифатида товарларни ишлаб чиқаришдан истеъмолчиларга етказиш функциясини бажаради.

Истеъмол фазасида иштироки тайёр овқатларни ишлаб чиқариш жойларида истеъмол қилинишини таъминлаш функциясини бажаришда намоён бўлади.

Умумий овқатланиш соҳаси бозорини барча элементларини функцияланиш жараёнида қатнашиб, қуйидаги ташкилий-иқтисодий функцияларни ҳам бажаради;

- таклифни ўрганиш;
- талаб ва эҳтиёжни ўрганиш;
- баҳони шакллантириш;
- товарлар рекламасини ташкил қилиш;
- шартномалар тузиш ва буюртмалар бериш.

Умумий овқатланиш соҳасини техник-технологик функцияларига қуйидагиларни киритиш мумкин;

- хом ашёни пиширишга тайёрлаш;
- ишлаб чиқариш технологияси, махсулотни пиширии;
- ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни истеъмолчиларга етказиш;
- тайёр маҳсулотни порцияларга ажратиш;
- тайёр махсулотни истеъмол қилиш жойига етказиш;
- товарларни хом ашё сифатида ишлаб чиқаришдан ва бошка таъминотчилардан махсулот тайёрлаш жойларига умумий овқатланиш корхона(шахобча)ларига ташиб келишни ташкиллаштириш;

- хом ашё ва товарларни саклаш.

Юқоридаги келтирилган функцияларни бажариш орқали умумий овқатланиш иқтисодиётни бошқа тармокларидан фарқланади ва у махсус иқтисослашган ва универсал функциялар бажарадиган ягона соха (тармоқ) ҳисобланади.

Ушбу соҳани такрор ишлаб чиқариш жараёнини барча функцияларида иштироки, уни жамиятни ижтимоий – иқтисодий хаётида фаол таъсир қилишни намоён қилади.

Умумий овқатланиш соҳасини ривожлантириш қуйидаги вазифаларни бажаришни тақозо қилади.

Биринчидан, умумий овқатланиш корхона (шахобча) ларини типларини (аҳолини минталитетига мослаб) такомиллаштириш, уларни жойлашишини рационаллаштириш.

Иккинчидан, махсулотлар сифатини яхшилаш уларни рационал истеъмол сифатини илмий асосланган нормаларга мослаштириш.

Учинчидан, овқатларни истеъмол комплексига мослаштириш (нонушта, тушлик, кечлик, тўй маросимлар ва х.к.о.)

Тўртинчидан, овқатланиш жараёнини эстетик –маданий жиҳатларини таъминланувчилар (истеъмолчилар) талабларига мослаш.

Бешинчидан, овкатланиш сохасини индустриялаштириш, технологиясини такомиллаштириш, хизматини янги прогрессив усулларини жорий қилиш.

Олтинчидан, аҳолини менталитетидан келиб чиккан холда хизматларни чет эл тажрибаларидан фойдаланган холда такомиллаштириш кабилар.

13.2. Умумий овқатланиш сохасининг ижтимоий шакллари ва ташкилий иқтисодий таснифи.

Умумий овқатланиш сохасини ташкиллаштириш, уни ташкилий шакллари ва турлари, унинг катор хусусиятларидан келиб чикади:

-махсулотларни ишлаб чикариш, таксимлаш, сотиш, ва истеъмол килинишини ташкил қилиш, сотиб олган товарларни сотиш каби функцияларни мужассамлаштириши;

- овкатлар ва кулинар махсулотларни хар куни ўзгариб турувчи талабга караб ассортиментини шаклланиши, уларни саклаш ва сотиш муддатини кискалигига қараб тайёрланиши;

- махсулотлар ассортиментини (овкатлар турлари) хизмат қилинаётган контенгентини хусусиятлари, талаби, уларни касбий, миллий, ёш бўйича таркибига, харид қилиш кобилиятига, меҳнат қилиш ва хаёт тарзига боғлиқлиги;

- уларнинг махсулотлари ва хизматига талабни хар соатда, кунда, мавсумларда ўзгариб туриши;

- ишлаб чикариш, муассасалар, ўкув юртлари ва бошка умумий овкатланиш корхона (шахобча) лари хизмат кўрсатадиган ташкилотларнинг ишлаш вактидан келиб чикиб, уларга хизмат кўрсатиши. Масалан, шахарларда умум киradиган ошхоналар, оилавий тантаналар, юбилейлар, байрам кечаларини ўтказишга мослашган, шифохона, дам олиш ва даволаниш муассасаларига мослашган, тез хизмат килиш шахобчаларини ташкиллаштирилиши.

Умумий овкатланиш корхона (шахобча)лар юкорида келтирилган хусусиятлардан келиб чиккан холда улар таъминланувчи контенгент, ишлаб чикариш хусусияти, ишлаб чикариш ассортименти, хизматлар хажми ва турларига караб таснифланади. Уларни аломатларига (белгиларига) қараб хар хил типларга (турларга) таснифланиши 13.2.1 чизмада келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сонли қарори билан тасдикланган «Ўзбекистон Республикасида умумий овкатланиши махсулотларини (хизматларини) ишлаб чикариш ва сотиш коидалари» да умумий овкатланиш корхоналари куйидаги турларга бўлинади:

Ресторан; вагон ресторан; бар; кафе; ёзги кафе; кафетерий; ошхона; чойхона; буфет ва кичик ошхона.

Ушбу типлар иқтисодиётда ўтказилаётган ислоҳатлар, жамиятни тараққиётига мос холда такомиллашиши ва уларни янгиларини вужудга келтириши мумкин.

13.2.1 – чизма

Умумий овқатланиш корхоналарининг таснифи

№	Аломатларни белгилари	Турлари
1.	Таъминланувчи контингентига караб.	1.1 Танкисланган контингентларни таъминловчи (ишлаб чикариш корхоналари, муассасалар, ўкув юртлари). 1.2 Умум кирадиган корхоналар
2	Савдо-ишлаб чикариш фаолияти таснифига караб.	2.1 харид килувчи; 2.1.1 контингентларга хизмат кўрсатмайди; 2.1.2 контингентларга хизмат кўрсатувчи, 2.2 Тайёрловчи (булар махсулотларини ўзлари тайёрлайди ва харид килувчилардан олинган хам махсулотларни кайта тайёрлайди ва ахолига хизмат килади).
3.	Ишлаб чикариш ассортименти бўйича.	3.1 Комплекс корхоналар (бу хар хил типдаги шахобчалар бирлашмаси). 3.2 Универсал корхоналар. 3.3 Ихтисослашган.
4.	Хизмат таснифи ва ип хажмига караб	4.1 Люкс категорияли 4.2 Олий категорияли. 4.3 I категорияли. 4.4 II категорияли. 4.5 III категорияли.
5.	Ишлаш даврига караб	5.1 Доимий 5.2 Мавсумий
6.	Жойланиши ва харакатига караб	6.1 стационар. 6.2 харакатдаги (автоошхона, вагон-ресторан, кўле-буфет, авто-буфет ва бошкалар).

13.3.Умумий овкатланиш сохасининг иктисодиётда тўтган ўрни ва ахамияти.

Умумий овкатланиш соҳасининг мамлакат ижтимоий-иктисодий хаётида тўтган ўрни ва ахамияти жуда юкори. Буни мамлакат макроиктисодий кўрсаткичларини шакллантиришдаги хиссасидан хам кўришимиз мумкин (13.3.1 жадвал).

13.3.1-жадвал

Макроиктисодий кўрсаткичларда савдо ва умумий овкатланишнинг ўрин

№	Кўрсаткичлар	2005 йил		2010 йил		2011 йил		2011 йилда 2005 йилга нисбатан, марта
		Суммаси, млрд. сўм	Улуши, %	Суммаси, млрд. сўм	Улуши, %	Суммаси, млрд. сўм	Улуши, %	
1.	Ялпи ички махсулот	15923,4	100,0	62388,3	100.0	77750,6	100,0	4,88.3
	Шу жумладан							
	Савдо ва умумий овкатланишнинг кўшилган киймати	656,1	4.1	2722,8	4,4	3464,0	4.5	5,27.9
2.	Фойда	1837,2	100.0	5956,1	100.0	7725,4	100.0	4.20.5
	Шу жумладан							
	Савдо ва умумий овкатланишда	40,2	2,2	417,4	7,0	717,0	9,3	17.83.6
3.	Асосий фондларга инвестициялар	3165,2	100,0	15338,7	100.0	17953,4	100,0	5.67.2
	Шу жумладан							
	Савдо ва умумий овкатланишда	46,0	1,5	724,9	4.7	792,1	4,4	10,69.8

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики савдо ва умумий овкатланишда ривожланиш миллий иктисодиётнинг бошка тармокларига нисбатан юкорирок суръатларда кечмокда. Айникча сохага йўналтирилаётган инвестициялар хажмининг 2011 йилда 2005 йилга нисбатан 10.69 мартага

ошиши натижасида соҳа субъектлари фойдаси миқдори 17,83 мартага ортган. Бу бутун иқтисодиётга йўналтирилган инвестицияларнинг мос равишдаги ўсиш кўрсаткичидан ҳам 5,02 марта, фойданинг эса 13,63 марта кўплигидан далолат беради.

Умумий овқатнинг асосий кўрсаткичи товар айланмаси бўлиб сўнгги йилларда умумий овқатланиш чакана товар айланмаси ҳам юқори суръатларда ўсиб бормокда. Буни қуйидаги жадвал маълумотларидан ҳам кўришимиз мумкин (13.3.2- жадвал).

13.3.2- жадвал

2005-2011 йилларда умумий овқатланиш чакана товар айланмасининг ўзгариши

№	Кўрсаткичлар	2005 йил		2010 йил		2011 йил		2011 йилда 2005 йилга нисбатан, марта
		Суммаси	Улуши, %	Суммаси	Улуши, %	Суммаси	Улуши, %	
4	Чакана товар айланмаси	5577,4	100,0	21872,8	100,0	28539,0	100,0	5,12
	Шу жумладан							
	Чакана савдо	5435,9	97,46	21299,5	97,38	27769,9	97,31	5,11
	Умумий овқатланиш	141,5	2,54	573,3	2,62	769,1	2,69	5,44
5	Аҳоли жон бошига чакана товар айланмаси	212,4	100,0	765,8	100,0	972,7	100,0	4,58

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики мамлакатимизда чакана товар айланмаси сўнгги олти йилда 5,12 мартага ортган бўлса, умумий овқатлани чакана товар айланмаси ундан ҳам юкорирок суръатда яъни, 5,44 мартага ўсган. Аҳоли жон бошига товар айланмасининг ўсиш суръати эса 2011 йилда 2005 йилга нисбатан 4,58 мартани ташкил этган.

Умумий овқатланишнинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни хусусида гап борганда, аввалambор унинг аҳолини озиқ-овқат махсулотига бўлган эҳтиёжини қондиришдаги аҳамиятини таъкидлаш лозим. Бозор

муносабатлари шароитида ушбу фаолият янада ривож топди. Бу ҳолат мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга таъсир қилади.

Ўзбекистонда Умумий овқатланиш товар айланмаси 1995 йили 4,0 млрд сўм, 2000 йилда 52,9 ва 2006 йилда 97,2 млрд. сўмни, 2011 йилда 769,1 млрд. сўмни ташкил қилган. 2011 йил 2000 йилга нисбатан қарийб 14,5 баробарга, 1995 йилга нисбатан қарийиб192,3 баробар ортган. Бу албатта хақиқий баҳолардаги кўрсаткич бўлишига қарамай, аҳолини турмуш даражасини тез суръатларда ривожланаётганидан далолат беради.

Умумий овқатланишни жамиятдаги роли тўғрисида гапирганда, унинг ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш жараёни, оддий уй, оилавий ёки индивидуал овқат тайёрлашга нисбатан самаралирок кечишини таъминлашни эътироф этиш зарур. Буларга қуйдагиларни киритиш мумкин:

- озик-овқатларга бўлган эҳтиёжни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда, тез ва сифатли қондириш;

- оқилона ва рационал овқатланиш психологиясини шакллантириш;

- илмий асосланган килокалорияни истеъмол қилишни таъминлаш;

- истеъмол харажатларини камайтириш (аҳолини вактини тежаш оркали) натижасида уларга дам олиш, соғликни мустаҳкамлаш, оилада таълим–тарбия ишларига кўпрок эътибор қаратиш ва бошка ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишга имконият яратиш ва бошқалар.

Умумий овқатланиш жамиятда, иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамиятига биринчидан, ялпи ички махсулотни ва миллий даромаднинг кўпайишига тегишли хисса кўшади;

иккинчидан, ходимларнинг мехнатга лаёқатлилик салохиятини ва уларни меҳнат унумдорлигини оширишга тегишли имкониятлари;

учинчидан, аҳолининг бандлигини таъминлайди, янги иш ўринларини яратиб беради;

тўртинчидан, аҳолининг пул даромадларини ошишига, уларни харид қобилиятининг ортишига таъсир кўрсатади;

бешинчидан, моддий ва маънавий ресурсларни тежамли сарфлаш орқали озик-овқат ресурсларини тежашга эришилади. Уй шароитида озик-овқат маҳсулотларини тежамли ва рационал ишлатиш умумий овқатланишдай ташкил қилинмайди.

Уй шароитида ҳар бир оила овқат тайёрлаш учун камида 2-3 соат вакт сарфлаб, 4-5 кишини таъминлайди.

Бу республика миқёсида (оилани ўртача 5 кишидан иборат деб ҳисобласак) 29600000:5=5920000 оилани (аҳолини сони 2012 йил бошида) ташкил қилган. Ҳар бир оила икки махал овкат пиширса, ўртача ҳар бир овкат тайёрлашга 2,5 соатдан хисобласак, бир йилда 5920000·2,5·2·365=201608000000 соат сарфлаши зарур бўлади. Ушбу иш Умумий шаклда ташкил қилинса, ҳар бир Умумий овқатланиш корхонасини ўртача хўрандаларни қабул қилиш имконияти (икки махал овқатланиш учун) 100 киши деб хисобланса, овқат тайёрлашга 2,5·2=5 соатдан сарфланганда умуман (5·29600000:100·365)=540200000 соат сарфланади. Шундай килиб, тахминан республика миқёсида бир йилда (201608000000-540200000)=201067800000 соат иш вакти тежалади.

Умумий овқатланишни ташкиллаштириш натижасида инсон меҳнати тежалади, уларга шароит яхшиланади, канчалаб аёллар уй меҳнатидан озод бўлади, озик-овқат маҳсулотлари ва моддий ресурслардан, газ, электроэнергия, ёкилги кабилар тежалади, баҳонинг даражаси якка тартибдагига нисбатан аллақанча пастрок бўлишини таъминлайди.

13.4. Умумий овқатланиш соҳасини ривожлантиришда хорижий давлатлар тажрибалари

Хорижий давлатларда умумий овқатланиш корхоналарини ривожланишига, уларнинг тузилмаларини ташкиллаштиришга турлари (гиплпр) ни аҳоли эҳтиёжига мослаштиришга, дислокациялаштириш (жойлаштириш)га, модернизациялаштириш ҳамда маҳсулотларни диверсификациялашга катта эътибор каратилади. Ушбу масалаларни хал

497063

қилиш жараёнларини айрим хорижий ривожланган давлатлар мисолида ёритиб ўтамиз.

Юқорида келтирилган масалаларни ёритишдан олдин, жамият учун муҳим бўлган бир масалага тўхталиб ўтмоқчимиз. Хорижий давлатларда савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, фирмалари, уларнинг уюшмалари (ассоциациялари) ва бошқа барча турдаги бирлашмаларининг характери сифати, улар оммавий ахборот воситалари учун очиқ, улар ўз фаолияти тўғрисидаги маълумотларни яширмайди. Хорижий давлатларнинг қарийб барчасида савдо ва умумий овқатланиш соҳалари фаолиятини ёритишга ихтисослашган бир нечадан иборат газета ва журналларчоп этилади. Бизда, афсуски, савдо ва умумий овқатланиш фирмалари, корхоналари рахбарлари (бу хол бошқа хизмат кўрсатиш корхоналарига ҳам тегишли) нафақат оммавий ахборот воситаларига ёпиқ, улэр талабаларни малакавий амалиётга кабул қилиш, бегона мутахассисларни ишга қабул қилиш, илмий тадқиқотчиларга маълумот беришдан кўп ҳолатларда бош тортишади.

Мисол учун уларнинг айримларини келтирамиз.

"Прогрессив гросер" журнали АҚШда; "Динамик им хандель" журнали Германияда; "Супермаркетинг" журнали Буюк Британияда; "Либр сервис Актюалите" журнали Францияда; "Гастрономи" журнали Германияда, "Попьюлар фудсервис" журнали Буюк Британияда; "Ревю пратик ую Фруа" газетаси Францияда; "Ревю техник дез отель э ресторан" журнали Францияда; "Неоресторасьон-отеллери" газетаси Францияда; "Ресторан Хоспителити" журнали АҚШда; "Фуд сервис" журнали Германияда ва бошқалар.

Ушбу муносабат билан, бизнинг фикримизча, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка енгиллик бериш максадида статистик маълумотларни қискартириш ўзини оқламаяпти.

Хорижий давлатларда ёпиқ типдаги умумий овқатланиш шахобчаларга саноат корхоналари, контуралар, маъмурий муассасалар: пенсионат ва дам олиш уйларидаги ошхона (столовой)лар киради.

Очик типдаги умумий овкатланиш шахобчаларига магазинлар ва савдо марказларидаги; шахардан ва ахоли пунктларидан ташкари автомагистраллардаги; темирйўл транспорти ва вокзаллардаги: хаво йўллари транспорти ва аэропортлардаги; кемпинглардаги: мехмонхоналардаги, шахар марказлари ва кўчалардаги; ресторанлар ва кафе ресторанлардаги ошхона (столовой)лар киради.

Шуни айтиб ўтиш жоизки биздаги статистик маълумотларда ошхона (столовой) лар бундай таснифда келтирилмайди. Бундай маълумотларни статистикада жорий килиш амалий ва назарий ахамият касб этиши мукаррар.

Ёпик типдаги умумий овкатланиш корхоналар Швецияда жуда ривожланган. Улар камида хар куни 1.5 млн. Хўрандаларга хизмат килади. Ахолига хизмат кўрсатиш сони бўйича Швеция Ғарбий Европа давлатлари ичида энг ривожланган хисобланади. Масалан: Германиянинг ахолиси Швецияга нисбатан 10 баробар кўп, лекин Швециялаги ёпик типдаги умумий овкатланиш корхоналари бир кунда Германиядагиларга нисбатан 4 маротаба камрок катновчиларга хизмат кўрсатади.

Швеция давлатида профессионал (касбий) ассоциация –Швеция ёпик типдаги умумий овкатланиш иттифоки ташкил килинган бўлиб, у куйидаги функцияларни бажаради:

-иттифок аъзолари бўлган овкатланиш корхоналарининг ходимларини малакасини ошириш;

-ассоциация аъзоларини профессионал характерга эга бўлган ахборотлар билан таъминлайди;

-илғор тажрибалар ўргатиш максадида ассоциация аъзоларини хорижий мамлакатлардаги умумий овкатланиш корхоналарига сафар килишни ташкил килади.

Швецияда банк ходимларига хизмат кўрсатувчи ёпик типдаги умумий овкатланиш фирмаларини тажрибалари амалий ахамиятга сазовор.Масалан "Кулинариум АГ" фирмаси ёпик типдаги умумий овкатланиш

шахобчаларини ишлатишга ихтисослашган Швециядаги бундай фирмаларнинг махсус турларидан бири хисобланади.

Ушбу фирма Швециядаги энг йирик банк фирмалардан бири хисобланган "Швейцер банкгезельшафт" ("ШБГ") фирмасини шуъба фирмаси бўлиб хисобланади.

Банк муасссасаларида хизмат кўрсатадиган "Кулинариум АГ" фирмасининг ошхона (столовой)ларига банклар дотация сифатида 50.0 фойиз харажатларини (издержки) коплайди. Ушбу харажатлар таркибига хом ашё учун ва ходимларни таъминлаш учун сарфланган харажатлар хам киради.

Ушбу фирманинг технологик–рецептура картотекасига 1300 блюда киради. Унга доимо ўзгаришлар, яъни, янги блюдалар киритиб борилади.

Францияда умумий овқатланишнинг ҳолати ва ривожланишига оммавий ахборот воситалари катта эътибор беришади. Масалан: Тадқиқотчи "Жира" фирмаси хар икки йилда умумий овқатланиш корхоналарининг ривожланишига бағишланган маълумотларни чоп этишади ва ўз прогнозларига корректировка киритиб боришади. Уларнинг маълумотларида умумий овқатланиш корхоналарининг товар айланиши, уларнинг сони ва катнашчиларининг сони тўғрисида ахборот берилади.

Францияда махсус "Ревю техник лез отель э ресторан" журнали мавжуд, у хар йили анъанавий Франция бозоридаги товар айланиши хажми бўйича 50 та йирик умумий овқатланиш фирмалар тўғрисида хисоботни чоп этиб боради.

Очик типдаги умумий овқатланиш "50" та корхоналарнинг давлатнинг умумий товар айланишидаги хиссаси доимо ўсиш тенденциясига эга бўлиб, улар 1987 йилда 12,41 % ташкил килган. ушбу кўрсаткич 1983 йилда 9,0 % иборат бўлган. Ушбу кўрсаткич 1983 йилда 9,0 % дан иборат бўлган. Уларнинг ичида энг йирик концернлар –"Казино", "Аккар" ва "Аган ресторасион" киради. Бу учала концерннинг "50" та йирик умумий овқатланиш шахобчага эга бўлиб, улардан 78 таси тез хизмат кўрсатувчи

("Закусоч"ний) енгил овкат "кичик гамбургер"лар билан таъминловчи 112 та кафетериелар ва 16-та ресторан "Гиппотамус"лар мавжуд.

"Казино" концерини очик типдаги умумий овкатланиш шахобчаларини диверсификация килиш максадида жуда кенгайтиришга эришган, Уларда хизмат килувчиларнинг сони йилдан-йилга ортиб бормокда. Унинг таркибида ихтисослашган 4 та фирма мавжуд: "Кафетерма Казино"; "Квик"; "Гиппопотамус"; "Кафе Казино". "Кафе Казино" АКШда хам филиалларини очган. Францияда ёпик умумий овкатланиш шахобчалари таркибида биринчи ўринда Ўкув юртларидаги ошхона (столовой) лар, иккинчи ўринда касалхона (больница)лар ва ижтимоий характердаги муассасалардаги ва нихоят учунчи ўринда саноат корхоналари, маъмурий муассасалар ва идора (контора)лардагилар ташкил килади.

Америка Кўшма Штатлари ахолисининг кўпчилиги уйдан ташкарида нахорлик килишади. Нахорлик сотишни умумий овкатланиш шахобчалари хамда ўзида кафетериялари мавжуд чакана савдо магазинлари ташкил килишади. Уларнинг товар айланиши йилига 10 млрд. доллардан ортик.

Америка ахолиси тўйиб нонушта килишади. Бундай овкатланиш уйдан кўра кафе ёки ошхонада маъкулрок. Улар учун энг характерли овкатлар-кофе-56,0% истеъмолчилар ичар экан; тухум-33,0% (бунга омлет кирмайди); нон ва булочка-32,0%; колбаса ва сосиска 22,8%ни; соклар-18,5%ни; сандвич ва буттербродлар-14,6%ни хамда вафли ва оладийлар-12,9%ни ташкил килади.

Юкорида келтирилган таомларни дунёга номи танилган "Макдоналд" корпорацияси 1986 йилдан бошлаб тарката бошлаган. "Макдоналд", "Бургер Кинг" ва "Уэндис" компаниялари нонуштани автомобиллардан тушмасдан овкатланишни хам ташкил килган.

Германияда ёпик типдаги ошхоналардан бири "Магги-верк" Зинген шляхридяги озик-овкат саноати корхонаси (бу корхона "Нестле Дойчланд АГ" концерн таркибига киради) ўз ишчилари учун очган ошхонасини 1986-1987 йиллар тажрибаси жуда эътиборли. Ушбу ошхона 600 ўринли,

корхонанинг ишчилари сони 6600 киши фойдаланади. Ушбу ошхонани алоҳида учта прилавкалари бўлиб, улардан бири "плюсли-бар" хўрандаларга "хом каша"лар таклиф қилишади. Ушбу таомлар майдаланган, ҳар хил бобовийларни таклиф қилишади. 1порция хом каша 1,5 Евро, агар творог қўшилган бўлса 2,1 Евро туради. "Мюсли-бар" ҳар куни ўртача 50 та "хом каша" сотади, хизмат қилиш соат 6 дан бошланади, бир кунда 600 та блюда сотилади.

Яна битта прилавкаси "салат-бар" ҳар куни 10-12 та салатлар таклиф қилишади.Улар алоҳида идишларга жойлаштирилган бўлади. Иссиқ овқат берадиган 4 та секциядан иборат бўлиб, улар ўзларини комплекс тушликларни таклиф қилишади. Энг характерли томони шундаки, хафтанинг ҳар кунига алоҳида меню мавжуд. Масалан:

Душанба-пархез таомлар;

Сешанба- кам каллорияли таомлар;

Чоршанба- вегатирян таомлар;

Пайшанба- оддий таомлар;

Жума-кам каллорияли таомлар;

Комплекс тушликларнинг бахосига фақат хом ашё киймати қўшилади, колган харажатлар корхона ҳисобидан копланади. Иссиқ овқат тарқатувчи бўлим соат 10^{30} дан то 13^{30} гача хизмат килади. Ушбу вақт давомида корхонада цех ишчилари учун тушлик вақти белгиланган.

Швециарияда фуд-корт "Марше" фирмасининг хам тажрибаси эътирофга лойик. Фуд-корт дегани комплекс ресторанлардан иборат бўлиб, уларда тезлик билан нонушта қилиш буфетлари мавжуд, хўрандалар учун алоҳида зал ташкил қилинган. Фуд-корт "Марше" асосан катта магазинлар ва савдо марказларига жойлашади. 1990 йилда "Марше" компанияси Швецария, Австрия, Буюк Британия, Канада ва Германияда ўз корхоналарини ташкил килган. Охирги йилларда фирма магазинлардан ташқарида ўз шахобчаларини ривожлантира бошлаган.

"Пицца Хат Дойчланд" Америка "Пицца Хат" концерни 6700 пиццерийни дунёнинг 50 дан ортик давлатларида филиаллари мавжуд.

Таянч иборалар: жамоа бўлиб овқатланиш, индивидуал овқатланиш, умумий овқатланиш, ишлаб чиқариш, тақсимот, айрибошлаш, истеъмол, талб, таклиф, хом ашё, товар, ресторан, вагон ресторан, бар, кафе, ёзги кафе, кафетерий, ошхона, чойхона, буфет ва кичик ошхона, маҳсулот, товар айланмаси, ресурслар (асосий, айланма, молиявий, мехнат), даромад, фойда рентабеллик.

Такрорлаш учун саволлар :

1. Овқатланиш жараёнини тавсифлаб беринг.
2. Умумий овқатланиш таърифини айтинг.
3. Умумий овқатланишнинг моҳиятини ёритинг.
4. Умумий овқатланишнинг функцияларни ёритинг.
5. Умумий овқатланиш сохасининг вазифалари нималардан иборат.
6. Жамиятда умумий овқатланиш қандай аҳамиятга эга?
7. Умумий овқатланишнинг ташкилий шаклларини ёритиб беринг.
8. Умумий овқатланиш корхоналари қандай турланади?
9. Хорижий мамлакатларда умумий овқатланиш корхоналари қандай таснифланади?

14-БОБ. Умумий овқатланиш корхоналарининг маҳсулоти ва товар айланмаси

14.1. Умумий овқатланиш корхоналари асосий ҳажм ва сифат кўрсаткичлари.

14.2. Умумий овқатланиш корхоналарининг товар айланмаси ва маҳсулотлар ишлаб чиқаришининг тахлили.

14.3.Умумий овқатланиш корхоналарида товар заҳираларининг хусусиятлари.

14.4. Умумий овқатланиш корхоналарида товар айланмасини режалаштириш ва ишлаб чиқариш дастури.

14.5. Умумий овқатланиш корхоналарида хом ашё таъминоти ва маҳсулотлар баланси.

14.1. Умумий овқатланиш корхоналари товар айланмаси кўрсаткичларининг хусусиятлари

Умумий овқатланиш корхоналарининг кўрсаткичлари уларнинг хусусиятлари (бажарадиган функциялари)дан келиб чиккан холда таснифланади. (14.1.1 чизма)

Уларнинг асосий хажмий кўрсаткичларидан бўлиб товар айланмаси ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлар миқдори хисобланади.

Умумий овқатланиш корхоналари товар айланмаси қуйидагилардан таркиб топади:

1. Чакана товар айланмаси жами, шу жумладан;

1.1 сотиб олинган товарларни сотиш;

1.2 ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотиш (улгуржи товар айланмасидан ташқари);

Улардан;

а. овқат (тушлик) маҳсулотини сотиш;

б. чакана тармоқ оркали ўз махсулотини сотиш;

2.Бошка умумий овкатланиш корхоналарига ўз махсулотларини чикариш (улгуржи товар айланмаси)

3. Ялпи товар айланмаси (1+2)

Ишлаб чикарилган махсулотларини алохида хисоботи олиб борилади. Булар тушлик махсулотлари, кулинар махсулотларга, кондитер махсулотлар ва яримфабрикатларга бўлинади.

Умумий овкатланиш корхоналарида унинг фаолиятидан келиб чиккан холда юкоридагилардан ташкари куйидаги кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади.

Ошхонадаги технологик жихозларни ишлаб чикариш куввати, овкатланиш хоналарини асосий фондлардан фойдаланиш кўрсаткичлари Умумий овкатланиш корхоналарини сони ва улардаги ўтириш жойлари уларни моддий – техник базасини ишлатиш кўрсаткичлари хисобланади.

Айланма ва молиявий маблағлардан фойдаланиш кўрсаткичлари.

Ишлаб чикариш ва муомала харажатларига тааллукли кўрсаткичлар.

Мехнат ресурслари ва иш хакига боғлик кўрсаткичлар.

Даромад, фойда, рентабеллик ва самарадорлик кўрсаткичлари.

Умумий овкатланиш корхоналарини асосий хажмий ва сифат кўрсаткичлари 14.1.1- чизмада келтирилган.

Ушбу кўрсаткичлар шаклан чакана ва улгуржи савдо корхоналари кўрсаткичларига мос келади. Лекин уларни таркиби, шаклланиши бир-биридан фаркланади. Уларнинг мазмуни «Ички савдо иктисодиёти» фанида ўрганилади

Чакана савдо корхоналарининг товар айланмаси асосан икки турдан иборат бўлиб, у ахолига сотилган товарлар ва жамоавий эхтиёжларини кондириши учун корхона, ташкилот ва муассасаларга майда улгуржи сотишдан ташкил топади.

Умумий овқатланишда чакана товар айланмаси «Овқатланиш корхоналари товар айланмаси тўғрисида ҳисобот»да (4-савдо шакли) қуйидаги таркибда ҳисоботга олинади.

1. Овқатланиш корхоналари чакана товар айланмаси (1.1.+1.2.). (Бу ерда воситачисиз, тўғри истеъмолчиларга сотиш назарда тутилаяпти.)

Шу жумладан:

1.1. Сотиб олган товарларни сотиш. (Бу ерда четдан сотиб олинган товарларни ҳеч қандай ишлов бермасдан сотиш ҳисоботга олинади.)

1.2. Ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни сотиш (улгуржи айланмасиз).

Улардан:

овқат маҳсулотини сотиш.


2. Чакана тармоқ орқали ўз маҳсулотини сотиш.

Статистик ҳисоботда овқатланиш корхоналари улгуржи товар айланмаси тўғрисида маълумот бермайди.


Овқатланиш корхоналарининг умумий чакана товар айланмаси «Овқатланиш корхоналари чакана товар айланмаси» (1) ва «чакана тармоқ орқали ўз маҳсулотини сотиш» (2)лар йиғиндисидан иборат.

14.1.1 чизма

Умумий овқатланиш корхоналарининг асосий хажм ва сифат кўрсаткичлари таснифи



14.1.1 – чизманинг давоми.



Овқатланиш корхоналари чакана товар айланмасига сотишнинг қуйидаги турлари кирмайди:

- буюртмачининг хом ашёси қиймати;

- етказиб берувчининг қайтариб олган тарасининг қиймати;

- маҳсулот ва товарларнинг ички силжиши (омборхонадан ошхонага, товарларни базага ёки омборхонага қайтариш, товарларни буфет ва кухняларга тақсимлаш);

- овқатланиш корхона ва ташкилотларига тегишли бўлган сартарошхона, биллиард, рақс заллари, видеосалон, ўйин заллари ва бошқа корхоналар даромадлари хамда концерт программалари кўришдан тушган даромадлар. Бу фаолият даромадлари хизмат кўрсатиш таркибида хисобга олинади.

Овқатланиш корхоналарида чакана товар айланмаси билан бир қаторда улгуржи товар чиқариш (улгуржи товар айланмаси) хам мавжуд. Бу турдаги товар айланиш тайёр маҳсулотлар ва ярим фабрикатларни бошқа овқатланиш (ўз филиалларидан ташқари) корхоналари ва чакана савдо корхоналарига қайта сотиш учун сотилганлар миқдоридан ташкил топади.

Чакана ва улгуржи товар айланишлар йиғиндиси овқатланиш корхонасини ялпи товар айланмасини ташкил қилади ва у корхонанинг умумий савдо ишлаб чиқариш фаолиятини тавсифлайди.

Умумий овқатланишда «Майда улгуржи товар айланмаси» тушунчаси ишлатилмайди.

Овқатланиш корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш дастури тузилади. Унда ўзида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни тури, ассортименти, сони ва бахоси ўз ифодасини топади. Ишлаб чиқариш дастурини пулдаги ифодаси ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар сотиш бўйича товар айланмасини (чакана+улгуржи) ифодалайди.

Умумий овқатланиш корхоналарининг бошқа кўрсаткичлари ўқув қўлланманинг тегишли маърузаларида тавсифланади.

14.2. Умумий овқатланиш корхоналарининг товар айланмаси ва маҳсулотлар ишлаб чиқаришини таҳлили

Умумий овқатланиш корхоналари товар айланмасини таҳлилининг мақсади, вазифалари ва усулларини кўриб чиқамиз. Чакана товар айланмасини таҳлил қилишда кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Уларни айримларини қуйида келтирамиз:

- чакана товар айланмаси миқдорини ёки хажмини жорий баҳоларда тавсифловчи, сўм;
- чакана товар айланмаси миқдорини (хажмини) солиштирма баҳоларда тавсифловчи, сўм;
- чакана товар айланмаси ассортимент таркибини тавсифловчи натурал кўрсаткичлар, сўм ва фоизда;
- аҳоли жон бошига тўғри келадиган чакана товар айланмаси, сўм;
- 1 ойга тўғри келадиган чакана товар айланмаси сўм;
- 1 кунлик чакана товар айланмаси, сўм;
- 1 ишчига тўғри келадиган чакана товар айланмаси, сўм;
- савдо шахобчаларини 1кв.м. жумладан савдо майдони 1кв.м тўғри келадиган чакана товар айланмаси, сўм;
- чакана товар айланмаси нисбий кўрсаткичлари (% бажарилиши, динамикаси, индекслари, мавсумийлик, маромийлик коэффицентлари, товар айланиш тезлиги кун ва маротаба) ва х.к.

Чакана товар айланмаси таҳлилининг вазифалари:

- чакана товар айланмаси режаси ва прогнозларини бажарилишига баҳо бериш;
- чакана товар айланмаси динамикасини ўрганиш;
- чакана товар айланмаси ассортиментти ва турлари бўйича таркибини таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- чакана товар айланмаси миқдори ва ассортиментига таъсир қилувчи омилларни ўрганиш, баҳолаш;

❖ чакана товар айланмаси кўрсаткичларини (чакана товар айланмаси, товар захиралари ва товарларнинг келишини) ўзаро ўзвий боғлиқлигини ўрганиш.

Чакана товар айланмаси тахлилининг усуллари:

❖ динамик қаторлар тузиш;

❖ нисбий ва ўртача кўрсаткичлар;

❖ солиштириш;

❖ индекс усули;

❖ трендлар ва регрессив моделларини тузиш;

❖ занжирли алмаштириш;

❖ баланс усули;

❖ графиклар ва бошқа чизмалар.

Чакана товар айланмаси тахлили ҳар хил ахборотлардан фойдаланишни таказо қилади. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

❖ прогноз ва режага алоқадор маълумотлар. Чакана товар айланмаси прогнози ёки режаси - умумий ҳажми, ассортименти, товар захиралари нормалари, тозарларни келтириш, ҳисоб китоблар ва бошқалар;

❖ ҳудуднинг ижтимоий – иқтисодий кўрсаткичлари,

❖ статистик ва бухгалтерия ҳисобидаги ҳақиқий кўрсаткичлар;

❖ бошқа маълумотлар (савдога алоқадор, унга таъсир қиладиган омиллар тўғрисидаги маълумотлар).

Чакана товар айланмаси кўрсаткичларини тахлил қилишда тахлилда ишлатиладиган маълумотларни тайёрлаш алоҳида ўрин тутади.

Бундай ишларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

❖ прогнозлаш ва режаларни корректировка қилиш;

❖ статистик, бухгалтерия ҳисоботларидаги маълумотларни ҳақиқийлиги, бир-бирига мослигини текшириш;

❖ савдо шахобчалари ва корхоналарни алоҳида аломатлари бўйича гурухлаш. Чакана товар айланмасига таъсир қилувчи омиллар тўғрисида маълумотларни аниқлаш;

- ❖ ҳар хил аналитик жадваллар тузиш;
- ❖ кўрсаткичларни солиштирма юзага келтириш ва х.к.

Умумий овқатланиш корхоналари чакана товар айланмасига, унинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан омиллар таъсир қилади.

Улар каторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Чакана товар айланмаси микро ва макро даражадаги омиллар таъсир қилади. Уларга умумлаштириб, қуйидагиларни киритиш мумкин.

I. Давлатнинг халкаро ахволи, халкаро муносабатлар.

II. Давлатларни иқтисодий интеграцияси.

III. Ташки савдо, экспорт ва импорт.

IV. Халк хужалиги прогнозлари (ижтимоий махсулот ишлаб чикариш, миллий даромад (истеъмол ва жамғарма фондлари, эластиклик коэффициент – 1-1.06 % тенг)

Истеъмол товарларини ишлаб чикариш (эластиклик коэффициенти 1 – 0,98 %тенг).

V. Илмий – техник ривожланиш (электрлаштириш, газлаш, телевид, йўллар).

Бу биринчидан, истеъмол қилиш шарт – шароитини ўзгартиради, иккинчидан – янги товарлар бунёдга келтирилади.

VI. Ахолининг даромадларини ўзгартириш (1 – 0,94 %).

VII. Ижтимоий фондининг миқдори.

VIII. Бахо.

IX. Демографик холат.

X. Урбанизация (шаҳар ва кишлок ахолисини ўзгариши).

XI. Шахсий таморка хужалиги.

XII. Уй – жой кўриш.

XIII. Шахсий транспорт.

XIV. Дача (иккинчи, шаҳардан ташкари яшайдиган жойлар).

XV. Хизмат даражаси (тарифлари).

XVI. Туризм, спорт.

XVII. Ахолининг маданий билим даражаси.

XVIII. Ахолини бўш вақти.

Умумий овқатланиш корхонасининг товар айланмасига, у хизмат қилаётган контингентини таркиби (ишчилар, қишлоқ хўжалиги ходимлари, раҳбарлар, мутахассислар, тадбиркорлар, талаба ва ўқувчилар, бозор иқтисодиёти шароитида юқори, ўртача ва минимал даромад олувчилар, ишсизлар, нафақахўрлар, аҳолини ёши бўйича табақаланиши ва х.к.);

- корхона ёки шахобча маҳсулотининг ассортименти;

- корхона ёки шахобчанинг тури, жойлашган жойи, ўтириш ўринлари сони;

- шаҳарда, қишлоқда, умуман Умумий овқатланиш корхона (шахобча)ни жойлашган ерида рақобатчиларни мавжудлиги;

- овқатларни сифати, бахоси кабилар.

Овқатланиш корхоналари товар айланмасини таҳлилини бошланда қуйидаги жадвалдан фойдаланишни тавсия қиламиз.

Кейинги босқичда корхонани маҳсулотлар ҳаражатини (улгуржи айланмани қўшган ҳолда) ассортиментини ўрганиш зарур.

Бундай таҳлилни статистик ҳисоботнинг 4-савдо шаклида келтирилган маҳсулотлар турлари бўйича таҳлил қилишни тавсия қиламиз. Бунинг учун қуйидаги 14.2.2-жадвалдан фойдаланиш мумкин.

Товар айланмасини таҳлил қилиш жараёнида (юқоридаги 14.2.1-жадвалдан кўриниб турибдики) овқатланиш корхонасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам бирга кўрилаяпти.

14.2.1-жадвал

Овқатланиш корхонасининг чакана товар айланмаси ва маҳсулот ишлаб чиқариши

(млн. сўм)

№	Кўрсаткичлари	Ўтган йиллар			ҳисобот йили			Ўтган йилларга нисбатан, % ёки фарқи (+;-)		
		x_1	x_2	x_3	режа	ҳақи-қатда	режани бажарилиши, % ёки фарқи (+;-)	x_3	x_2	x_1
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
1	Чакана товар айланмаси, - жами…									
1.1	Сотиб олган товарларни сотиш суммаси… ҳиссаси, %…									
1.2	Ўз маҳсулотини сотиш (улгуржи айланмасиз)- суммаси… ҳиссаси,% …									
1.2.1	Овқат (тушлик) маҳсулотларини сотиш суммаси… 1.2-даги ҳиссаси,% …									
1.2.2	Чакана тармоқ орқали ўз маҳсулотини сотиш суммаси… 1.2-даги ҳиссаси,% …									
2.	Ўз маҳсулотларини улгуржи									

	сотиш суммаси…, ялпи товар айланмасидаги хиссаси, %…											
3.	Ялпи товар айланмаси (1+2)											
4.	Хизмат килинаётган контенгент сони											
5.	Контенгент жон бошига тўғри келган:											
5.1.	таомлар сони											
5.2.	Ўз махсулотини сотиш											
6.	Ўртача бир таомни баҳоси (1.2:4), сўмда											
7.	Булардан ташқари ўз махсулотини:											
7.1	уйга сотиш: -таом… -суммаси…											
7.2	тушликни иш жойларига етказиш: -таом… -суммаси…											
7.3	мактабларга етказиш: -таом… –суммаси…											
8.	Ўз махсулот-лари таркибида:											
8.1	биринчи таомлар, дона											
8.2	иккинчи таомлар, дона											
8.3	салатлар, сўмда											
8.4.	ва хоказолар…											

Шу сабали таҳлил жараёнида корхонани ишлаб чикариш қуввати ва хўрандаларга хизмат қилиш имконияти қандай ишлатилаётганлигига баҳо бериш зарур бўлади. Бунинг учун ушбу кўрсаткичларни овқатланиш корхонасининг жиҳозлари қувватини, ўтириш жойларидан фойдаланиш имкониятларини, уларни иш режимидан келиб чиққан ҳолда ҳисоб-китоб қилиб чиқиш зарур бўлади.

Ушбу кўрсаткичларни шартли мисоллар асосида ҳисоблаш усулини кўриб чиқамиз.

Масалан, ошхон а иккита биринчи овқат пиширадиган қозонга эга. Уларнинг ҳар бири 60 литерли сиғимга эга. Биринчи овқатни ҳажми 0,5 литерга тенг. Қозонни тўлдириш коэффициенти – 0,85 га тенг. Овқатни тайёрлаш учун 2,5 соат вақт сарфланади. ҳар бир маротаба овқатни пиширгандан кейин, уни кейинги тайёрловга тайёрлаш учун 60 минут вақт сарфланади.

Ошхона суткада танаффўзсиз 14 соат ишлайди. Ошхона ҳафтада бир кун дам олиш куни, ойда 1 кун санитар куни қилади. Байрам кунлари ошхона ишламайди. Шундай қилиб ошхона 52 кун дам олиш, 12 кун байрам ва 12 кун санитар кунлари, жами 76 кун ишламайди.

Ошхонани ишлаб чиқариш қувватини аниқлаш учун қуйидаги ҳисоб-китоблар амалга оширилади:

1. Бир маротаба овқат тайёрлаш учун сарфланадиган вактни минут ҳисобида аниқлаймиз. (2,5·60)+60=210 минут ёки 3,5 соат.

2. Қозонларни тўлдириш ҳажмини аниқлаймиз. У баробар

(2·60) ·0,85=102 литр.

3. Овқат пиширишни бир маротаба амалга оширганда 102:0,5=204порция овқат тайёрланади.

4. Ошхона бир суткада қанча маротаба (цикл) овқат пишира олишини аниқлаймиз. (14·60):210=840:210=4 маротаба ёки 14:3,5=4

5. Ошхонани суткалик ишлаб чикариш қуввати 204·4=816 таом.

6. Ошхонани йиллик ишлаб чиқариш қуввати=(365-76) ·816=289·816=235824 таом.

Ошхонада йил давомида ҳақиқатда ишлаб чиқарган овқатлар сони – 200000 минг деб ҳисобласак, унинг қувватини ишлатиш коэффициентик 200000:235824=0,84 яъни, унинг қуввати 84,0 % ишлатилаётган бўлиб чиқади.

Ошхонада хўрандаларга хизмат қилиш қобилияти қуйидагича ҳисоб-китоб қилинади.

Масалан, ошхонани хўрандаларга хизмат киладиган залининг майдони 140,8 кв.метр бўлсин. Бир хўрандага ажратиладиган майдон нормаси, умуман 1,6 кв. метр. Зал суткада 20 % тўла ҳолда ва қолган вақтда зални 30 % $_{ти}$ ишлатилади.

Ошхона суткада 14 соат ишлайди. Бир хўрандага хизмат қилиш даври 30 минут. Ошхонани хўрандаларга хизмат қилиш қобилиятини аниқлаймиз:

1. Залдаги ўтириш жойлари сони 140,8:1,6=88 ўриндик.

2. Зални тўла ҳолда ишлаш вақти = $\frac{14 \cdot 20}{100} = 2{,}8$ соат, яъни 2,8·60=168 минут тўла ишлайди.

3. Зал 30% ишлатилиш вақти = $\frac{14 \cdot (100 - 20)}{100} = 11{,}2$ соат ёки 11,2·60=672 минут.

4. Зални хизмат қилиш қуввати:

Тўла ишлатилганда $\frac{168}{30} \cdot 88 = 5{,}6 \cdot 88 = 493$ киши.

Зал 30 % тўлдирилаги ҳолда к

$\frac{672}{30} \cdot \frac{88 \cdot 30}{100} = 22{,}4 \cdot 26{,}4 = 591$ киши.

Суткалик қуввати = 493+591=1084 кишига хизмат қила олади.

5. Агар ошхона хизматидан фойдаланадиган хўрандаларни ҳақиқатда бир кунда 900 кишини ташкил қилса, бир йилда ошхона хизматидан 900·289=260100 та хўрандалар фойдаланган бўлади.

Бу ҳолда ошхонани хизмат қилиш қувватини ишлатиш коэффициенти =260100:313276=0,815, яъни 81,5 % ишлатилган бўлади.

Таҳлил жараёнида ушбу кўрсаткични динамик сурътини ҳисоб-китоб қилиб, унга баҳо бериш лозимдир.

14.2.2-жадвал

Овқатланиш корхонасининг чакана товар айланмаси ва маҳсулот ишлаб чиқариши

№	Маҳсулотлар ва товарлар	Ўлчов бирлиги	Маҳсулотни тайёрлашга сарфланган хом ашё ва сотиб олинган товарларни буфет ва савдо тармоғи орқали сотиш						Ўзгаришлар (+;-)				Баҳоси		Бехо индекси
			ўтган йил		хисобот йили				Режага нисбатан		Ўтган йилга нисбатан		ўтган йил	ҳақиқатда	
					режада		ҳақиқатда								
			сони	чакана баҳода, минг сўм	сони	чакана баҳода, минг сўм	сони	чакана баҳода, минг сўм	сони	сўммаси	сони	сўммаси			
1	2	3	4	5	6	7	8	9					14	15	16
1	Гўшт ва парранда	тонна													
	.....														
13	Жами озиқ-овқатлар	минг сўм	х		х		х		х		х				
14	Тамаки маҳсулотлари	минг дона													
16.	Бошқа ноозиқ-овқатлар	минг сўм	х		х		х		х		х				
17.	Жами ноозиқ-овқатлар	минг сўм	х		х		х		х		х				
18.	Умумий товар айланма (13÷17)	минг сўм	х		х		х		х		х				

14.3. Умумий овқатланиш корхоналарида товар заҳираларининг хусусиятлари

Умумий овқатланишда товар заҳиралари уларни ишлатилишига қараб хар хил шаклларга турланади.

Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

Биринчидан, хом ашё заҳиралари, булар тайёр овқатларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган, омборларда, ошхона (кухня)ларда сақланаётган маҳсулотлардан таркиб топади;

Иккинчидан, сотишга мўлжалланган тайёр маҳсулотлар заҳиралари, буларга пиширилган овқатлар, тайёрланган кулинария ва кондетер маҳсулотлари, ярим фабрикатлар, салатлар кабилар киради;

Учинчидан, буфетлардаги товар заҳиралари.

Буларни хаммаси шакли. мақсадидан қатъий назар товар заҳиралари деб юритилади.

Умумий овқатланишда товар заҳираларини ўзига хос хусусиятлари:

биринчидан, овқатланиш корхоналарида захиралар ишлаб чиқариш билан ҳамда сотиш билан боғлиқ. Ишлаб чиқариш бир томондан хом ашё билан, иккинчидан томондан яримфабрикатлар билан таъминланади, сотиш билан боғлиқ захиралар эса сотишга мўлжалланган тайёр маҳсулотлар, ярим фабрикатлар ва сотиш учун сотиб олинган товар захиралари билан боғлиқ. Шундай қилиб, овқатланиш корхоналари заҳираларини назарий жиҳатдан ишлаб чиқариш заҳиралари ва товар захираларига ажратиш мумкин, лекин амалиётда бундай таксимланмайди, ҳаммаси товар захиралари деб юритилади;

иккинчидан, овқатланиш корхоналарининг товар заҳираларининг яна бир хусусияти уларни миқдори (сақланиш нуқтаи назаридан) ва ҳажми чегараланганлигидадир. Чунки овқатланиш корхоналарини товар таъминотчилари яқин масофада жойлашган бўлади, улар товарларни ва хом ашёни кам ҳажмда ва тез-тез етказиб бериши зарур. Булардан ташқари овқатланиш корхоналарини хом ашёлари тез бўзулувчи хусусиятга эгалиги,

уларни узоқ муддатга сақлаш мумкин эмаслигини талаб қилади, бу ҳам захираларни миқдорига таъсир қилади;

учинчидан, овқатланиш корхоналарида ишлаб чиқариш захираларини ҳиссаси юқорирок, яъни ҳажман кўпрок, сотиш учун сотиб олинган товар захираларини суммаси камрок бўлсада, уларни нисбий кўрсаткичлари миқдори (кунлар ҳисобида) тескари пропорцияда. Бу хусусиятлар ҳам улардаги хом ашё ва товарларни сақлаш олиш муддатларидан келиб чиқади.

Амалиётда товар захираларини ҳисоб-китоби, таҳлил қилиш ва режалаштириш хом ашё, гайёр маҳсулотлар, ярим фабрикатлар ва товарларга бўлинмайди, уларни кўрсаткичлари суммаси, натурал (тонна, литр, дона) ҳисобида ва кунлар ҳисобида, товар айрибошлаш тезлиги (кунлар ва маротаба) умумий овқатланиш корхонасининг умумий товар айланмасига нисбатан ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, назарий жихатдан ишлаб чиқариш билан боғлик захираларни, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни сотиш айланмасига, сотиш учун сотиб олинган товар захираларини, сотиб олинган товарларни сотиш айланмасига нисбатан хисоб-китоб қилиш максадга мувофик ва бунда захиралар ҳолатига объектив ва реал баҳо бериш имконияти яратилади.

Товар захираларини таҳлил қилишда ва режалаштиришда юқоридаги кўрсаткичларга асосланган холда ва чакана савдода ишлатилган усуллар орқали амалга ошириш лозим бўлади. Ушбу усулларни ўкув қўлланманинг «Савдо иктисодиёти» I қисмида ёритилган.

14.4. Умумий овқатланиш корхоналарида товар айланмасини режалаштириш ва маҳсулот ишлаб чиқариш дастури

Умумий овқатланиш корхоналарининг товар айланмаси ва маҳсулот ишлаб чиқариш дастури бир-бири билан тигиз боғликликда бўлганлиги учун ушбу кўрсаткичлар биргаликда режалаштирилади.

Умумий овқатланиш корхоналарида ўзи ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишдан товар айланмасини миқдори улар ишлаб чиқарган

маҳсулотлар (тушлик, кулинар, кондитер, яримфабрикатлар, салатлар, ичимликлар) ҳажми ва уларни баҳосидан боғликдир. Шунинг учун маҳсулотлар ишлаб чикариш дастури олдин хисоб-китоб килинади ва кейин ўзи ишлаб чикарган маҳсулотларни сотиш ҳажми аникланади.

Умумий овқатланиш корхонасини масҳулот ишлаб чикариш дастури куйидаги маълумотлар асосида ишлаб чиқилади:

• ўтган йиллар ва жорий йилга корхонани товар айланиш ва маҳсулот ишлаб чикариш ҳажми ва таркиби таҳлили натижалари;

• хизмат кўрсатилаётган аҳолининг ҳолати, ўтган йиллардаги ўзгариш суръати ва келажак даврга хисобланган сони, таркиби;

• корхонанинг ишлаб чикариш қуввати, аҳолини хизмат билан қамраб олиш кобилияти ва ушбу кўрсаткичлардан фойдаланиш коэффициентлари;

• хизмат кўрсатилаётган контингент жон бошига сотилган маҳсулотлар бирлиги (1 кишига тўғри келган таом- I, II таомлар) кондитер, кулинария маҳсулотлари, суюклик ичимликлар, салатлар ва бошқалар;

• аҳолини талабини ўрганиш натижалари ва корхонани режалаштирган менюси;

• корхонани режалаштирган даврга иш режими;

• корхонани хом ашё, яримфабрикатлар ва сотиш учун сотиб олинадиган товарлар билан таъминланиши ҳажми ва таркиби (ассортиментлари бўйича) тузилган шартномалар асосида;

• ҳар хил техник-иқгисодий норма ва нормативлар.

Умумий овқатланиш корхона (шахобча)лари уларни типларидан келиб чиқиб, ҳар хил шароитда ишлайди, ҳар хил ҳажмда ва ассортиментда маҳсулот ишлаб чикаради. Ушбу кўрсаткичлар уларнинг типларидан (ошхона, ресторан, кафе); ихтисослашганлиги (диета овқатлари, тез хизмат килиш, оилавий маросимлар ўтказиш, ишчи-хизматчиларга, ўкувчиларга хизмат килиш ва хоказолар); хизмат кўрсатилаётган контенгентни стабеллиги (ўзгарувчанлиги) ва таркибидан боғликлар. Шунинг учун ҳар бир конкрет

шароитга караб махсулотлар ишлаб чикариш хажми ва таркибини тегишли усуллардан фойдаланилган холда режалаштириш зарур бўлади.

Умумий овкатланиш корхона (шохобча)сида махсулот ишлаб чикариш режасини тузишни айрим усулларини кўриб чикамиз.

Нисбатан кўп ўзгармас контенгентга хизмат киладиган овкатланиш корхона (шохобча)ларда (ишлаб чикариш корхоналаридаги, мактаблардаги, олий ва ўрта махсус таълим юртларидаги, курилишдаги, транспорт корхоналаридаги ва бошка жойлардаги ошхоналар) махсулот ишлаб чикариш хажми ва таркибини хизмат кўрсатилаётган контингент сони ва битта истеъмолчига тўгри келадиган таом (кун, хафта, ой, квартал, йил) оркали хисоб-китоб килиш тавсия килинади.

Ушбу хисоб-китобларни куйидаги формулалардан фойдаланган холда амалга ошириш мумкин.

Бир кишн бир кунда истеъмол киладиган таомлар сони ($Б_{i.б}$): ўтган йилларда ўртача ёки жорий (базис) йилда ишлаб чикарилган таомлар (I, II ва бошкалар) ($\sum Б_б$) бир кунда овкатланган контингентни ўртача сони ($\overline{К}_к$) ва ошхонани ушбу даврда ишлаган кунлари ($Т_б$) оркали аникланади. Бу ерда:

$$Б_{i.б} = \sum Б_б : (\overline{К}_б \cdot Т_к)$$

Бу кўрсаткич оркали овкатланиш корхона (шахобча)сини, ойлик, кварталлик ёки йиллик махсулот ишлаб чикариш (таомлар) миклорини ($Q_{р.б.л}$) куйидагича аниклаш мумкин:

$$Q_{р.б.л} = Б_{i.б} \cdot \overline{К}_л \cdot Т_л$$

Бу ерда: $\overline{К}_л ва Т_л$ - тегишлича режалаштирилган йилга кўрсаткичлар.

Таомлар сонини режалаштирилган йилга ўртача баҳоларга кўпайтириш оркали тушлик овкатларни сотиш суммаси аникланади.

Умумий овкатланиш корхона (шахобча)лари хизмат киладиган контингенти доимий бўлмаган холларда (ресторан, кафе, умумий ошхоналар, тамаддихоналар) уларни контингентини аниклаш аллакачча мураккаброк. Бундай корхона ва шохобчалар учун махсулот ишлаб чикариш хажми

аҳолини талабини ўрганиш асосида, хўрандаларни давомади, бир хўрандага тўғри келган таомлар сони (кун, ҳафта, ой), режалаштирилган меню, корхона (шохобча)ни ишлаб чикариш қуввати, хўрандаларга хизмат килиш имконияти ва бошка омилларни ҳисобга олган ҳолда ҳар хил усулларни қўллаш орқали ҳисоб-китоб қилиниши мумкин.

Масалан, режалаштирилган меню орқали ҳисоб-китоб қилинса, ушбу кўрсаткич бир кунга эмас, бир неча кунга, ҳафта, ой, квартал ва йилга ҳисоб-китоб қилинишини талаб қилинади.

Режалаштирилган меню -- бу бирон бир даврга корхона (шохобча) сотишга тайёрлайдиган овқатларнинг рўйхатидир. Ушбу рўйхатда овқатни таркиби, оғирлиги ёки ҳажми ва баҳоси кўрсатилади.

Менюни ҳафталик режасини тузиш учун қуйидаги жадвалдан фойдаланиш мумкин.

14.4.1-жадвал

Ҳафталик меню ва ўртача бир кунлик овқатлар тайёрлашни ҳисоб-китоби

(сони, дона)

Таомлар турлари	ҳафта кунлари							ҳафталик таомлар сони	Ўртача бир сутка-лик таом тайёр-лаш
	Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Шанба	Якшанба		
Биринчи овқатлар: 1._____ 2._____ 3._____									
Иккинчи овқатлар 1._____ 2. 3._____									
Салатлар 1._____ 2._____ 3.									
Ширинликлар 1._____ 2._____ 3. ва ҳоказолар									

Менюни тузишда уни таркибини ўтган йилларга чукур тахлил килиш, корхона (шахобча)ни имкониятларини эътиборга олиш, контингентни талабини ўзгариб бориш тенденцияларини ва бошка омилларни хисоб-китоб килиш зарур бўлади.

Режалаштирилган даврга овкатлар тайёрлаш режаси куйидагича аникланади: бир суткада тайёрланадиган овкатлар сони (турлари бўйича) хисоб-китоб килинади ва улар овкатхонани режалаштирилган иш кунларига кўпайтирилади. Таомлар сонини режалаштириш даврига мўлжалланган ўртача бахосига (бухгалтерия маълумотлари асосида аникланади) кўпайтириш оркали овкатлар ишлаб чикариш бўйича товарлар айланишини хисоблаш имкониятини беради.

Умумий овкатланиш корхона (шахобча)ларида овкатлар тайёрлаш режасини тузиш уларни ишлаб чикариш кувваги ва хўрандаларга хизмат килиш имконияти (суткада катнашувчиларни ўтказиш салохияти) кўрсаткичларини ишлатиш хам мумкин.

Умумий овкатланиш корхона (шахобча)сини ўзи ишлаб чикарган махсулотларини сотишдан товар айланмасини аниклаш учун ишлаб чикарилган таомлар (тушлик махсулоти деб юритилади) билан бир категорда бошка махсулотлар ишлаб чикариш (спиртсиз ичимликлар, кандитор ва кулинар махсулотлар, яримфабрикатлар ва бошка ун махсулотлари) хажми хам хисоб-китоб килинади.

Бундай хисоб-китоблар учун ўтган йиллар маълумотларини тахлил килиш натижалари, ахоли талабини кондириш (талабни ўрганиш маълумотлари), контингентни холати ва келажакдаги сони ва таркиби, корхона (шахобча)ни ишлаб чикариш кувваги, хўрандаларга хизмат килиш салохияти, уларни моддий ресурслар билан таъминланиши каби кўрсаткичларни хисобга олган холда режалаштирилади.

Сотиб олинган товарларни сотиш бўйича товар айланмаси хажмини режалаштиришда корхона (шахобча)ларни типига караб мавжуд буфетлар имконияти, ўтган йиллар кўрсаткичларини тахлили натижалари, ушбу

товарлар билан таъминланиш имконияти кабиларни хисобга олинади ва тегишли усуллардан фойдаланади.

Ўзи ишлаб чикарган махсулотларни улгуржи сотиш овкатланиш корхона (шахобча)сини ишлаб чикариш куввати, ўтган йиллар маълумотлари ва режалаштирилган даврга тузилган шартномалар асосида ишлаб чикилади.

14.5. Умумий овкатланиш корхоналарида хом ашё таъминоти ва махсулотлар баланси

Умумий овкатланиш корхона (шахобча)ларини самарали фаолият юритиши, товара йланиши режасини, ишлаб чикариш дастурини бажариш, зарурий товарлар ва хом ашёлар захираларини яратиш учун уларни керакли озик-овкат махсулотлари (хом ашё) ва товарлар билан мунтазам таъминлаш зарур.

Ҳозирги шароитида таъминот масаласини хўжалик субъектлари мустакил (айрим шароитларда, холларда, махаллий хокимият ва хукумат аралашиши мумкин бўлган жараёнлар мавжуд) таъминотчилар билан тўзган шартномалар ва бозорлардан сотиб олиш оркали хал киладилар.

Умумий овкатланиш корхона (шахобчаларини) хом ашё ва истеъмол товарлари билан таъминлаш манбалари куйидагилар хисобланади:

- озик-овкат махсулотлари саноати корхоналари;
- кишлок хўжалиги субъектлари (фермер ва дехкон хўжаликлари);
- кишлок хўжалиги махсулотларини харид килиш ва сотиш билан шугулланувчи махсус базалар, омборлар;
- истеъмол товарлари савдоси билан шугулланувчи улгуржи савдо базалари ва омборлари;
- чакана савдо корхона (шахобча)лари;
- хар хил воситачилар;

- бошқа умумий овқатланиш корхона (шахобча)лари (яримфабрикатлар, кондитер ва кулинар маҳсулотларни улгуржи сотувчилар);
- деҳқон бозорлари.

Ўз маҳсулотларини товар айланмасига ва ишлаб чиқариш миқдори ҳамда сотиб олинган товарларни товар айланмасидан келиб чиққан ҳолда корхона (шахобча)ни хом ашё ва товарлар билан таъминлаш режаси ишлаб чиқилади. Ушбу режа маҳсулотлар балансини ташкил қилади ва унинг таркибида хом ашё ва товарларнинг захиралари режалаштирган даврнинг бошига ва уларнинг нормативлари даврнинг охирига, товар айланмаси ҳамда хом ашё ва товарларни келтириш режаси кўрсатилади.

Маҳсулотлар балансини тузиш учун ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотиш ва сотиб олинган товарларни сотиш бўйича товар айланмасини умумий ҳажми, ассортимент таркиби, ишлаб чиқариш дастури билан бир қаторда асос бўлиб, ўртача бир кунлик овқатларни сотиш режаси, ҳар бир овқат турлари бўйича сарфланадиган маҳсулотларни (хом ашё ва товарларни) нормаси (овқатлар рецепти деб юритилади) ҳамда хом ашё ва товарларни ўртача баҳолари ишлатилади.

Ушбу кўрсаткичлар асосида хом ашё ва товарларга бўлган эҳтиёж миқдори хисобланади.

Овқатларнинг турлари ва уларга сарфланадиган маҳсулотлар нормасидан келиб чиқиб, овқатларни гуруҳлари (масалан, гўштли, сутли, сабзавотли ва ҳоказолар) бўйича гўшт, картошка, пиёз, сабзавот, ун, крупа, макарон ва гуручлар каби асосий маҳсулотларни ўртача тортқичли нормаси аниқлаб олинади. Унинг учун қуйидаги формула ишлатилади:

$$\bar{X} = \frac{x_1 q_1 + x_2 q_2 + \ldots + x_n q_n}{q_1 q_2 + \ldots + q_n} = \frac{\sum_{i=1}^{n} xq}{\sum_{i=1}^{n} q}$$

бу ерда: X_i – i таомга сарфланадиган маҳсулот нормаси (граммда);

q_i – i- таомнинг ишлаб чиқариш режаси (дона), ёки унинг

овқат гуруҳи таркибидаги хиссаси, %.

Маҳсулотнинг умумий ҳажми (Q) ўртача торткичли нормани ишлаб чиқариладиган овқат гуруҳининг умумий сонига кўпайтириш орқали қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$Q = \overline{X} \cdot \sum_{i=1}^{n} q$$

хисоб-китобларни осонлаштириш учун маҳсулотларни сарфлаш нормаси 100 та ёки 1000 та таомга келтирилиб олиниши ҳамда алоҳида овқат турларини умумий овқат гуруҳидаги ҳиссаси, % да ишлатилиш мумкин.

Юқорида келтирилган ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун қуйидагича жадваллардан фойдаланишни тавсия қиламиз.

14.5.1-жадвал

Биринчи овқатлар учун маҳсулотлар сарфини ўртача торткичли нормаси

(граммда)

Таомлар номи	Овқат гуруҳидаги хиссаси, %	Гўшт		Картошка		Сабзавотлар	
		бир таомга нормаси	фоизли кўрсаткич	бир таомга нормаси	фоизли кўрсаткич	бир таомга нормаси	фоизли кўрсаткич
1	2	3	4=2·3	5	6=2·5	7	8=2·7
1. Шўрва							
2.Мастава							
ва ҳоказо							
	100,0						

Жадвалдаги 4,6,7 ва ҳоказо қаторлар жамини 100 га бўлиш билан маҳсулотларни ўртача торткичли нормаси аниқланади.

Бошқа ўзида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар (яримфабрикат, кондитер, кулинар таомлар) учун хом ашёга бўлган эҳтиёжи хам уларни ишлаб чиқариш миқдори ва сарфланадиган хом ашёлар нормасидан ёки ўтган йиллардаги ҳақиқий сарфлардан келиб чиқиб ҳисобланади.

Сотиш учун сотиб олинадиган товарларга эҳтиёж уларни товар айланмаси ва товар захираларини давр бошига ҳақиқий суммаси ва давр охирига режалаштирилган нормотив миқдоридан келиб чиқиб, уларни баланс боғлиқлиги формуласи билан аниқланади.

Умумий овқатланиш корхона ва шохобчаларида товар захираларини таҳлили ва нормалаштириш чакана савдонинг кўрсаткичларига мос келади. Ушбу масалаларни кўришда товар захираларини ўзи ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар билан боғлиқ бўлган хом ашё захиралари ва сотиш учун сотиб олинган товарлар билан боғлиқ товар захираларига ажратиб ўрганиш ва уларни кунлар ҳисобида аниқлашда тегишли товар айланишларига ҳисоб-китоб қилиш максадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

14.5.2-жадвал

Маҳсулотларга бўлган эҳтиёж

Маҳсулотлар номи	Ўлчов бирлиги	Биринчи таом		Иккинчи таом				ва ҳоказо овқатлар турлари бўйича	Жами	Ўртача бозор баҳоси, сўмда	Харажатлар суммаси, минг сўмда
		режада сони- $\sum_{i=1}^{n} q$		гўшти режада сони- $\sum_{i=1}^{n} q$		унли режада сони- $\sum_{i=1}^{n} q$					
		$\bar{X}$	Q	$\bar{X}$	Q	$\bar{X}$	Q				
1	2	3	4	5	6	7	8		П-2	П-1	П
Гўшт											
Ун											
Картошка											
Балик											
ва ҳоказо											

Таянч иборалар: Товар айланмаси, товар захиралари, товар таъминоти, хом ашё, ишлаб чиқариш қуввати, ҳўрандаларга хизмат қилиш салоҳияти, хом ашёларни сарфлаш нормаси, рецеп, ишлаб чиқариш дастури.

Такрорлаш учун саволлар

1. Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси кўрсаткичини моҳиятини ёритинг.

2. Товар айланиш қандай таснифланади?

3. Ишлаб чиқариш дастури моҳиятини ёритинг.

4. Товар айланиш кўрсаткичларини таҳлил қилишни хусусиятлари нималардан иборат?

5. Товар айланишни таҳлил қилишда қандай кўрсаткичлар ишлатилади? Уларни ҳисоблаш усулларини айтинг.

6. Умумий овқатланиш корхона (шахобча)лари товар айланиш режалаштириш усулларини ёритинг.

7. Ишлаб чиқариш қуввати моҳиятини айтинг. Бу кўрсаткич қандай аниқланади?

8. Савдо залини харидорларга хизмат қилиш салоҳияти нима? Бу кўрсаткич қандай хисобланади?

9. Ишлаб чиқариш дастурини тузиш хусусиятларини ёритинг.

10. Хом ашёга бўлган эҳтиёж қандай хисобланади?

11.Умумий овқатланиш корхоналарининг асосий кўрсаткичларини айтиб ўтинг.

15-БОБ Умумий овқатланиш корхоналарининг моддий ва молиявий ресурслари

15.1. Асосий фондлар тушунчаси, таркиби ва баҳоланиши
15.2. Асосий фондларнинг кўрсаткичлари
15.3. Айланма фондлар (маблағлар) тушунчаси, ҳаракати ва аҳамияти
15.4. Молиявий ресурслар моҳияти ва уларни умумий овқатланиш корхоналари самарадорлигини оширишдаги аҳамияти

15.1. Асосий фондлар тушунчаси, таркиби ва баҳоланиши

Умумий овқатланиш корхоналари ресурслари таркиби, кўрсаткичлари ва уларнинг аниқланиш йўллари хусусида фикр юритишдан олдин айрим статистик маълумотларга эътиборимизни қаратсак мақсадга мувофиқ бўлади. 2012 йил 1 январ ҳолатига республикамизда 605,1 минг ўриндиққа эга бўлган 14726 та умумий овқатланиш корхонаси фаолият юритган бўлиб, ҳар 10000 кишига ўртача 5 та умумий овқатланиш корхонаси тўғри келган. Умумий овқатланиш корхоналарининг сони 2012 йилда 2008 йилга нисбатан 1545 тага кўпайган. Бу уларнинг асосий фондлари ҳажмининг ҳам ортиб бораётганидан далолат беради.

Асосий фондлар моддий ресурсларнинг бир қисмини ташкил қилади. Бухгалтерия ҳисобига мувофиқ асосий фондларга ишлатиш даври бир йилдан юқори бўлган, моддий активлар қиймати киради. Бундан келиб чиқадики, асосий фондларни натурал-моддий кўринишн фаолият жараёнида кўп йиллар хизмат қилади, яъни шакли ўзгармайди ва ўз қийматини қисман товар қийматигаўтказиб боради.

Умумий овқатланиш корхона (шахобча)ларининг асосий фондлари иқтисодиётга оид адабиётларда умуман тан олинган тарифига биноан маҳсулотларни ишлаб чиқариш, тақсимот, сотиш ва истеъмолини ташкил қилиш жараёни учун зарур бўлган меҳнат куролларининг пулдаги ифодаси тушунилади.

Асосий фондлар фаолият жараёнида ўз натурал-моддий шаклини ўзгартирмайди ҳамда ўз қийматини ҳар бир ишлаб чиқариш жараёнини

такрорланиш даврида жисмоний ва маънавий эскириши меъёрига қараб, қисман маҳсулот қийматига ўтказиб боради.

Бухгалтерия ҳисобига мувофиқ умумий овқатланиш корхоналари асосий фондлари (воситалари) деганда «... узоқ муддат давомида хўжалик фаолиятини юритишда, шунингдек маъмурий ва ижтимоий-маданий функцияларини бажариш учун ишлатиладиган моддий активлар тушунилади»[2]. Бухгалтерия ҳисоботида «моддий активлар» қиймат кўрсаткич сифатида ишлатилади.

Назарий жиҳатдан асосий фондлар – бу инсонни меҳнат предмет (буюм, нарса)ларига таъсир ўтказиш учун ишлатиладиган меҳнат қуроллари мажмуасидир. Унинг таркибига жиҳозлар, машиналар, асбоб-ускуналар, бинолар, иншоатлар, транспорт воситалари, меҳнат буюм (нарса)ларини сақлаш учун қурулмалар ва ҳоказолар. Ер умумий меҳнат воситаси ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда умумий овқатланиш корхона (шахобча)ларининг асосий фондларига таъриф бериш назарий ва амалий жиҳатдан асосли бўлиб ҳисобланади. Чунки: биринчидан, курол – бу натурал моддий шаклдир, у куролни англатади; иккинчидан, асосий фондларга нафақат фаолият жараёнида бевосита иштирок этадиган меҳнат қуроллари киймати киради, унга фаолият юритиш учун зарур бўлган маъмурий, ижтимоий-маданий тавсифга эга бўлган меҳнат қуроллари қиймати ҳам киради; учинчидан, асосий фондларга айрим меҳнат қуроллари қиймати киритилмайди; тўртинчидан, асосий фондлар қиймат кўрсаткичи бўлиб, уни натурал-моддий шакли (кўриниши) фаолиятда жисмонан ишлатилади; бешинчидан, «фонд» сўзи рус тилидан келиб чиқиб, пул маблағларини англатади. Айрим ҳолларда фонд - ғамлаб қўйилган нарса, масалан, айрим ресурсларга уруғлик фонди, суғурта фонди каби ибораларни ишлатиш

[2] Ўразов К.Б. Савдода бухгалтерия ҳисоби ва тошкента тартиби. Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи. – 2004. – 226-бет.

амалиётда қабул қилинган. Булар меҳнат куролларига таллуқли бўлиб, тушунчалар умумий «фонд» сўзи мазмунидан истесно деб хисоблаймиз.

Шундай қилиб умумий овқатланиш (бошқа тармоқ ва соҳаларга ҳам тегишли) корхона (шахобча)ларини асосий фонди – бу уларни хўжалик фаолиятини юритишда бевосита ва билвосита иштирок этадиган, бир йилдан кам бўлмаган муддатда хизмат киладиган, меҳнат куроллари кийматининг пулдаги ифодасидир.

Ушбу таърифдан келиб чиқиб, асосий фондлар – бу иқтисодий категориядир ва хўжалик фаолиятидаги иқтисодий муносабатларни шаклланиш жараёнида иштирок этади.

Улар умумий овқатланиш корхоналари фаолиятида ишлатиладиган меҳнат куролларининг кийматидан иборат бўлиб, ишлаб чикариш ва ноишлаб чикариш шаклларига бўлинади.

Ишлаб чикаришга тааллуқли асосий фондларга умумий овқатланиш корхоналарида тўғридан-тўғри махсулотларни ишлаб чикариш, олди-сотди жараёнини ва умумий овқатланиш хизматларини амалга оширишда катнашадиган меҳнат куроллари киради.

Шундай қилиб, асосий фондлар – умумий овқатланиш жараёнида узок муддат, кўп маротабалаб иштирок этадиган, ўз кийматини товарларга кисман ўтказиб турадиган меҳнат куролларини кийматининг пулдаги ифодасидир.

Ноишлаб чикаришга тааллуқли асосий фондлар таркибига умумий овқатланиш корхоналарига тааллуқли маъмурий ва илмий-тадқиқот ташкилотларга қарашли бинолар, иншоатлар, жихозлар, уй-жой, коммунал хужалиги, клублар, стадионлар, богчалар, санаториялар, поликлиника, шифохоналардаги меҳнат куроллари киради.

Асосий фондлар олди-сотди ва умумий овқатланиш хизмати жараёнларида ўзини натурал-моддий шаклини саклаб қолган холда, кўп маротаалаб, узок муддатда хизмат килиши, ўз кийматини аста-секин товар кийматигаўтказиши, кийматини айланиш хусусияти (аста-секин истеъмол

қилиниши ва бир вақтда шаклан ўзгариши) билан айланма фондлардан кескин фарқ қилади.

Шу сабабли товар ресурслари, пул маблағлари асосий фонд бўла олмайди.

Асосий фондлар қиймат кўрсаткич сифатида ва унинг натурал-моддий шакли ҳисоб-китоб қилинади, таҳлил қилинади ва режалаштирилади.

Умумий овқатланиш корхоналарида асосий фондларнинг натурал-моддий таркиби (элементлари) 14 та катта гуруҳ бўйича тавсифланади. Улар қуйидагилардан иборат:

I – архитектура - қурилиш объектлари (лўконлар, омборлар, умумий овқатланиш корхоналари ва ҳ.к.);

II – иншоатлар, қурилиш объектлари, хар хил маҳсулотларни (нефть) сақлайдиган жойлар, кўприк иншоотлари, хар хил қудуқлар, сув чиқарувчи иншоатлар, хар хил тўсиклар (девор) ва ҳ.к.;

III – ўзатма механизмлар, электр ўзатмалари, буғ, сув ўзатмалари ва иншоатлари, телефон ўзатмалари ва ҳ.к.;

IV – машина ускуналар: буғланувчи машиналар ва козонлар, электр машиналари, ўзи юрар ёки силжийдиган электростанциялар, компрессорлар, кўтарувчи кранлар, товарларни қадоқлаш учун ускуналар, технологик ва иссиклик берувчи ускуналар, автомат машиналар: савдо автоматлари, ўлчов қуроллар - дозаторлар ва ҳ.к. хамда ўлчайдиган ва бошқарадиган асбоблар, лаборатория ускуналари киради;

V – асбоблар ва хар хил меҳнат қуроллари, материалларни қайта ишлаш учун хар хил мосламалар;

VI – хўжаликдаги ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари: ишчи столлар, пештахталар, савдо шкафлари, идишлар қўйиладиган хар хил асбоб-ускуналар, товарлар ва бошка нарсаларни сақлайдиган токчали ускуналар (стеллаж) ва ҳ.к.;

VII транспорт воситалари: автомобил воситалари, тракторлар, мотороллерлар, мотоцикллар, ҳаракатчан сув транспорти воситалари, омборхоналардаги кўтарувчи транспорт воситалари ва ҳ.к.;

VIII хўжаликдаги мебеллар, ёнмайдиган шкафлар, ёзадиган машинкалар ва ҳ.к.;

IX – компьютер техникаси – компьютер, сканер, принтер, калонка, электрон почта, факс ва ҳ.к.;

X – ишчи ва маҳсулдор ҳар хил ҳайвонлар (от, туя, сигир, чўчқа ва бошқа ҳайвон ва паррандалар);

XI – кўп йиллик ҳосил-мева берадиган дарахтлар, ўсимликлар ва ҳудуддаги ҳар хил кўкатлар;

XII – ерлар, суғориладиган мелиорацияга тегишли иншоатлар, сув ҳавзалари, ер участкалари;

XIII – кутубхоналар ва кутубхоналардаги асбоб-ускуналар;

XIV – ишлатиш муддати бир йилдан кўп бўлган меҳнат қуроллари.

Умумий овқатланиш корхоналарининг асосий фондлари маҳсулот ишлаб чиқаришда, олди-сотди ва савдо хизмати, истеъмолни ташкил қилиш жараёнларида ўзини натурал-моддий шаклини сақлаб қолган ҳолда, кўп мароталаб, узоқ муддатда хизмат қилиши, ўз қийматини аста-секин товар қийматига ўтказиши, қийматини айланиш хусусияти (аста-секин истеъмол қилиниши ва бир вақтда шаклан ўзгариши) билан айланма фондлардан кескин фарқ қилади.

Шу сабабли товар ресурслари, пул маблағлари асосий фонд бўла олмайди.

Асосий фондлар фаол (актив) ва пассив меҳнат қуролларига бўлинади. Асосий фондалрнинг фаол (актив) кисмига – машиналар, ускуналар, ўлчаш, созлаш асбоблари ва курилмалари, компьютер ва ҳисоблаш техникаси (касса аппаратлари), транспорт воситалари кабилар киради. Юқорида келтирилган тавсифни III, IV, V, VI, VII, VIII ва IX бандларида келтирилган асосий фондалр элементалрини киритиш мумкин.

Пассив асосий фондларга савдо жараёнини амалга оширишга шарт-шароит яратадиган меҳнат куроллари, яъни бинолар, иншоатлар киради. Асосий фондалрнинг хизмат килиш даври, улар кийматини айланиш вакти билан белгиланади.

Асосий фондлар – мулк шаклига, ишлаб чикаришга алокаси, аммортизацияга нисбатан, амортизация нормасига биноан ва соликка тортилишига нисбатан тавсифланади.

1. Мулкка нисбатан - хусусий ва арендаланган.
2. Ишлаб чикаришга катнашиши бўйича – ишлаб чикариш ва ноишлаб чикариш (савдода ишлаб чикаришга - савдога олди-сотдига тааллукли куроллар ва ноишлаб чикаришга – маъмурий бинолар, иншоатлар, жихозлар, уй-жой, коммунал хўжалиги, клублар, стадионлар, боғчалар, шифохоналар).
3. Амортизацияга нисбатан – амортизацияланувчи ва амортизация килинмайдиган. Охиргисига – ишчи ва махсулдор хайвонлар, кутубхона фонди, кўп йиллик экинлар, ўрнатилмаган жихозлар, консервация килинган воситалар (ЎзРВМ карори асосида), тўла амортизацияланган восталар.
4. Амортизация нормалари куйидаги 15.1.1 жадвалда келтирилган.

15.1.1-жадвал.

Ўзбекистон Республикасида асосий воситалар бўйича амортизация нормалари

	Асосий воситаларнинг номи	Амортизация-нинг энг юқори нормаси,фоизларда
	Бинолар, иморатлар ва иншоотлар	5
	Узатиш қурилмалари	8
	Кучқувват берадиган машиналар ва ускуналар	8
	Фаолиятнинг турлари бўйича иш машиналари ва ускуналар (ҳаракатланувчи транспортдан ташқари)	15
	Ҳаракатланувчан транспорт: -темир йўлнинг ҳаракатдаги таркиби; -денгиз, дарё кемалари, баликчилик саноати кемалари; -ҳаво транспорти.	8
	-автомобиль транспортинингҳаракатдаги таркиби; -ишлаб чиқариш транспорти; -енгил автомобиллар ва таксилар; -саноат тракторлари.	20
	-коммунал транспорт; -махсус вахта вагонлари.	10
	-бошқа транспорт воситалари	20
	Компьютер, периферия қурилмалари, маълумотларни қайта ишлаш ускуналари	20
	Бошқа гуруҳларга киритилмаган катъий белгиланган активлар	10

Умумий овқатланиш корхона (шахобча)лари асосий фонди натурал моддий шакли бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш, уларни сотиш (айрим ҳолларда таксимлаш) ва ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни ўз жойида истеъмол қилинишини таъминлашда ҳамда сотиб олган товарларни сотиш жараёнида иштирок этади. Бу жараёнлардан иштирок этмайдиганлари хам мавжуд. Ушбулар нуктаи назаридан асосий фондларни бошка тармоклар ва

соҳалардан фарқли ҳолда қуйидаги гурухларга тақсимлашни мақсадга мувофиқ деб хисоблаймиз:

• маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида ишлатиладиган меҳнат воситаларига (корхонани кухняси ва ундаги жиҳозлар);

• овқатларни истеъмол килишни таъминлашда иштирок этадиган меҳнат воситаларига (овқатланиш залига қарашли бино, иншоатлар, жиҳозлар):

• сотиб олган товарларни сотиш жараёнида ишлатилаётган меҳнат воситаларига (буфет ва ундаги жиҳозлар):

• маъмурий, ижтимоий-маданий функция бажараётган меҳнат воситалари (маъмурий бино, иншоатлар, жиҳозлар, автотранспотлар, медицина, кутубхона, клубларга тегишли, атрофни гўзаллаштиришга, табиатни мухофаза қилишга, ёнғинга қарши хавфсизликка тегишли ва бошка меҳнат воситалари)га.

Меҳнат воситаларининг қуйидагилари асосий фонд таркибига киритилмайди: махсус кийимлар; ошхона дастурхони ва сочиклари, идиш товоғи ва анжомлари. Булар айланма маблағлари таркибига киради.

Бундай таксимот асосий фондлари функционал вазифаси бўйича ўрганиш ва бахолашни таъминлайди.

Асосий фондлар бахоланиши – бошланғич киймати, тикланиш қиймати, қолдиқ қиймати бўйича бахоланади.

Бошланғич қиймати – асосий фондни сотиб олиш киймати, уни ташиш, урнатиш, монтаж, ишлатиш учун ишчиларни укитиш харажати, бож харажатлар ва ҚҚС (қўшимча киймат солиғи) йиғиндиси.

Тиклаш қиймати – бошланғич киймати қайта баҳолаш хисоби билан ва кенгайтириш, реконструкция килиш ва модернизация килиш учун кетган харажатлар йиғиндиси.

Қолдиқ қиймати – бошланғич кийматидан амортизация жамғармасини ажратиб ташлангандан колган қисми.

Асосий фондларни ишлатишда уни ишлаб чиқариш эскириши кўрсаткичи ишлатилади. Бу кўрсаткич асосий фондларни бирор бир даврида товарларгаўтказилган истеъмол киймати билан белгиланади.

Асосий фондларни эскириши икки хил тарзда бўлиши мумкин.

Биринчидан, жисмоний эскириш, уларни техник ишлатилиш хусусиятини ишлаб чиқариш жараёнида ёки табиий шарт-шароитлар натижасида йуколиши, емирилиши натижасида руй беради.

Иккинчидан, рухан эскириш, яъни имлмий-техник тараққиёт натижасида ишлатилаётган асосий фондларга нисбатан кудратлирок, унумдорлирок янги мехнат куролларини яратилиши натижасида эскиларини ишдан чиқарилиши тушунилади.

Амалиётда асосий фондларни жисмоний эскириш даражаси амортизация кўчирмаси миқдори билан белгиланади.

Асосий фондларнинг амортизация кўчирмаси – бу хусусий асосий фондларнинг эскириш кийматининг пулдаги ифодасидир.

Амортизация пул шаклида тупланиб борилади ва асосий фондалрни янгилаш, капитал таъмирлаш учун ишлатилади. Асосий фондларни жорий ва капитал таъмирлаш даврида ва ишлатилмай турган даврида амортизация кўчирмалари амалга оширилмайди. Амортизация фақат хусусий асосий фондлардан кўчирилади.

Амортизация нормалари асосий фондларнинг бошланғич (баланс киймати) кийматига нисбатан фоиз миқдорида белгиланади.

15.2. Асосий фондларнинг кўрсаткичлари

Умумий овқатланиш корхоналари фаолиятини ривожланиш тенденцияларини, асосий фондларини иқтисодий самарадорлигини ўлчаш ва бахолаш учун иқтисодиётга тааллукли фанларда ва иқтисодчилар ўртасида кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш зарурлиги тўғрисида инкор қилинмайдиган, ягона фикр мавжуд. Лекин кўп холларда асосий фондлар

билан боғлиқ барча кўрсаткичлар, уларнинг самарадорлиги кўрсаткичлари деб хисобланади.

Бизнинг фикримизча, асосий фондларнинг кўрсаткичларини қуйидаги гурухларга бўлиш максадга мувофикрок бўлади:

- асосий фондларнинг холатини ифодаловчи кўрсаткичлар;
- асосий фондлар билан таъминланганлигини билдирувчи кўрсаткичлар;
- асосий фондлар таркибидаги ўзгаришларни ифодаловчи кўрсаткичлар;
- асосий фондларни динамикаси ва ривожланиш тенденциялари кўрсаткичлари;
- асосий фондлар самарадорлиги ифодаловчи кўрсаткичлар.

Умумий овкатланиш корхоналарининг асосий фондлари холатини ифодаловчи кўрсаткичлар

1. Асосий фондларни бирор-бир муддатга холати, бошланғич киймати ва колдик киймати бўйича даврнинг бошига ва охирига (М: 1- январ, 1- апрел, 1- июл, 1- октябр, 1- январ келгуси йилга) хисобга олинади.

2. Асосий фондларни хисобот даврга янгиланиши (янгисини келтирилиши, ишга туширилиши) ва ишдан чикарилиши (маънавий ва жисмоний ишдан чикиши).

3. Асосий фондларни ўртача йиллик киймати. Ушбу кўрсаткичлар ўртача хронологик усул оркали аникланади.

$$\bar{X} = \frac{\frac{x_1}{2} + x_2 + x_3 + \ldots + x_{n-1} + \frac{x_n}{2}}{n-1}$$

Бу ерда:

$x_1 - x_n$ лар хар ой бошидаги ва охиридаги асосий фондлар киймати (асосий фондларни киритиш ва чикарилиши ойнинг 15 кунигача

амалга ошган бўлса, ушбу ой ҳисобига, кейин бўлса, келаси ой ҳисобига киритилади).

– $\bar{X}$ - асосий фондларни ўртача киймати.

«х» - белгиси ўрнида «Аф» - асосий фондалр белгиси ишлатилиши мумкин.

4. Асосий фондларни (Аф) умумий овкатланиш корхонасининг (ташкилотининг) барча ресурслардаги (Бр) ҳиссаси, фоиз ҳисобида (x_1):

$$x_1 = \frac{Аф \cdot 100}{Бр}$$

5. Асосий фондлар таркибида фаол (актив) ва пассив кисмларининг ҳиссаси (X_2; X_3):

$$X_2 = \frac{Афф \cdot 100}{Аф} \qquad X_3 = \frac{Афп \cdot 100}{Аф}$$

6. Асосий фондларда унинг алохида гуруҳларини (ишлаб чикариш ва ноишлаб чикариш) ҳамда натурал-моддий элементларини ҳиссаси, фоиз ҳисобида, масалан: ишлаб чикариш асосий фондларини (Аф.и.ч) ҳиссаси

$X_4 = \frac{Аф.и.ч \cdot 100}{Аф}$ ёки транспорт воситаларини (Аф.тр.) ҳиссаси

$X_5 = \frac{Аф.тр \cdot 100}{Аф}$ ва хоказолар бўйича.

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар катори асосий фондлар ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар сифатида умумий овкатланиш шахобчаларини умумий сони, ўриндиклар сони, турларини (ресторан, кафе-бар, ошхона ва х.к.) сони кабилар ишлатилиши мумкин.

Умумий овкатланиш корхоналарини асосий фондлар билан таъминланганлигини билдирувчи кўрсаткичлар

1. Умумий овкатланиш ходимларини асосий фонд билан таъминланганлиги коэффициенти ($Ут_1$), жумладан, актив қисми билан ($Ут_2$)

$$Ут_1 = \frac{Аф}{Х_{с.р}}$$

$$Ут_2 = \frac{Афф}{Х_{с.г}}$$

2. Умумий овкатланиш шохобчаларини сони ва ўринликлар сонини 1000 кишига (таъминланадиган ахолининг сонига нисбатан) тўғри келиши.

3. Асосий фондларни ичида корхона мулкини хиссаси, яъни хусусий асосий фондларни жами асосий фондларга нисбати, фоиз хисобида.

$$Аф_{т.с} = \frac{Аф_т \cdot 100}{Аф}$$

4. Мавжуд асосий фондларни корхонанинг унга бўлган эхтиёжига (бизнес режада кўрсатилган миқдори) ($Аф_э$) нисбатан, фоиз хисобида (ЭХт)

$$ЭХ_т = \frac{Аф \cdot 100}{Аф_э}$$

Ушбу кўрсаткич асосий фондларнинг элементлари бўйича ҳам ҳисоб-китоб килиниши мумкин, айникса, техник воситалар билан таъминланганлиги асосий ахамиятга эга.

5. Асосий фондларни ўсиш коэффициенти ($К_{эф.у}$)

$$К_{эф.у} = \frac{АФ_к - АФ_н}{АФ}$$

6. Асосий фондларни инвестицияланиш коэффициенти ($К_{ин}$)

$$К_{ин} = \frac{ИН}{АФ_к}$$

Бу ерда: «ИН» инвестиция, капитал маблағ суммаси.

Асосий фондларни таркибидаги ўзгаришларни ифодаловчи кўрсаткичлар

1. Асосий фондларни чиқиш коэффициенти ($К_{аф.ч}$)

$$К_{аф.ч} = \frac{АФ_ч}{АФ}$$

Бу ерда: «$АФ_ч$» ҳисобот даврида чиқарилган асосий фондлар.

2. Асосий фондларнинг янгилаш коэффициенти ($К_{аф.я}$)

$$К_{аф.я} = \frac{АФ_я}{АФ}$$

Бу ерда: «$АФ_я$» янгидан ишга туширилган асосий фондлар.

3. Асосий фондларни эскириш коэффициенти ($К_{эф.э}$)

$$К_{эф.э} = \frac{А}{АФ}$$

Бу ерда: «А» амортизация суммаси.

4. Асосий фондларни яроклилик коэффициенти ($К_{аф.я}$)

$$К_{аф.я} = \frac{АФ - А}{АФ} = ёки = 1 - К_{эф.э}$$

Асосий фондларни динамикаси ва ривожланиш тенденциялари кўрсаткичлари

Ушбу кўрсаткичлар асосий фондларни юкорида келтирилган барча кўрсаткичлари бир неча йилларга динамик каторларга келтирилиб, тахлил килиш оркали аникланади. Бунда солиштириш, гурухлаш оркали фоиз ва индексларни ишлатиш мумкин, натижада асосий фондларни ривожланиш тенденциялари аникланади.

Асосий фондларни самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар

Асосий фондларни самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар 15.2.1-чизмада келтирилган

15.2.1-чизма.

Асосий фондларни самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар

№	Кўрсаткичларнинг номи	Кўрсаткичнинг мазмуни	Кўрсаткични ҳисоблаш усули (формуласи)
1	Асосий фондни кайтими ($АФ_к$)	1 сўм асосий фондга канча умумий овкатланиш товар айланмаси тўғри келишини англатади (ТА)	$АФ_к = \frac{ТА}{АФ}$
2.	Асосий фондлар сигими ($АФ_с$)	Асосий фондларни кайтимини тескариси, яъни 1 сўм умумий овкатланиш айланишига канча асосий фонд тўғри келишини кўрсатади.	$АФ_с = \frac{АФ}{ТА}$
3.	Асосий фондлар рентабеллиги, % ($АФ_р$) ҳисобида	Асосий фондларнинг 1 сўмига неча фоиз фойда тўғри келишини кўрсатади	$АФ_р = \frac{Ф \cdot 100}{АФ}$

Асосий фондлар рентабеллиги кўрсаткичи билан бир каторда «Асосий фондлар даромадлиги» кўрсаткичи ҳам аникланиши мумкин. Бу холда «Фойда» ўрнига «Даромад» суммаси ишлатилади.

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар корхонанинг барча, мавжуд асосий фондларини самарадорлигини англатади. Аслида эса фондларнинг бир кисми ишлатилади.

Биз юқорида келтирилган «Самарадорлик» тушунчасидан, яъни сарфланган (ишлатилган), истеъмол қилинган асосий фондларни самарасидан келиб чиқсак, асосий фондларнинг барча суммасини эмас, унинг сарфланган (ишлатилган) истеъмол қилинган қисмини ишлатилса, ҳақиқатга якинрок кўрсаткич аниқланган бўлади.

Асосий фондларнинг сарфланган қисми унинг «амортизацияси»да ўз аксини топади ва шу сабабли «Асосий фондлар» ўрнига «амортизация» (А) суммасини ишлатиш максадга мувофиқ бўлади.

Истеъмол қилинган асосий фондларни кайтими ($АФ_{и к}$) қуйидагича аниқланади:

$$АФ_{и к} = \frac{ТА}{А}$$

Асосий фондлар сиғими эса ($АФ_{и с}$) қуйидагича аниқланади:

$$АФ_{и с} = \frac{А}{ТА}$$

Асосий фондлар рентабеллилиги ($АФ_{и р}$):

$$АФ_{и р} = \frac{Ф \cdot 100}{А}$$

15.3. Айланма фондлар (маблағлар) тушунчаси, ҳаракати ва аҳамияти

Такрор ишлаб чикариш жараёнини ҳаракатлантирувчи омиллар мехнат, капитал (меҳнат куроллари ва предметлари), ер, табиий ресурслардир.

Бу омиллар оркали жамиятда инсон эҳтиёжини кондириш учун зарур бўлган моддий ва маънавий бойликлар яратилади, истеъмолчиларга етказилади ва истеъмол қилиниши ташкил этилади. Бу жараёнда «ер (табиий ресурслар) – меҳнат - ишлаб чикариш воситалари (капитал)» бирлаштирилиб такрор ишлаб чикариш жараёни ҳаракатлантирилади.

Барча тармоқлар ва соҳаларда фаолиятни ҳаракатга келтирувчи омиллардан бўлиб, меҳнат куроллари ва предметлари ҳисобланади.

Айланма фонд (маблағ)лар меҳнат предметлари ва хизмат муддати бир йилгача бўлган меҳнат куролларини шакллантиришга йўналтирилган пул маблағларидир. Ёки уларни – корхона фаолиятини юргизишда фойдаланиладиган меҳнат предметлари ва хизмат муддати бир йилгача бўлган меҳнат воситалари қийматини пулдаги ифодаси деб тушуниш керак.

Меҳнат предметлари натруал-моддий, физик-кимёвий хусусиятлари бўйича фаолиятни (ишлаб чиқариш, товар айрибошлаш ва бошка фаолият жараёнларини) бир маротаба такрорланиш жараёнида тўла ишлатилади. Булардан хизмат муддати бир йилгача бўлган меҳнат куроллари истесно.

Бир фазада тўла айланиб, бир турдан иккинчи турга ўтиш хусусиятларидан келиб чиқиб, меҳнат предметлари қийматини **айланма фонд, маблаг (айланма капитал)** деб юритиш кабул қилинган.

Айланма маблағлар корхонани барча фаолиятини – таъминот, ишлаб чиқариш, айрибошлаш, молиялаштириш жараёнларини доимийлигини ва маромийлигини таъминлайди.

Айланма маблағлар доимий ҳаракатда ва такрор айланишда корхона фаолиятда катнашади. Айланма маблағларнинг моҳияти, шаклланиш манбалари барча тармоклар ва соҳалар бўйича бир хил тусда. Умумий овқатланиш корхона (шахобча)ларининг айланма маблағлари бошқа тармок ва соҳаларникидан ўз таркиби, ишлатилиш йўналишлари ва ҳаракати билан фарк қилади.

Умумий овқатланиш корхона (шахобча)ларининг айланма маблағлари доимо ҳаракатда бўлиб, бир вақтда ишлаб чиқариш, таксимот, айрибошлаш (махсулотларни сотиш) ва овқатларни жойида истеъмол қилинишига хизмат қилади. Айланма маблағларни айланиши вақт талаб қилади. Улар ҳаракатини олдин пул сифатида бошлайди, кейин бир канча жараёнларни ўтиб товар шаклига айланади. Товарлар қиймати пулга айлангандан кейин улар яна пул шаклига айланиб, корхона аванслаган маблағи ўзига қайтиши таъминланади. «П-ИЧ-Т-П» айланиши бир маротаба айланганда маблаг бирдан кайтарилади.

Бу жараён ишлаб чиқаришда ва савдода аллақанча вақт талаб қилади. Умумий овқатланиш корхона (шахобча)ларни ишлаб чиқариш ва савдо жараёнидаги хусусиятлари натижасида уларда тугалланмаган ишлаб чиқариш қарийиб вужудга келмайди, айланма маблағларни айланиши ишлаб чиқаришга, чакана ва улгуржи савдодагига нисбатан тез амалга ошади.

Умумий овқатланишда ишлаб чиқариш, савдо жараёнида айланма маблағларни бажарадиган функцияларидан келиб чиқиб, улар маҳсулот тайёрлаш, уларни ва товарларни сотишда хом ашё ва товарларга, йўлдаги хом ашё ва товарларга, узоқ муддатга картошка ва сабзавотлари тайёрлаш, сақлаш ҳамда уларни қайта ишлаш ва сотиш учун қўйилган пул маблағларига. кўмакчи хўжаликдаги маблағларга, бошқа активларга (тараллар захираси, ёқилғи, инвентарлар ва бошқалар) пул маблағлари ҳамда ҳисоб-китоб ракамлардаги маблағларга бўлинади.

Айланма маблағларнинг манбалари бўлиб корхонанинг ўз маблағлари, карзга олинган маблағлар ва жалб этилган маблағлар ҳисобланади.

Корхонани ташкил топишда айланма маблағлар унинг таъсисчилари маблағи ҳисобидан шаклланади (устав фонди), кейинчалик уни тўлдириш корхона фойдаси, жалб қилинган маблағлар (пассивлар) ҳисобидан тўлдирилади.

Айланма маблағлар асосий фондлардан фарқи 16.1. параграфда берилган.

Айланма маблағларни ликвидлик даражаси жуда юкори, айрим таркибларини ликвидлиги карийб «1»га тенг бўлади.

Умумий овқатланиш жараёнида айланма маблағлар бир турдан иккинчи турга айланиб туриши мумкин.

Айланма маблағлар доимий харакатда бўлади. Улар умумий овқатланиш жараёнининг бир циклида такрор ишлаб чиқарилади.

Айланма фондлар (маблағлар) таркиби

Айланма маблағлар таркибини назарий ва амалий ахамияти нуқтаи назардан натурал-моддий шакллари ва қиймат кўрсаткичи сифатида таснифлаш зарур.

Умумий овқатланиш корхоналарининг айланма маблағлари натурал-моддий шакллари бўйича қуйидаги таркиблардан (элементлардан) иборат бўлади:

1. Товар захиралари

2. Хом ашё ва тайёр махсулотлар

3. Таралар, ёқилғи, қадоқлаш материаллари.

4. Хўжалик эҳтиёжига ишлатиладиган материаллар (касса чеклари, компьютер краскалари каби).

5. Арзон инвентарлар ва ишлатилиш муддати бир йилгача бўлган тез емирилувчи куроллари.

6. Санитария ва махсус кийим-кечаклар.

Айланма маблағлар қиймати бўйича қуйидагича таснифланади.

1. Товар захиралари суммаси. Айланма маблағ таркибида товар захираларини суммаси 60-70 % ташкил килади.

2. Материаллар захираси ва арзон инвентарлар ва ишлатиш муддати бир йилгача, тез эскиралиган меҳнат куроллари суммаси.

3. Дебиторлик қарзлари. Умумий овқатланиш корхоналарига қарздор бўлган юридик ва жисмоний шахсларни товарлар ва бошка нарсалар бўйича карзлари суммаси.

4. Пул активлари. Умумий овқатланиш корхоналарининг кассасидаги, банкдаги хисоб ва валюта ракамларидаги пул ва бошқалар сифатидаги маблағлари.

5. Қиска муддатли молиявий қуйилмалар. Умумий овкатланиш корхоналарини ҳар хил қимматбаҳо қоғозларга қуйилган маблағлари, банкдаги депозит ҳисоб ракамидаги пуллари. Уларни ишлатилиш муддати бир йилгача, шу сабабли улар иқтисодий мазмуни жихатидан фойда (даромад) олиш мақсадида киска муддат ичида бўш пул маблағларидан фойдаланишни ифода қилади.

6. Айланма маблағларни бошқа турлари. Буларга келгуси давр қилинган ҳаражатлар киради. Ушбу ҳаражатлар келгуси асосий фаолиятга доир бўлиб, лекин ҳисобот даврида амалга оширилади. Уларга масалан: олдиндан туланган ижара хаклари; олдиндан туланган бошқа тармокларнинг хизмат хаклари; бошқа олдиндан бунак (аванс) сифатидаги тўловлар киради.

Ушбу ҳаражатлар ҳисобот йилида амалга оширилган билан келгуси даврнинг муомала (давр) ҳаражатларида ўз аксини топади.

Айланма маблағлар уларни режалаштирилиши нуқтаи назардан нормалаштириладиган айланма маблағлар ва нормалаштирилмайдиган айланма маблағларга бўлинади.

Миқдори реал аниқланиши нормалар ва нормативлар орқали мумкин бўлган айланма маблағлар нормалаштириладиган айланма маблағлар таркибига киради.

Нормалаштирилиши мумкин бўлган айланма маблағлар таркибига қуйидагиларни киритиш зарур:

- товар захиралари ;
- кассадаги ва йўлдаги пул маблағлари;
- товарлар булар турган ва бўш таралар;
- келгуси давр учун қилинадиган ҳаражаталр;
- моддий-техник таъминот материаллари, ёқилги, қадоқлаш ва хўжалик эҳтиёжи учун зарур бўлган материаллар;
- белгиланган муддатда банкларга инкасса қилиш учун ҳисоб-китоб ҳужжатлари топширилмаган умумий овкатланиш корхоналарига юборилган товарлар суммаси;

• умумий овкатланиш шахобчаларидаги (корхоналаридаги) хом ашёлар.

Миқдорини режалаштирилиши кийин ёки мумкин бўлмаган айланма маблағлар таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

• банкдаги хисоб ракамида сакланаётган пул активлари;

• белгиланган муддатдан кейин банкларга инкасса қилиш учун хисоб-китоб хужжатлари топширилмаган умумий овкатланиш корхоналарига юборилган товарлар суммаси;

• хар хил дебиторлар;

• сақлаш учун молдий жавобгарликка олинган товарлар суммаси (акцепт қилиш назарда тутилган холдаги);

• киска муддатли молиявий қуйилмалар.

Айланма маблағлар кўрсаткичлари

Айланма маблағлар кўрсаткичларини қуйидаги гурухларга таксимлаб ўрганишни тавсия қиламиз.

1. Айланма маблағлар холатини ифодаловчи кўрсаткичлар, булар абсолют миқдорларда (натурал ва киймат ўлчов бирликларида) ва ўртача қиймат кўрсаткичида хисоботга олинади.

2. Айланма маблағлар билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар.

3. Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

Айланма маблағлар холатини ифодаловчи кўрсаткичлар

1. Айланма маблағлар холати натурал-моддий шаклидан ва қиймат ўлчов бирликларидан келиб чикиб натурал ва қиймат кўрсаткичлар оркали бирор бир пайтга (моментга) ёки даврга хисобга олинади. Масалан: товар захиралари бирор пайтга (1.01; 1.04; 1.07; 1.10; 1.12; 1.01 келгуси йил каби)

натурал ва киймат кўрсаткичларда ҳисобга олиниши мумкин ёки бирор бир даврга киймат кўрсаткичлари орқали уларни ўртача миқдори аникланади.

Айланма маблағларни ўртача қиймати:

биринчидан, ўртача арифметик усул билан, $\overline{X} = \frac{X_1 + X_2 + ... + X_n}{П}$ аникланиши мумкин. Бу усул айланма маблағлар суммаси квартал ёки ойлар бўйича ўртачаси берилган бўлса ишлатилади. (Бу формулади «Х» - «Айланма маблағлар» деб ҳисобланади;

иккинчидан, айланма маблағлар суммаси динамик қаторда бир лайтга (кунга) берилган бўлса ўртача хронологик усул билан ҳисобланади, яъни

$$\overline{X} = \frac{\frac{X_1}{2} + X_2 + ... + X_{n+1} + \frac{X_n}{2}}{П - 1}$$

Айланма маблағларни ҳолатини англатувчи кўрсаткичлар қаторига, уларни такрорланиш ёки айланиш кўрсаткичини (кунлар ва маротаба ҳисобида) киритиш зарур. Бу кўрсаткич икки хил турда, яъни биринчиси, айланма маблағлари айланиши, иккинчиси товар захираларни айланиш сифатида ишлатилади (ушбу кўрсаткични моҳияти «Чакана товар айланмаси» мавзусида батафсил ёритилган).

Айланма маблағларни айланиши кунлар ҳисобида уларни такрорланишини бир цикл муддатини кўрсатади, товар захиралари кун ҳисобидаги кўрсаткич эса, уларни канча муддатга етишини, яъни неча кунда сотилиб бўлишини кўрсатади.

Айланма маблағларни айланиш муддати қуйидагича ҳисобланади (чакана савдо мисолида):

$$АйМ_к = \frac{\overline{АйМ} \cdot 360(ёки 90)}{ЧТА}$$

Айланма маблағларни бирор бир даврида (квартал, йил) айланиш миқдори уларни ушбу даврда неча маротаба айланишлиги (такрорланишини) англатади ва қуйидагича ҳисобланади:

$$АйМ_{к} = \frac{ЧТА}{АйМ} ёки \frac{360(ёки 90)}{АйМ_{к}}$$

Айланма маблағларни ўзгариш тенденциялари (динамикаси) кўрсаткичлари

Ушбу кўрсаткичлар асосий фондларники каби айланма маблағларни бир неча йиллар давомида «айланма маблағлар ҳолатини кўрсатувчи»,, «айланма маблағлар таркибини англатувчи», «айланма маблағлар билан таъминланганлиги» ва «айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини англатувчи» кўрсаткичларни абсолют миқдорини фарқи, фоизлар, индекслар орқали у ёки бу томонга ўзгариш даражасини ифодалайди. Улар ишлатилаётган кўрсаткичлар номи билан аталиб, ушбу кўрсаткичларни ўтган йилларга нисбатан абсолют миқдорини ўзгариши аниқланади, фоиз ҳисобида динамикаси ва индекс ўлчов бирликларида ҳисобланади.

Айланма маблағлар таркибини англатувчи кўрсаткичлари

Айланма маблағлар таркиби деганда, унинг барча элементларини (товар захиралари; материаллар захираларини; арзон инвентарлар ва ишлатилиш муддати бир йилгача бўлган, тез эскирадиган меҳнат қуроллари; санитария ва махсус кийим-кечаклар; дебитор қарзлар; пул активлари; киска муддатли молиявий қуйилмалар; айланма маблағларни бошка турларини ҳамда ўз маблағларини умумий айланма маблағлар суммасидаги ҳиссаси (улуши) фоиз ҳисобида аниқланади. Бунинг учун алоҳида олинган айланма маблағлар элементининг суммаси «100,0»га кўпайтирилиб, айланма маблағларнинг умумий суммасига бўлинади ёки коэффициент ҳисобида аниқланади.

Ушбу кўрсаткичлар билан бир каторда умумий овкатланиш корхонасининг умумий ресурсларини таркибини ўрганишда, умумий

ресурслар суммасида айланма маблағларни ҳиссасини аниқлаш (фоиз ёки коэффициент ҳисобида) тавсия қилинади.

Айланма маблағлар билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар

1. Ушбу кўрсаткичларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

Товар айланмасини айланма маблағлар билан таъминланганлиги. Чакана товар айланмаси (улгуржи товар айланмаси, умумий овкатланиш корхонасини товар айланмаси)да айланма маблағларнинг ҳиссаси, жумладан алоҳида ўз мбалагларини хиссаси.

Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун айланма маблағлар (ўз маблағлари) суммаси «100,0» га кўпайтирилиб тегишли товар айланиш суммасига бўлинади.

2. Айланма маблағлар нормасини таъминланиши – нормалаштириладиган айланма маблағларнинг ҳақикий суммасини белгиланган норма билан солиштирмаси. Ушбу кўрсаткич юқорида келтирилган кўрсаткичларни абсолют айирмасини топиш (ҳақикий суммадан нормани айириб ташлаш) ва ҳақикий суммани «100,0» га кўпайтириб нормативга бўлиш орқали аниқланади.

3. Айланма маблағларни ўз маблағи билан таъминланиши. Ушбу кўрсаткич бир томондан, айланма маблағлар ҳолатини кўрсатувчи кўрсаткич сифатида ишлатилса, иккинчи томондан корхонанинг ўз мбалагларн билан таъминланганлигини ҳам ифодалайди.

4. Айланма маблағларни товар айланмасини таъминлаши, кунлар ҳисобида. Ушбу кўрсаткич бирор муддатдаги (квартал боши ёки йилнинг бошидаги) айланма маблағлар суммасини келгуси даврнинг (квартал ёки йил) бир кунлик товар айланиш сўмасига таксимлаш орқали аникланади. Товар айланмасини (сотиб олиш кийматида, яъни савдо устамасисиз олинади) бир

кунлиги уни давр кунларига (квартал бўлса – 90 кун, йил бўлса – 360 кун) бўлиш оркали аникланади.

Юқорида келтирилган биринчи кўрсаткич товар айланмасини айланма маблағлар билан бирор даврда неча фоизга таъминланганлигини кўрсатади, тўртинчи кўрсаткич эса бирор муддатдаги мавжуд айланма маблағлар неча кунлик товар айланмасини таъминлаши мумкинлигини ифодалайди.

Айланма маблағлардан самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини аниклаш учун куйидаги кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш тавсия қилинади.

1. Айланма маблағларни (ёки ўртача товар захираларини) айланиш коэффициенти (Кай. ёки Кз.а) маротаба ҳисобида.

$$Кай. = \frac{ТА}{\overline{АйМ}}; \qquad Кз.а = \frac{ТА}{\overline{З}}$$

Бу ерда: ТА- товар айланмаси суммаси, кварталга ёки йилга) (чакана, улгуржи, умумий овкатланиш);

$\overline{АйМ}$ - ўртача айланма маблағлар суммаси;

$\overline{З}$ - ўртача товар захиралари суммаси.

2. Ўз айланма маблағларини айланиш тезлиги коэффициенти (Ку.ай.)

$$Ку.ай. = \frac{ТА}{\overline{АйМ}_{ў}}$$

Биринчи ва иккинчи банддаги кўрсаткичлар айланма маблағларни бир томондан бирор-бир даврда ишлатилиш ҳолатини кўрсатади, иккинчи томондан динамик қаторда тахлил қилинса улардан фойдаланиш самарасини ҳам ифода қилади.

3. Айланма маблағларни (ёки товар захираларини) рентабеллиги (ёки даромадлилиги) (Рай.м) куйидагича аникланади.

$$Рай.м = \frac{Ф \cdot 100}{АйМ\,(ёки\,З)};$$

$$Рай.м = \frac{Д \cdot 100}{АйМ\,(ёки\,З)};$$

15.4. Молиявий ресурслар мохияти ва уларни умумий овкатланиш корхоналари самарадорлигини оширишдаги ахамияти

Умумий овкатланишнинг молияси – бу пул даромадлар ва пул воситалари фондларини шаклланиши, таксимланиши ва ишлатилиши билан боғлик бўлган иқтисодий (конкрет холда пул) муносабатларидир.

Молияни мавжудлиги товар муомаласи билан чамбарчас боғлик, чунки товар муомаласи бир томондан товарлар массасини силжиши билан параллел пул массасини силжиши билан амалга ошади.

Товар массаси пул массасига тенг, эквивалент бўлиши керак.

Умумий овкатланиш корхоналари махсулот ишлаб чикариш товар айрибошлашни амалга ошириш жараёнида товарлар(хом ашё)ни сотиб олган кийматини (улгуржи бахо билан) муомала ва бошка харажатларини коплайди ва фойда олади.

Даромадни шаклланишида, ишлатилишида реал пул воситалари айланади, корхоналарни пул фондлари шаклланади (мехнат хаки фонди, капитал куйиш жамгармаси. давлат бюджетига тўловлар, резервлар ва бошка махсус фондлар).

Пул муносабатларида

– давлатнинг молия-кредит тизими билан тўловлар оркали;

- банк муносабатлари билан кредит олиш ва кайтариш оркали;

- умумий овкатланиш корхоналари ўзаро ва уларни иктисодиётни бошка тармоклари билан алокалари, товар-пул муносабатлари, яъни товар олди-сотди, хизмат ва бошка шартномавий муносабатлар оркали;

- ишчи-ходимлар билан ҳисоб-китоблар (иш ҳақи, моддий рағбатлантириш ва бошқа пул муносабатлари) орқали умумий овқатланиш корхоналарининг молиявий фаолияти ўз аксини топади.

Шундай қилиб, молия бутун пул муносабатларини барча жабҳаларини камраб олмайди.

Молия тушунчасига товарни сотиш билан боғлиқ бўлган пул муносабатлари кирмайди. Бу муносабатлар натижасида фақат аҳолига сотилган товарлардан умумий овқатланиш корхоналарига қоладиган даромадлар молиявий ресурсларга киради.

Шундай қилиб, пул муносабатлари молия тушунчасидан кенгрок. Молиянинг моҳияти унинг бажарадиган функциялари орқали намоён бўлади. Молиянинг функциялари қуйидагилардан иборат:

• такрор ишлаб чиқариш – капитални такрор айланишини таъминлаш, моддий ва пул ресурсларини мувофиқлигини таъминлаш;

• тезкор (оператв) – умумий овқатланиш корхоналарини пул маблағларига бўлган эҳтиёжларини аниқлаш, таъминлаш, ишлатилишини тартибга солиш;

• тақсимот – пул маблағларини мақсадли йуналтириш, тақсимлаш;

• назорат – пул маблағларини шаклланиши, тақсимланиши ва ишлатилишини норма, нормативлар, қонун-қоидаларга мос келишини тухтовсиз текшириб бориш.

Молиявий ресурсларнинг манбалари

Молиявий муносабатларнинг моддий ифодаси молиявий ресурсларда ўз ифодасини топади. Хўжалик субъектларининг молиявий ресурслари – бу улар ихтиёридаги пул ва унга тенглаштириладиган даромадлар ва тушумлардир. Улар хўжалик субъектларини бюджет, банклар, суғурта ва бошқалар олдидаги мажбуриятларини бажариш учун ишлатилади. Молиявий ресурслар юқоридагилар билан бир қаторда фаолиятни кенгайтириш ва ходимларни моддий рағбатлантириш учун ҳам манба бўлиб ҳисобланади.

Молиявий ресурсларни шакллантирувчи манбаси сифатида хўжалик субъектларини ўз (хусусий) ва ҳар хил бошка жалб килинган маблағлар ҳисобланади.

Умумий кўринишда хўжалик субъектларини (тармоқлар, соҳалар мулк шаклидан қатъи назар) молиявий ресурсларинг манбалари сифатида қуйидаги 15.5.1-чизмада келтирилганларни ҳисоблаш мумкин.

Молиявий ресурслар иқтисодий йўналтирилиши нуқтаи назаридан қуйидагича таснифланади:

1. Асосий фаолиятни таъминловчи.

2. Асосий фондларни такрор ишлаб чикаришини таъминловчи.

3. Айланма маблағларни шаклланишини таъминловчи.

4. Кадрлар тайёрлаш тадбирларини таъминловчи.


5. Ишчи-ходимларни моддий рағбатлантиришни таъминловчи.

6. Ижтимоий-маиший ва бошка эҳтиёжларни кондиришни таъминловчи.

7. Молиявий эҳтиёт захиралашга.

15.5.1 чизма

Хўжалик субъектларини (жумладан умумий овқатланиш корхоналари) молиявий ресурсларини умумий кўринишдаги манбалари



Ижтимоий махсулотни тақсимлаш нуқтаи назаридан қаралганда молиявий ресурслар деганда, давлат ва корхоналарда ўз максад ва вазифаларини бажариш учун тўпланадиган, тақсимланадиган ва ишлатиладиган пул шаклидаги ижтимоий махсулот ва миллий даромаднинг бир қисми тушунилади.

Амалий нуқтаи назардан умумий овқатланиш корхоналарини молиявий ресурслари улар ихтиёрида бўлган жами пул шаклидаги даромадлар ва жамғармалар йиғиндисидир.

Молиявий ресурсларни жорий фаолият, кредит ресурслар, пул маблағлари резервлари билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплангандан кейин корхона ихтиёрида қоладиган пул маблағлари жамғармалари ташкил қилади. Молиявий ресурсларга маълум миқдорда моддий бойликлар мос келади. Асосий ва айланма фондлар, моддий ва мехнат ресурсларини самарали ишлатиш молиявий ресурслар ҳолатини белгилайди.

Молиявий ресурслар билан таъминланиш уч хил шаклда амалга оширилади:

- ўз-ўзини молиялаштириш;
- кредитлаштириш;
- давлат томонидан молиялаштириш.

Молиявий ресурсларнинг кўрсаткичлари

Молиявий ресурслар бир томондан, пул маблағи сифатида жамғарилади, иккинчи томондан авансланади – моддий, номоддий ресурсларга, инвестиция ёки капитал сифатида хамда қимматбахо қоғозларга, акцияларга ва нихоят бадаллар, тўловлар, соликлар сифатида ишлатилади.

Манбалари нуқтаи назаридан молиявий ресурслар ўз маблағлари, қарзга олинган маблағлар ва жалб қилинган маблағлардан иборат бўлади.

Ушбулардан келиб чикиб, молиявий ресурсларнинг кўрсаткичларини қуйидаги гурухларга ажратиш лозим бўлади:

1. Молиявий ресурсларнинг ҳолати ва таркибини англатувчи кўрсаткичлар.

2. Молиявий ресурсларни самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларга қуйидаги тўрт гурух кўрсаткичларни тавсия қилиш мумкин:

- молиявий ресурсларни барқарорлиги;
- асосий фондлар билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- айланма маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- номоддий активлар билан боғлиқ кўрсаткичлар.

Молиявий ресурсларни ҳолатини ва таркибини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни абсолют суммаси ва нисбий кўрсаткичлар миқдори сифатида бухгалтерия ва статистик ҳисоботларда ўз аксини топади ва улар асосида ҳисобланади. Уларга қуйидаги ҳисобот шаклларини киритиш мумкин:

- бухгалтерия баланси – 1 сонли шакл;

- касса айланмаси тўғрисида ҳисобот – 11-торг шакли (Давлат статистика ҳисоботи);

- дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳақида маълумотнома – 2а –сонли шакл;

- пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот – 4 шакл;

- корхона сарф-харажатлари тўғрисидаги ҳисобот 5-С шакл.

Ушбу ҳисоботлардан молиявий ресурсларни ҳолатини белгиловчи кўрсаткичларни ажратиб олиб, уларнинг ҳолатига, таркибига баҳо бериш ва таҳлил қилиш мумкин бўлади. Молиявий ресурсларни барқарорлик кўрсаткичлари тизими 15.5.2-чизмада келтирилади.

Молиявий ресурсларни асосий фондлар ва айланма маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар. Ушбу китобнинг 15.3. ва 15.4.-параграфларида уларнинг самарадорлигини белгиловчи кўрсаткичлар тизимида берилган.

Молиявий ресурсларни шаклланиши, ишлатилиши хусусиятлари кўп қиррали бўлганлиги сабабли уларни жамғарилиши, авансланиши ва

ишлатилиши нукати назардан, ушбу хусусиятларига тааллукли кўрсаткичлар орқали ҳам тахлил килиш мақсадга мувофик деб ҳисоблаймиз.

Келтирилган масалаларга ҳамда номоддий активлар билан боғлиқ бўлган кўрсаткичларига бағишланган, ўзбек тилида чоп этилган бир қатор адабиётлар мавжуд[3] ва бу масалалар уларда тулик ёритилганлигини хисобга олиб биз юкоридагилар билан чегараланамиз.

15.5.2-чизма

Умумий овкатланиш корхоналари молиявий ресурсларининг баркарорлигини баҳолаш кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар номи	Аниклаш усуллари	Модул шакли
	Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари		
1.	Жорий ликвидлик коэффициенти ($К_{ж.л}$) (тўлов кобилияти)	Айланма маблағлар (АйМ) / киска муддатли (жорий) мажбуриятлар (КММ)	$К_{ж.л} = \frac{\sum АйМ}{\sum КММ}$
2.	Молиявий карамлик коэффициенти ёки карздорлик, маблағ билан таъминланиш коэффициенти ($К_{к.м}$)	карзга олинган капитал (КК) / Хусусий капитал (ХК)	$К_{к.м} = \frac{\sum КК}{\sum ХК}$
3	Молиявий барқарорлик коэффициенти ($К_{м.бар}$)	Хусусий капитал (ХК)+ Узок муддатли карзлар (УМК) / Активларнинг ўртача йиллик киймати ($\overline{АК}$)	$К_{м.бар} = \frac{\sum ХК + \sum УМК}{\sum \overline{АК}}$
4.	Мулк мустакиллиги коэффициенти ($К_{м.м}$)	Хусусий капитал (ХК) / Активларнинг ўртача йиллик киймати ($\overline{АК}$)	$К_{м.м} = \frac{\sum ХК}{\sum \overline{АК}}$
5.	Капитални маневр (харакатчанлик) коэффициенти ($К_{к.м}$)	харкатдаги (оборотдаги) капитал (ИК) / Хусусий капитал	$К_{к.м} = \frac{\sum ИК}{\sum ХК}$
6	Тўлов кобилияти коэффициенти ($К_{т.к}$)	ўз маблағи (у.М.) / Умумий мажбуриятлар (У М.)	$К_{т.к} = \frac{\sum УМ}{\sum УМ}$
7.	Товар захираларини хусусий капитал билан копланиш коэффициенти ($К_{т.х.ХК}$)	Хусусий капитал (ХК) / Йиллик уртча товар захиралари ($\overline{ТЗ}$)	$К_{т.з.ХК} = \frac{\sum ХК}{\sum \overline{ТЗ}}$
8.	Товар захиралэрини карзга олинган капитал билан коплаш коэффициенти ($К_{т.з.к}$)	карзга олинган капитал (КК) / Йиллик ўртача товар захиралари ($\overline{ТЗ}$)	$К_{т.з.к.} = \frac{\sum КК}{\sum \overline{ТЗ}}$

[3] Абдукаримов И.Т., Пардаев М.К., Исроилов Б.И. «Корхонанинг иктисодий салохияти тахлили». Т., «Иктисодиет ва хукук дунёси» нашриёт уйи, 2003
Пардаев М.К. ва бошкалар «Бошкарув тахлили». Т., «Иктисодиет ва хукук дунёси» нашриёт уйи, 2005.
Пардаев А.Х. «Бошкарув хисоби». Т., «Академия» нашриети, 2002
Ўрозов К.Б. «Савдода бухгалтерия хисоби ва солиққа тортиш». Т., «Иктисодиет ва хукук дунёси» нашриет уйи, 2004

Таянч иборалар: ресурс, ер, капитал, меҳнат, моддий ресурслар, номоддий активлар, меҳнат ресурслари, молиявий ресурслар, асосий фондлар, амортизация, бошланғич қиймат, тиклаш қиймати, қолдиқ қиймат, самарадорлик, самара, айланма маблағлар, айланма фондлар, айланма капитал, айланма капитал, айланма активлар, омиллар, кўрсаткичлар, молия. давлат молияси, хўжалик субъектлари молияси, жисмоний шахслар молияси, молиявий тизим, пул, молиявий ресурслар, пул муносабатлари, умумий овқатланиш корхоналарининг молияси, молияни функциялари, молиялаштириш, кредитлаштириш.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Ресурс деганда нимани тушунасиз?
2. Ресурслар кандай турларга бўлинади?
3. Ишлаб чиқариш омиллари нималардан иборат бўлади?
4. Табиий ресусларга нималар киради?
5. Асосий фондлар деганда нимани тушунасиз?
6. Асосий фондлар таркибини айтинг?
7. Асосий фондлар таснифини айтинг?
8. Асосий фондлар кандай баҳоланади?
9. Амартизация нима, кандай аниқланади?
10. Асосий фондлар кўрсаткичлар кандай гурухларга бўлинади?
11. Қандай кўрсаткичлар асоссий фондлар ҳолатини англатади?
12. Асосий фондлар билан умумий овқатланиш корхоналарининг таъминланганлик даражаси кандай аникланади?
13. Асосий фондлар таркиби кандай кўрсаткичлар орқали хисоб-китоб килинади.

Такрорлаш учун саволлар.

14.Айланма маблағлар мазмунини ёритиб беринг?

15.Айланма маблағлар асосий фондлардан кандай фарланади?

16.Айланма маблағлар кандай манбалар ҳисобидан шаклланади?

17.Хўжалик фаолиятида ишлтилаётган ресурслар кандай тарзда бир шаклдан бошқа шаклга ўтади?

18.Айланма маблағлар натурал-моддий таркибига нималар киради?

19.Айланма маблағлар киймати бўйича кандай таснифланади?

20 Айланма маблағлари таркибининг кайси бири нормалаштирилади?

21.Айланма маблағлар кайси қисмини режалаштириш кийин ёки мумкин бўлмайди?

22.Айланма маблағлар холати кандай кўрсаткичлар оркали аникланади?

23.Айланма маблағларни ўзгариш тенденциялари қандай кўрсаткичлар оркали аникланади?

24.Айланма маблағлар таркибини кандай кўрсаткичлар оркали ҳисобланади?

25.Айланма маблағлар билан таъминланганлиги қандай аникланади?

26.Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги кандай кўрсаткичлардан иборат?

Такрорлаш учун саволлар.

27.Молия деб нимага тушунасиз?

28.Молиявий тизим нима ва уни тартибига нималар кирали?

29.Молиявий ресурслар нима?

30.Молиявий ресурслар кандай манбалардан ташкил топади?

31.Молиявий ресурслар холати ва таркибини англатувчи кўрсаткичларни айтинг?

32.Молиявий ресурслар барқарорлиги кандай аникланади?

33.Молиявий ресурслар самарадорлиги кандай кўрсаткичлар оркали аникланади?

16-БОБ. Умумий овқатланиш корхоналари меҳнат ресурслари

16.1. Умумий овқатланиш корхоналарида меҳнатни ижтимоий - иқтисодий моҳияти ва аҳамияти

16.2. Умумий овқатланиш корхоналарида меҳнат ресурсларини шаклланиши ва кўрсаткичлари

16.3. Умумий овқатланиш корхоналарида меҳнат ресурсларини таҳлили ва режалаштириш

16.1. Умумий овқатланиш корхоналарида меҳнатни ижтимоий - иқтисодий моҳияти ва аҳамияти

Жамият тараққиётини кандайдир бир ижтимоий-иқтисодий боскичида оддий маҳсулот алмашуви товар айирабошлашни шаклига, яъни олди-сотди жараёнини вужудга келтиради. Ушбу жараён алоҳида меҳнат фаолиятига ажралади ва тармоқ вужудга келган. Ижтимоий меҳнат таксимоти натижасида ишлаб чиқаришдан товар муомаласи ажраб чиқиб, олди-сотди жараёни алоҳида тармокга айланади. Умумий овқатланиш тармоги вужудга келди, шу билан бирга ундаги меҳнат ҳам алоҳида жараёнга айланди.

Озука тайёрлаш, таксимлаш, олди-сотди истеъмолни жойида ташкил килиш жараёни билан шугулланувчиларни меҳнати алоҳида фаолиятига ажралган ва жамият тараққиёти билан богланган ҳолда, у ривожланиб ва такомиллашиб келмокда.

Умумий овқатланишдаги ишчилар меҳнати жамиятдаги умумий ижтимоий зарурий меҳнатнинг ажралмас қисми бўлиб, умумий овқатланиш нинг функцияларидан келиб чиқиб ўз хусусиятларига эгадир.

Умумий овқатланишда меҳнатнинг хусусияти маҳсулот ишлаб чиқариш, таксимлаш товар олди-сотди истеъмолни ташкил килиш жараёнини (товарни қийматини алмаштириш) таъминлаш ва ахолига хизмат кўрсатиш билан белгиланади.

Умумий овқатланиш ходимларини меҳнатининг табиати мураккаб жараён бўлиб, ўзига хос билим, кўникмаларни (ўкитувчи, врачларга ухшаган) истеъдод ва кобилиятини талаб килади. Айникса, ўткир ракобат шароитида биз келтирган хусусиятлар жуда юқори ахамият топади.

16.2. Умумий овқатланиш корхоналарида меҳнат ресурсларини шаклланиши ва кўрсаткичлари

Умумий овқатланиш корхоналари ривожланишида меҳнат ресурсларининг ўрни бекиёс. 2012 йил 1 январ ҳолатига республикамизда рўйхатга олинган 14726 та умумий овқатланиш корхонасида 44424 та ишчи хизматчилар фаолият юритган.

Жахон стандартларига биноан ишчи кучининг асосий кисмини ёлланма ходимлар ташкил қилади. Уларга шартнома (контракт) асосида ишлаётган барча ходимлар киради. Статистикада ишчи кучи рўйхатдаги ходимлар сифатида хисобга олинади. Рўйхатдаги ходимларга барча доимий, вактинча ва шартнома асосида ишга кабул килинганлар киради.

Вактинча ишга қабул килинганлар таркибига бир кун ва ундан кўпрок кунларга ишга кабул килинганлар киради. Бунга ҳақикатда ишлаётган ва вактинча ишга чикмаган, лекин ишда формал ҳолда хисобланадиганлар киритилади.

Назарияда ва амалиётда меҳнат ресурслари ва меҳнат салохияти деган кўрсаткичлар ишлатилади.

VIII-Халкаро статистиклар (1954 йил) конференциясида меҳнат ресурсларига «Хусусан меҳнат ресурслари» ва «харбий хизматчилар» киришни таъкидланган. «Хусусан меҳнат ресурслари» ишловчилар ва ишсизлар категорияларига ажратилган.

БМТ статистика комиссияси 1966 йилги 14 сессиясида «Иқтисодий фаол ахоли» тушунчасини жорий қилган. Уларга моддий неъматлар ишлаб чиқаришида ва хизмат килишда катнаша оладиган шахслар мажмуаси киради деб айтилган.

Меҳнат ресурслари деганда меҳнатга кобилиятли ёшдаги (аёллар 16-55, эркаклар 16-60 ёшда) ишчилар сони тушунилади. Бу чегара конун оркали белгиланган. Меҳнат ресурслари чегараланган, лекин хаётда ногиронлар, нафакахурлар, ёш болалар меҳнат кобилиятидан (иш кучидан) фойдаланилади.

Меҳнат ресурсларига буларни қўшсак меҳнат салоҳиятини ташкил килади.

Ходимлар (ишчилар) сони корхоналарда ўрганишда ва статистик ҳисоботда икки хил турда бўлади.

1. Рўйхатдагилар.

2. Ишга келганлар.

Рўйхатдаги ходимлар сони барча рўйхатдан ўтган ҳар хил сабаблар билан ишга (доимий, мавсумий, вақтинчалик) ишчилар сони киради. Уларга (хизмат сафарида, меҳнат таътили, декрет таътили, касаллар, ишга хар хил бошқа сабаблар билан ўқиш, лепутатлик ва х.к.) келмаганлар киради.

Рўйхатдаги ходимларга қуйидагилар кирмайди:

• бир маротаба ёки алоҳида ишларни бажаришга таклиф килинганлар (врачлар консультация учун, экспертиза учун, инвентарларни таъмирлаш, оқлаш, краскалаш кабилар);

• шартнома асосида (ҳуқуқий-фуқаролик шартномалари), агар улар бошқа ташкилотда рўйхатда турса;

• ўриндошлик асосида ишга қабул қилинганлар ҳамда бошқа ходимлар ва иш хаки статистикаси тўғрисидаги низомда кўрсатилганлар.

Статистик ҳисоботда ходимларнинг ўртача рўйхатдаги сони кўрсаткичи ишлатилади. (1 ой, квартал, 6 ой, 9 ой ва 1 йил). Бунда ишга келганлар ва келмаганлар хам хисобга олинади.

Масалан: ойлик учун ҳар куни рўйхатдаги ишчилар сони (байрам, дам олиш кунлари ҳам ҳисобга олинган холда) ҳар кунлигини жамлаб ойнинг таквим (календар) сонига бўлиш билан аникланади (ишчи-кун:каллендар кунига). 3 ойга бўлса ҳар бир ойнинг ўртача кўрсаткичини жамлаб 3 га бўламиз ва хоказо. Агарда ишчилар сони ҳар ой бошига берилган бўлса ўртача хронологик усул билан аникланади.

Ўртача рўйхатдаги ходимлар сонини аниклашда дам олиш ёки байрам кунларидаги ишга келганлар сони бир кун олдин ишга келганлар сонига тенг деб ҳисобга олинади. Масалан, жума куни 301 киши ишлаган бўлса, дам

олиш кунлари, яъни шанба ва якшанба кунларига 301 ходим ишга чиккан деб хисобланади. Масалан: 2010 йилнинг январ ойига куйидаги маълумотлар бор:

Календар куи	Ишга келганлар
1.01-	301
2.01-	301 Дам олиш куни
3.01-	301 - " -
4.01-	305
5.01-	307
6.01-	307
7.01-	312
8.01-	312
9.01-	312 Дам олиш куни
10.01-	312 - " -
11.01-	305
12.01-	306
13.01-	301
14.01-	310
15.01-	310
16.01-	310 Дам олиш куни
17.01-	310 - " -
18.01-	312
19.01-	312
20.01-	320
21.01-	320
22.01-	318
23.01-	318 Дам олиш куни
24.01-	318 - " -
25.01	320
26.01-	320
27.01-	317
28.01-	315
29.01-	315
30.01-	315 Дам олиш куни
31.01-	315

Жами ишчи куни сони = 9657 (киши - куни. ўртача рўйхатдаги ходимлар сони - $\bar{X}$) : 31 (иш куни) =311,5 киши.

Агарда ишга келганлар ҳар ойнинг бошига берилган бўлса, 1,01-570 киши. 1.02-575 киши, 1.03-572 киши ва 1.04 - 580 киши, бундай холда ўртача хронологик усул билан рўйхатдаги ўртача ходимларни ($\bar{X}$) аниклаш мумкин.

$$\bar{X} = \frac{\frac{570}{2} + 575 + 572 + \frac{580}{2}}{4-1} = 574 киши$$

Ойлар бўйича ходимларни ўртача сони қуйидагича берилган бўлса:

Ойлар	Ходимларни ўртача сони
Январ	500
Феврал	496
Март	500
Апрел	515
Май	530
Июн	518
Июл	560
Август	570
Сентябр	565
Октябр	570
Ноябр	580
Декабр	600
Жами	6504

Йиллик ходимларнинг ўртача сони

$\overline{X} = \frac{6504}{12} = 542$ кишига тенг бўлади.

Статистикада ўртача иш ҳақи, меҳнат унумдорлиги ва бошқа кўрсаткичларни аниқлаш учун «ўртача иш ҳаки ва бошка ўртача кўрсаткичларни аниқлаш учун ходимлар сони» кўрсаткичи ишлатилади.

Бу кўрсаткичини аниқлаш учун рўйхатдаги ходимлар сонидан айрим ходимлар категориялари чиқариб ташланади. Уларга қуйидагилар киради:

- хомиладорлик ёки фарзанд тугилгандан кейинги таътилдагилар;
- болаларга (айрим ёшгача) караш учун таътилдаги аёллар (иш хакисиз ёки қисман иш ҳаки туланадиган);
- кишлок хўжалик ишларини бажариш учун хизмат сафарига юборилганлар (хукумат карори билан бундай ишларни (75 % иш хаки асосий

иш жойида сакланиб колинади), шофёрлар, механиклар, трактористлар, миханизаторлар;

• курилиш ишларига хизмат сафарига юборилганлар. Уларни ҳам 50-75 % иш ҳаки сакланиб колинади. кишлок хужалиги ва курилиш ишларига жалб килинганларга суткалик ва квартера учун кўшимча хак туланмайди;

• махсус касалхоналардаги хронологик алкоголиклар;

• кечки ва сиртки ўкишда талабалар сессия даврида;

• иш хакини саклаб колмасдан зарурий таътилга чикканлар.

Ходимлар сони билан боғлик бўлган кўрсаткичлар каторига куйидагиларни хам киритиш лозим:

1. ишга келган ходимлар сони (уларни рўйхатдаги ходимлар сонидаги хиссаси):

2. ишчи ходимларни таркиби;

3. ходимларни ўртача ёши;

4. мехнат даври (стажи);

5. мехнат унумдорлиги;

6. ишчи ходимларни рентабеллиги ёки даромадлиги (Ри.х). Агарда яратилган кийматни C + V + m деб хисобласак, рентабеллик куйидагича ифодаланади: $Ри.х = \frac{m}{V}$; Бу ерда:

С – доимий капитал ишлаб чикариш воситалари; V – ўзгарувчан капитал, иш хаки; m – олинган фойда.

7. мехнаткашларнинг бўш вакти (дам олиш, ўкиш, малака ошириш жамоат ишлари, болалар тарбияси, жисмоний тарбия ва спорт, маданий дам олиш, маънавий эхтиёжларни кондириш);

8. ходимларни кунимсизлик коэффициенти (ишдан кетган ва хайдалганлар: ўртача рўйхатдаги сонига);

9. ходимларни кабул килиш коэффициенти;

10. мехнат унумдорлиги;

11. мехнат унумдорлиги ва ўртача иш хакини солиштирма кўрсаткичи.

16.3. Умумий овқатланиш корхоналарида меҳнат ресурсларини таҳлили ва режалаштириш

Бозор иқтисодиёти шароитида умумий овқатланиш корхоналарида банд бўлган меҳнат ресурсларини (ходимлар сонини) таҳлил қилиш иқтисодий ишларнинг энг муҳим томонларидан бири бўлиб хисобланади. Чунки ходимлар сони, ҳар бир корхонани меҳнат салохияти ва малакали иш кучи билан таъминланганлигини ифодалайди ҳамда катта ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. Ҳар бир ходимнинг ижтимоий-иқтисодий ахволи, улар ишлаётган корхоналарда ишчилар бандлиги, уларнинг иш ҳақи миқдори ва бошқа рағбатлантириш механизмларининг кандай ташкил қилинганлиги билан ифодаланади.

Шу билан бир каторда корхонанинг самарадорлиги унда фаолият кўрсатаётган ходимлар сонига, уларнинг малакасига, меҳнат шароити ва улар ўртасидаги маънавий-рухий мухитига бевосита боғлиқ. Шу нуқтаи назардан ходимлар сонини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Ходимлар сонини таҳлил қилишнинг вазифаси, унинг аҳамиятидан келиб чикади. Таҳлилнинг вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- фаолиятдаги (рўйхатдаги) ходимлар сонини ва уларнинг штат жадвалига мувофиқлигини солиштириб баҳолаш;
- ходимлар таркибини ўрганиш;
- ходимлар малакасини, маълумоти бўйича таркибини ўзгаришига баҳо бериш;
- ходимлар умумий миқдори ва таркибини ўзгариш тенденцияларини, корхонанинг бошқа кўрсаткичлари билан боғлиқлигини урганган холда баҳолаш;
- ходимларнинг ишлатилиш кўрсаткичлари, кунимсизлик коэффициенти, қабул қилиш коэффициенти, меҳнат унумдорлиги ва бошқаларни аниқлаш, уларнинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни белгилаш каби муҳим тадбирларни амалга ошириш.

Тахлилнинг вазифаси бу келтирилганлар билан чекланиб қолмайди, балки ҳар сафар тахлилнинг мақсадидан келиб чиқиб, ўзгариб туриши табиий. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида вазиятлар тез ўзгариб туриши мумкин. Бу ўзгариш жараёнини тахлил қилиб, тегишли қарорлар қабул қилиб, амалий чора-тадбирларни кўллаш, бошқариш ва иш юритиш усулларини вазиятга караб мослаб бориш чораларини кўриш хам муҳим ахамиятга эга.

Ходимлар сонини тахлили кадрлар билан таъминланганлиги, яъни лавозимлар штат жадвалини (поварлар, официантлар, маъмурий-бошкарув ва ёрдамчи ходимлар) тўлгазилганлиги аниклаш билан бошланади. Агар алохида ишчи-ходимлар категорияси бўйича хакикий кўрсаткичлар штат жадвалидан у ёки бу томонга фаркланса, унда фарқланиш сабаблари аниқланади ва зарурий чора-тадбирлар кўрилади. Ҳакикий ходимлар сони бир неча йилга солиштирилади, ўзгариш тенденциялари аниқланади ва керакли хулосалар килинади.

Умумий овкатланиш корхоналари ходимларининг сонини ўрганишда хар хил гурухлашларни ишлатишни такоза қилади. Масалан, умумий иш даври (стаж), жумладан ушбу корхонада, ёши бўйича, мутахассисларнинг маълумоти бўйича (олий, ўрта махсус, ўрта маълумотли, маълумоти йўклар).

Тахлил жараёнида ходимларни кўнимсизлигини аниклаш керак. Бунинг учун бир катор коэффицентлар аникланади.

Ишга қабўл килиш ёки ишдан коэффицентлари-ишга қабўл килинган ёки бўшатилган ходимлар сонини (ички тартибни бўзгани учун, ўз хохиши билан) ўртага рўйхатдаги ходимлар сонига бўлиш билан аниқланади. Ушбу коэффицент алохида алохида аникланади. Бу коэффицентлари иккинчиси кадрларни кўнимсизлиги коэффиценти деб хам аталади.

Кадрларни умумий силжиши коэффиценти ишга қабул қилинган ва бўшатилганлар йигиндисини ўртача рўйхатдаги ходимлар сонига нисбати.

Ушбу коэффицентлар бир неча ўтган йиллар билан солиштирилиб, уларни ўзгариш тенденциялари аниқланади, хулоса килинади ва таклифлар берилади.

Таҳлил жараёнида ходимлар ишлаш вактини календар фонди ўрганилади. Бунинг учун қуйидаги кўрсаткичларни аниқлаш тавсия қилинади:

1. битта ходим ишлаган ўртача кунлар сони - корхонада ишланган киши –кунлар сонини ўртача рўйхатдаги ходимлар сонига нисбати;

2. ишчи вактининг календар фондини ишлатилиши коэффиценти - ишлаган киши –кунлар сонини тўла календар фондига нисбати;

3. иш вактини йўкотиш коэффиценти - ишга чикмаган киши-кунлар сонини тўла календар фондга нисбати. Ишга чикмаган кунларни сабабини ўрганиш катта аҳамият тутади(касаллика, конун билан белгиланган ёки иш берувчининг рухсати билан, таътил, сабабсиз ва хоказолар).

Ходимлар сонини таҳлил килиш, уларнинг умумий сонини, таркибини, мехнат унумдорлигини режага ва ўтган йилларга нисбатан ўзгариш тенденцияларини аниклашдан бошланади.

Кейинги боскичда ходимлар сонини корхонанинг даромади ёки фойдаси билан солиштириб ходимларга тўғри келган даромад ёки фойдани ўзгариш тенденцияларини баҳолаш зарур.

Таҳлил жараёнида мехнат унумдорлиги билан ўртача иш хакини ўзгариш тенгденцияларини солиштириш катта аҳамиятга эга. Таҳлилни кейинги боскичларида юкорида 16.2 параграфда биз келтирилган ходимларга таълукли барча кўрсаткичлар динамик каторларда ўрганиш тавсия килинади.

Ходимлар кўрсаткичларига таъсир килувчи омилларни тахлил килиш зарур бўлади.

Ходимлар кўрсаткичларини умумий овкатланиш корхонасининг товар айланмасига таъсирини ўрганишни тавсия киламиз.

Меҳнат унумдорлигини таҳлилини умумий овқатланиш корхоналари кўрсаткичларини амалда ва солиштирма баҳоларда ўтказиш зарур. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида баҳоларни ўзгариши конуниятга айланиб бормокда. Меҳнат унумдорлигини таҳлил қилишда куйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб хисоблаймиз:

- меҳнат унумдорлиги бажарилиши, фоизда;
- планга нисбатан чекланиши, абсолют кўрсаткичларда;
- меҳнат унумдорлигининг динамикаси, фоизда;
- меҳнат унумдорлигига таъсир қилувчи омилларнинг миқдори;
- меҳнат унумдорлигини товар айланмасига таъсири;
- меҳнат унумдорлигини ошириш йўлларини.

Меҳнат унумдорлигини таҳлили умумий овқатланиш корхоналари ходимларининг меҳнатини самарадорлигини ошириш резервларини аниқлаш имкониятини яратади. 16.3.1 жадвалда шартли мисолда меҳнат унумдорлиги таҳлилини амалда баҳоларда келтирилган.

16.3.1 жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики Умумий овқатланиш корхонасининг товар айланмаси (умумий ва ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотиш бўйича) ўтган йилга нисбатан тегишлича 16,0% ва 33,6% га ўсган.

Ходимлари сони камайиш тенденциясига эга. Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари юкори даражада ўсиб бормокда, 1,76 ва 2,0 баробар ўсган. Қиймат кўрсаткичларини ўсиши баҳо омили билан боғлик, чунки баҳо индекси 1,758 га тенг бўлган $\left(\frac{191,26}{108,79}\right)$ Бундан маълум бўлаяптики ўзи ишлаб чиқарган товарларга ва сотиб олган товарларни сотиш баҳосини ўсиши натижасида меҳнат унумдорлиги 82,47 млн.сўмга (191,26-108,79)ортган.

16.3.1 жадвал

Меҳнат унумдорлигини баҳолаш

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Чекла Ишли (+:-)	Ҳисобот йили ўтган йилга нисбатан
1	Умумий товар айланмаси	Млн. сўм	4451,8	5164	+712,2	116,0
2	Ўзи ишлаб чикарган товарларни сотиш	Млн. сўм	2397,8	3204,0	+806,6	133,6
3	Ўртача рўйхатдаги ходимлар	Киши	41	27	-14	65,9
4	Ўртача рўйхатдаги ишлаб чикариш ходимлари	Киши	31	20	-11	64,5
5	Меҳнат унумдорлиги - жами ходимлар (1:3)	Млн. сўм	108,58	191,26	+82,68	176,1
6	Ушбу кўрсаткич солиштирма баҳода	Млн. сўм	-	108,79	-	
7	Ишлаб чикариш ходимларини меҳнат унумдорлиги (2:4)	Млн. сўм	77,35	160,22	+82,87	207,1

Юкорида келтирилган усул оркали официантлар меҳнат унумдорлиги -чакана товар айлиниши ўртачи рўйхатдаги официантлар сонига нисбати, ҳам таҳлил килинади.

Таҳлил жараёнида меҳнат унумдорлигига таъсир қилган омиллар ҳисоб китоб килинади.

Бахони таъсир миқдорини аниклаш юкорида кўрсатилди.

Яна бита омил ходимлар сонини ўзгариши. Уни таъсирини ҳисолаш учун куйидаги математик формула тавсия килинади.

$$\Delta МУ = \frac{Э_x}{100 - Э_x} \cdot 100$$

бу ерда: $\Delta МУ$ -мехнат унумдорлигини ўсиш даражаси;

$Э_x$ - қандайдир омил натижасида ходимлар сонини ўзгариши.

$Э_x$ кўрсаткичи куйидаги формула оркали ҳисоб китоб килинади. Масалан омил сифатида янги техникани жорий килиш ёки жиҳозни модернизация килиш деб ҳисобласак

$$Э_т = \left[100 - \frac{K \cdot 100}{(K_1 \cdot 100) + (K_2 \cdot \alpha)} \cdot 100\right] \cdot t_{к2} : 12$$

бу ерда: К - умумий жихозлар сони, дона;

$К_1$ – эски ўрнида ишлатилаётган жихозлар, дона;

$К_2$ – янги ёки модернизиция килинган жихозлар, дона;

α – янги ёки модернизация килинган жихозлари унумдорлигини эски (алмаштирилган ёки модернизацияланган) жихоз унимдорлигига нисбати, фоизда;

$t_{к2}$ – режалаштирилган даврда янги техника ёки модернизация килинган жихозни ишлатиш муддати, ойлар ҳисобида.

Меҳнат унумдорлигини оширишда ишчи вақтини йўқотишни камайтириш катта аҳамиятга эга.

Ишчилар сонини ишчи вақтини йўқолишини камайтириш орқали кисқартириш қуйидагича аникланади.

$$Э_ч = \frac{(t_н^0 - t_н^1) \cdot 100}{100 - t_н^1};$$

бу ерда: $t_н^0$ - базис даврида ишчи вақтини йўқолиши, фоизда;

$t_н^1$ - ҳисобот даврида ишчи вақтини йўқолиши, фоизда;

Меҳнат унумдорлигига таъсир килувчи омиллардан бири Умумий овқатланиш корхоналарининг товар айланмасининг таркибини «Меҳнат оғирлиги[4]»- кўрсаткичини ўзгариши ҳисобланади.

Товар айланиш таркибини ўзгариши натижасида 1 сўм товар айланмасига меҳнат харажатларини ўзгариши (+;-) миқдорини ($М_х$) қуйидагича ҳисоблаш мумкин.

$$M_x = (100 \cdot \Delta MK) : (50 + MK^0),$$

бу ерда: ΔMK - ўзи ишлаб чикарган маҳсулотлар ҳиссасини (товар айланишида) қўшимча ўсиш суръати;

$МК^0$ – ўзи ишлаб чикарган маҳсулотларни базис давридаги ҳиссаси.

[4] Меҳнат оғирлиги - кўпроқ меҳнат сарфини талаб қилиши.

Агарда ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг хиссаси ортиб борса, у меҳнат харажатларини ортишига олиб келади.

Олимларнинг хисоб китоблари бўйича ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларга келган умумий харажатлар суммаси сотиб олинган товарларни сотиш учун кетган харажатлардан 2.5-3 баробар кўпрок.

Масалан профессор А.М.Фридман келтирган хисоб китобларда ўзи ишлаб чикарган маҳсулотларга кетган харажат даражаси – 35,6%, сотиб олган товарларни сотишга кетган харажатлар даражаси – 13.7%. Уларни нисбати 35,6:13,7=2.6 ни ташкил килаяпти[5].

Айрим олимлар умумий овқатланишда меҳнат унумдорлигини хисоблашда шартли товар айланмасини ишлатилиши ва унинг учун товар айланмаси меҳнат оғирлиги коэффициентларича кўпайтириш оркали шартли товар айланишни хисоблашни, яъни маҳсулот ишлаб чикариш ва уни чакана сотиш 1,0-га, маҳсулот ишлаб чикариш ва уни улгуржи сотиш 0,8-га, сотиб олган товарларни сотиш 0.4-га кўпайтириш оркали аниклашни тавсия килади[6].

Меҳнат унумдорлиги даражасига ходимлар таркибини ўзгариши хам таъсир килади.

Масалан, умумий ходимлар таркибида маъмурий-бошқарув ходимлари хиссасини ўзгариши. Буни хисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин.

$$\Delta МУ = \frac{МБ_x^0 - МБ_x^1}{100 - МБ_x^0} \cdot 100$$

бу ерда: $\Delta МУ$ - ходимлар таркибини ўзгариши натижасида меҳнат унумдорлигини кўпинча ўзгариш суръати, фоизда;

$МБ_x^0, МБ_x^1$ - маъмурий-бошкарув ходимларининг хиссаси, тегишлича базис ва хисобот даврига.

---

[5] Фридман А.М. Экономика предприятий торговли и питания потребительского общества. Учебник. М. «Дашков и К°», 2008 г. 414 стр

[6] Ефимова О.П. Экономика общественного питания. Минск «Новое знание». 2008 г. 221 стр.

Мехнат ресурслари кўрсаткичларини тахлил килганда уларни товар айланишга ва махсулот ишлаб чикариш микдорига таъсири даражасини алохида хисоб-китоб килиш лозим.

Мехнат унумдорлигини ўсишини (фоизда) товар айланмасига таъсирини ΔTA куйидагича аниклаш мумкин.

$$\Delta TA = 100 - \left[(X_c \cdot 100) : \Delta TA_y\right] \cdot 100;$$

бу ерда: X_c – ходимлар сонини кўпинча ортиш суръати, фоизда;

ΔTA_y – товар айланмасини кўпинча умумий ортиш суръати, фоизда;

Ёки: $\Delta TA = \left[(\Delta TA_y - X_c) : \Delta TA_y\right] \cdot 100$

Мехнат ресурслари бир нечта бир бири билан боғлик кўрсаткичларни товар айланишга таъсирини занжирли усулини ишлатиш орқали аниклаш мумкин.

Масалан куйидаги омиллар таъсири:

1. ўртача рўйхатдаги ходимлар сони, киши;

2. иш кучини ўртача давомийлиги, соат;

3. битта ходимни ўртача ишлаган кунлари сони, кун;

4. бита ходимни ўртача соатда мехнат унумдорлиги, сўмда.

Бундай хисоб-китоб учун куйидаги жадвални тўзиб, омиллар микдари жойлашгириб, умумий товар айланиш хажмини ва унга алохида омиллар таъсири микдорини аниклаш мумкин.

16.3.1 жадвал

Товар айланишга мехнат кўрсаткичларини таъсири

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги					
			1	2	3	4	5
1	Ўртача рўйхатдаги ходимлар	киши	Б	X_1	X_1	X_1	X_1
2	Бита ходимни ўртача ишлаган кунлари	кун	Б	Б	X_1	X_1	X_1
3	Иш кучини ўртача давомийлиги	соат	Б	Б	Б	X_1	X_1
4	Бита ходимни ўртача соатда мехнат унумдорлиги	сўм	Б	Б	Б	Б	X_1
5	Товар айланмаси хажми (1*2*3*4)	Млн. сўм	TA_1	TA_2	TA_3	TA_4	TA_x

Изоҳ: Б – базис даври кўрсаткичлари;

X_1 – ҳисобот даври кўрсаткичлари.

Ушбу жадвал маълумотларида товар айланмасига алоҳида омиллар таъсири қуйидагича аниқланади:

1. ўртача рўйхатдаги ходимлар сонини ўзгариши $=ТА_2-ТА_1$;

2. битта ходимни ўртача ишлаган кунларини ўзгариши $=ТА_3-ТА_2$;

3. иш куни ўртача давомийлигини ўзгариши $=ТА_4-ТА_3$;

4. бита ходимни ўртача соатда меҳнат унимдорлигини ўзгариши $=ТА_5-ТА_4$

Ушбу усул орқали чакана товар айланмасига официантлар сонини ўзгариши; бита официантга беркитилган ўринликларни ўзгариши ва битта ўриндикга тўғри келган чакана товар айланмасини ўзгаришларининг таъсирини ҳисоб-китоб килиш мумкин.

Умумий овқатланиш корхонасининг ўзи ишлаб чикарган махсулотлар бўйича товар айланмасига ишлаб чикариш ходимлари сонини ўзгаришининг таъсирини $\Delta УИЧМТА$ қуйидаги формула орқали аниқлаш мумкин.

$$\Delta УИЧМТА = \left(ИЧХ_c^1 - ИЧХ_c^0\right) \cdot МУ_{нчх}^1 ;$$

бу ерда: $ИЧХ_c^0, ИЧХ_c^1$ - ўртача рўйхатдаги ишлаб чикариш ходимлари сони, тегишлича базис ва ҳисобот дарврларига;

$МУ_{нчх}$ – ишлаб чикариш ходимларининг базис давридаги меҳнат унумдорлиги.

Ўзи ишлаб чикарган махсулотлар бўйича товар айланмасига ишлаб чикариш ишчиларининг меҳнат унумдорлигини $(МУ_{нчх})$таъсирини қуйидагича ҳисоб-китоб килиш мумкин.

$$\Delta УИЧМТА = (МУ_{нчх}^1 - МУ_{нчх}^0) \cdot ИЧХ_c^1$$

Икки хил бир бирига боғлик омилларнинг товар айланишга таъсирини *интегралаш усулини қўллаш йўли* билан аниқлаш мумкин. Масалан: ходимлар сони ва меҳнат унумдорлигини товар айланмасига таъсири. Бунинг учун қуйидаги формуладани фойдаланиш мумкин.

$$\Delta TA = MU^0 \cdot \Delta X_c + [(\Delta MU \cdot \Delta X_c) : 2];$$

бу ерда: ΔTA – ходимлар сонини ўзгариши хисобидан товар айланмасини ўзгарган суммаси, млн. сўм;

ΔX_c – ходимлар сонини ўзгарган сони, киши;

ΔMU – мехнат унумдорлигини ўзгарган суммаси, млн.сўм

Ёки: $\Delta TA = \Delta X_c \cdot K_c^1 \cdot \Delta MU^1$

бу ерда: K_c^1 – бир ходимни базис йилида ишлаган кунлари;

MU^1 - мехнат унумдорлиги, базис йитлига.

Мехнат унумдорлигини товар айланмасига таъсири:

$$\Delta TA = X_c \cdot \Delta MU + [(\Delta MU \cdot \Delta X_c) : 2]$$

Ишчи вактини йўкотилишини товар айланмасига таъсири:

$$\Delta TA = X_c^1 \cdot \Delta K_c \cdot \Delta MU^1$$

Мехнат ресурсларини режалаштириш ходимлар сонини аниклаш ва штат жадвали тузишдан бошланади. Умумий овкатланиш корхоналарида ушбу кўрсаткичларни режалаштиришда корхонани ишлаш тартиби, товар айланмаси, моддий-техника базасида холати ва рўй берадиган ўзгаришлар, хом-ашё ва фабрикатлар билан таъминланиши, ҳар хил норма ва нормативлардан, умумий овкатланиш корхоналарининг турлари, категориялари ва бошка кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Ходимлар сонини режалаштириш норматив усули; эластиклик коэффиценти; товар айланмаси мехнат оғирлиги индекси; мехҳнат унумдорлиги; индекслар ва бошка усуллардан фойдаланиш асосида амалга оширилади.

Норматив усули оркали официантлар сонини аниклаш хизмаьт қилиш нормалари умумий овкатланиш корхоналарининг турлари бўйича (ресторан, бар, кафе), хамда уларни категориялари бўйича (люкс, юкори, 1,2,3 категориялар).

Юқори категорияли ресторан учун битта официантга беркитилган ўриндиклар сони нормаси 16-та бир сменага. Агарда хизмат қилиш бригада

шаклида амалга оширилса ушбу норма 15% ошади. Хизмат столни олдиндан сервировка қилиш орқали ҳамда «швед» столи, экспресс-стол, «фуршет» столи каби турларда бўлса ушбу норма 1,5-2,0 маротаба ортади[1].

Масалан: ресторан зали (биринчи категория) 65 ўриндикка эга. Хизмат шакли якка тартибда. Иш тартиби -1,5 смена. Битта официантни хўррандаларга хизмат килиш нормаси 20 та 1,5 сменада ишлаганда ходимлар сонини ортириш коэффициенти -2,1 га тенг

Ушбу маълумотларда режалаштирилган йилга бир сменада ишлайдиган официантлар сони = 65:20=3,25 киши. Ишлаш тартибини ҳисобга олган ҳолда официантлар сони – 3,25·2,1=6,8 киши, ёки 7 киши.

Кассирлар сони, агар хўррандалар ўзи – ўзини таъминлаш усули ишлатилса, 100 ўриндикга – 1 та кассир, агар тез таъминлаш (эксперт стол) усули ишлатилса 45-50 ўриндикга - 1 та кассир нормаси орқали ҳисоб-китоб килинади[7]. Юкори категорияли ресторанлар учун зал администратори (метродетель) иш тартибига караб, бир сменага битта залга битта администратор[1].

Поварлар, конвойлар, кондитерлар сони хўжалик эҳтиёжидан келиб чикиб ўтган йиллар маълумотларига асосан тажриба-статистик усулини ишлатиш йўли билан аникланади. Бунда меҳнат унумдорлиги, жихозлар сони каби кўрсаткичлар ишлатилиши мумкин.

Ходимлар сони ходимларни эластиклик коэффиценти кўрсаткичи орқали аникланиши мумкин:

$$K_э = \Delta X_ч : \Delta TA;$$

бу ерда: $\Delta X_ч, \Delta TA$ – тегишлича ходимлар сони ва товар айланмасининг ҳисобот йилида базис йилига нисбатан кўшимча ўзгариш суръати, фоизда.

---

[7] Ушбу нормалар Белоруссия Республикасида ишлатилади Ефимова О.П. Экономика общественного питания Минск. «Новое знание», 2008 г 232 стр.

Бу холда: $\Delta X_c^r = K_t \cdot \Delta TA$;

бу ерда: ΔX_c^r – ходимлар сонини қўшимча ўсиш суръатини ўзгариш миқдори, фоизда;

Ходимлар сони режалаштирилган йилга (X_c^r) қуйидагича аниқланади:

$$X_c^r = \frac{X_c^1 \cdot (\Delta X_c^r + 100)}{100}$$

Ходимлар сонини меҳнат оғирлиги индекси орқали аниқланганда қуйидаги ҳисоб-китоблар амалга оширишлади.

Масалан: режалаштирилган йилга меҳнат оғирлиги кўрсаткичи 5% қискаради дейлик, бунда меҳнат оғирлиги индекси – 0,95 га тенг бўлади. Режалаштирилган йилга товар айланмасини ўсиш суръати – 20%. Ушбулардан келиб чиқиб, ходимлар сонини ўсиш суръати =1,20·0,95=1,14 га тенг бўлади, яъни ходимлар сони 14,0% ошади.

Агарда ҳисобот йилида ходимлар сони 27 кишини ташкил қилган бўлса, режалаштирилаётган йилга уларнинг сони =27·1,14=31 кишини ташкил қилиш керак бўлади.

Ходимлар сони ва меҳнат унумдорлиги индекси усули, иқтисодий-математик усуллар орқали ҳам аниқланиши мумкин. Масалан: товар айланмаси индекси -- 1,20, меҳнат унумдорлиги индекси-1,09 бўлса ходимлар индекси-1,20:1,09=1,09 ни ташкил қилади. Ҳисобот йилида ходимлар сони 27 кишини ташкил қилган бўлса, режалаштирилаётган йилга ходимлар сони =27·1,09=29 кишини ташкил қилади.

Ходимлар сони аниқлангандан сўнг штат жадвали тузилади. Унда ходимлар сони ҳар бир лавозим бўйича алоҳида кўрсатилади. Лавозимлар функционал вазифаларига қараб қуйидагича белгианади.

1. Бошқарув аппарати ва мутахассислар (директор, директор муовини, администратор, бухгалтер, экономист, инженер-технолог ва бошқалар).

2. Ишлаб ичқариш – савдо ходимлари (поварлар, официантлар, кухня ишчилари, кассирлар, ишлаб чиқариш мудири ва бошқалар).

3. Ёрдамчи ходимлар (юк ортувчилар, супурувчилар, идиш ювувчилар, коравул ва бошқалар).

Таянч иборалар: меҳнат, меҳнат ресурслари, ишчи кучи, ишчилар сони, рўйхатдаги ишчилар, меҳнат салоҳияти.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Меҳнатнинг моҳиятини ёритиб беринг?
2. Меҳнат ресурслари деганда нимани тушунасиз?
3. Меҳнат салоҳияти нима ва у меҳнат ресусларидан кандай фаркланади?
4. Ишчи кучи нима?
5. Ишчи кучи такрор ишлаб чикарилиши кандай фазалардан иборат бўлади?
6. Рўйхатдаги ходимлар сони кандай аникланади?
7. Ходимларни ўртача сони кандай аникланади?
8. Меҳнат ресусларни тахлил килишда кандай кўрсаткичлар аникланади?
9. Умумий овкатланишда официантлар сони кандай режалаштирилади?

17-БОБ. Умумий овқатланиш корхоналари даромадлари

17.1. Умумий овқатланиш корхоналари даромадларининг табиати, моҳияти ва турлари
17.2 Умумий овқатланиш корхоналари даромадлари таҳлили
17.3 Умумий овқатланиш корхоналари даромадларини режалаштириш ва прогнозлаш

17.1.Умумий овқатланиш корхоналари даромадларининг табиати, моҳияти ва турлари

Умумий овқатланишда даромадлар маҳсулот ишлаб чиқариш, уларни сотиш ва истеъмол қилинишини ташкил қилиш ҳамда сотиш учун сотиб олинган товарларни айрибошлаш ва бошқа фаолиятларга боғлик.

Умумий овқатланишда даромад улар фаолиятининг баҳоси яъни улар фаолиятида сарфланган ижтимоий зарурий меҳнатнинг (меҳнат воситалари ва ишчи кучи ҳаражатлари) қиймати ва қўшимча кийматнинг пулдаги ифодасини англатади. Назарий жиҳатдан у «с + v+ m» -га тенг. Бу ерда «с + v» жонли ва жонсиз меҳнат сарфларини, яъни умумий овқатланиш ҳаражатларини англатса, «m» - уларни соф фойдасини миқдорини англатади.

Умумий овқатланишда ишлаб чиқаришдан фаркли, барча ҳаражатлари даромад (уларни устамалари) ҳисобидан копланади, яъни улар товарлар киймати таркибида акс топади, ишлаб чиқаришда эса, ҳаражатлар таннарх таркибига киради ва у маҳсулот (иш, хизмат)ни сотишдан олинган соф тушум ҳисобидан қопланади. Умумий овқатланишда фаолияти киймати (с + v + m), уларнинг даромадида ўз аксини топади. Ушбулар нуқтаи назаридан, бизларнинг фикримизча, Умумий овқатланишда ҳам савдодаги каби «даромад»ни, улар фаолиятида яратилган кийматнинг пулдаги ифодаси сифатида, яъни улар фаолиятининг баҳоси сифатида каралиш иқтисодий назария нуқтаи назаридан ҳақиқатга якин бўлади.

Умумий овқатланиш корхоналари (шахобчалари)нинг даромади – бу улар фаолияти натижасида яратилган кийматнинг пулдаги ифодасидир ва у умумий овқатланиш соҳаси фаолиятининг баҳоси сифатида намоён бўлади.

Даромаднинг иқтисодий йўналтирилиш моҳияти бўйича барча ҳаражатлар, соликлар, тўловларни ва фойдани таъминлашдир.

Ушбу соҳада сотишдан олинган даромадлар улар томонидан ўз маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун сотиб олинган хом ашёларга ҳамда сотиладиган товарларни сотиб олинган баҳоларига қўйиладиган устамалар миқдорида ўз аксини топади.

Умумий овқатланиш соҳасида савдо соҳасига ўхшаш даромадларни асосий қисми тегишлича ўз маҳсулотларини ва сотиш учун сотиб олиган товарларни сотишдан шаклланади.

Бухгалтерия ва статистик хисоботларда умумий овқатланиш корхона (шахобча)ларининг даромадлари қуйидагича шаклланади.

«Маҳсулот (иш хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларини шакллантириш тартиби тўғрисида Низом» да (5 февраль 1999 йил 54 – сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори) хўжалик субъектлари, жумладан умумий овқатланиш корхоналари даромадларининг турлари ва аниқлаш усуллари келтирилган.

Назарий жиҳатдан умумий овқатланиш корхоналарини ўз маҳсулотларини ва сотиш учун сотиб олинган товарлар сотишдан олинган даромади уларни ҳаражатларини қоплаш ва фойда олиш манбаи бўлиб, у бир томондан умумий овқатланиш соҳасининг ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни кийматидаги, иккинчи томондан, сотиш учун сотиб олинган истеъмол товарлар баҳосидаги ҳиссасининг миқдорини англатади. Бундан келиб чиқиб, овқатланиш соҳасининг сотишдан олинган даромади овқатланиш сохаси хизматларини кийматини пулдаги ифодасидир. Ушбу таъриф маҳсулотлар ва товарларни сотишдан олган даромадни моҳиятини очиб беради.

Умумий овқатланиш корхона (шахобча)лари ўз маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш тармоқларидаги каби янги киймат яратади. Ушбу нуктаи назардан Умумий овқатланиш соҳасида ишлаб

чиқариш тармоқларида товар кийматини яратилиши ва улар баҳосини шаклланишига мос келади. Шу сабабли уларда ҳам «таннарх» ва «фойда» каби кўрсаткичлар ишлатилиши мумкин. Лекин умумий овқатланишда даромадларнинг шаклланиши ва аниқлаш усуллари савдоникига мослаштирилган.

Умумий овқатланишда маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан ҳамда товарларни ишлаб чиқаришдан то истеъмолчиларга етказиш билан боғлиқ бўлган ҳаражатларни тўлаш товарларни чакана баҳоси (устамалар) ҳисобидан амалга оширилади.

Умумий овқатланишда устамалар (хом ашё ва товарлар учун) товарлар чакана баҳоси билан товарларни сотиб олиш (чакана ва улгуржи савдодан, деҳқон бозорларидан, ишлаб чиқаришдан ёки бошқа воситачилардан) баҳоси ўртасидаги фарқи сифатида аниқланади.

Умумий овқатланиш корхоналарининг даромадлари юқорида келтирилган Низом бўйича қуйидагилардан таркиб топади:

1. сотишдан олинган даромад. Умумий овқатланишнинг «Товарларни сотишдан олган ялпи даромади» сотишдан олинадиган соф тушумдан сотилган товарларни ҳарид қийматини чегириб ташлаш орқали аниқланади;

2. асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар;


3. асосий бўлмаган фаолиятдан олинган даромадлар. Улар қаторига молиявий фаолиятдан олинган даромаллар ва фавқулотдаги даромадлар киради.

Умумий овқатланиш корхона(шахобча)лари даромадининг таркибий турлари 17.1.1. чизмада келтирилган.

Умумий овқатланиш корхона (шахобча)ларида 17.1.1 чизмадан кўриниб турибдики савдодагидан фақат «товарларни сотишдан олинган даромад»ни шаклланиши билан фарқланади

17 1.1 – чизма.

Умумий овқатланиш корхона (шахобча)ларининг даромадлари турлари.



Даромадлар миқдори абсолют-сўмда ва нисбий кўрсаткичларда ҳисоб-китоб қилинади. Даромадлар кўрсаткичларини уларни шаклланиш манбаларидан келиб чиқиб қуйидагича аниқлашни тавсия қиламиз:

- товарларни сотишдан олинган даромадларни Умумий овқатланиш корхона (шахобча)ларининг умумий товар айланмасига (чакана+улгуржи) нисбатан, фоизда ёки коэффициентда;

- ўзи ишлаб чиқарган махсулотларни сотишдан олинган даромадларни, ўзи ишлаб чикарган махсулатларни сотиш бўйича умумий товар айланмаси (чакана+улгуржи)га нисбатан фоиз ёки коэффициентда;
- сотиш учун сотиб олинган товарларни сотишдан олинган даромадларни сотиб олинган товарларни сотиш товар айланмасига нисбатан фоиз ёки коэффициентда;
- товарларни сотишдан олинган даромадларга муомала харажатларни нисбати фоизда ёки коэффициентда; ёки ушбу кўрсакткичнинг тескариси;
- ялпи даромадни барча активларга нисбати, фоизда ёки коэффициентда;
- ялпи даромадларни амортизация суммаси, айланма маблағлар ва молиявий ресурсларга нисбати, фоизда ёки коэффициентда;
- молиявий фаолиятдан олинган даромадларни молиявий ресурсларга нисбати, фоизда ёки коэффициентда.

Бундан ташқари даромадларнинг таркиби ҳар бир элементининг уларга тегишли, уларни шакллантирадиган кўрсаткичларга ёки манбасига нисбатан тегишли кўрсаткичлар аниқланиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

17.2. Умумий овқатланиш корхоналари даромадлари тахлили.

Умумий овқатланишда даромадлар тахлилининг вазифаси ялпи даромад, унинг таркибий турлари бўйича режанинг бажарилиши, уларни динамикасини (ўзгариш) тенденциялари, таркибий силжишлар ҳамда уларга таъсир килган омилларни таъсир даражасини аниклаш асосида корхонани молиявий-хўжалик фаолияти натижасига баҳо бериш бўлиб ҳисобланади.

Даромадларни таҳлил килишда бухгалтерия, молиявий, статистик ҳисоботлар ва танлаб кўзатиш, эксперт баҳолаш натижалари каби маълумотлар ишлатилади.

Ҳисоботларга куйидагиларни киритиш лозим:

- бухгалтерия баланси - 1-сонли шакл;

- молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот 2-сонли шакл;
- пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот;
- фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот -- 9-шакл;
- корхона харажатлари тўғрисидаги ҳисобот – 5-С (савдо) шакли;
- улгуржи ва чакана товар айланмаси тўғрисидаги ҳисобот – 1-савдо шакли;
- товарлар сотиш ва қолдик тўғрисидаги ҳисобот 3-савдо шакли;

Булардан ташқари бухгалтериядаги товар гурухлари бўйича савдо устамалари тўғрисидаги маълумотлар ишлатилади.

Даромадлар миқдори абсолют – сўмда ва нисбий кўрсаткичларда ҳисоб-китоб қилинади. Унинг нисбий кўрсаткичларига қуйидагиларни киритишни тавсия қиламиз:

- сотишдан олинган даромадларни товар айланмасига нисбатан, фоизда ёки коэффициентда;
- сотишдан олинган даромадларга муомала харажатларини нисбати, фоизда ёки коэффициентда;
- ялпи даромадларини барча активларга нисбати, фоизда ёки коэффициентда;
- ялпи даромадларини асосий фондларга; айланма мабалагларга, молиявий ресурсларга нисбати, фоизда ёки коэффициентда;
- молиявий фаолиятдан олинган даромадларни молиявий ресурсларга нисбати, фоизда ёки коэффициентда.

Бундан ташкари даромадларни таркиби ҳар бир элемантини уларга тегишли, уларни шакллантирадиган кўрсаткичларга ёки манбасига нисбатан тегишли кўрсаткичлар аникланиши хам максадга мувофикдир.

Даромадларни тахлил килишда ялпи даромадга, унинг таркибий кисми сотишдан олинган даромадлар, асосий фаолиятдан олинган бошка даромадлар. молиявий фаолиятдан олинган даромадларга савдонинг иктисодий фаолиятидан келиб чикадиган омиллар таъсирини ўрганиш катта ахамият тутади.

Даромадларнинг хажмига, унинг турларига мос равишда бир неча омиллар таъсир қилади.

Товарларни сотишдан олинган даромадларга қуйидаги омиллар таъсир қилади:

- товар айланмасининг хажми, таркиби ва ассортименти;
- товарларни келтириш шартлари;
- товарларни силжитиш. Бу жараёнда товарлар физик (реал) миқдорда ишлаб чиқаришдан чакана савдога етказилади. Товарларни силжитиш бир неча бўғинлардан иборат бўлади (улгуржи савдо базалари, складлари; хар хил воситачилар). Ушбу бўғинлар канча кўп бўлса, савдо устамаси уларнинг ўртасида тақсимланади ва чакана савдонинг ҳиссасини камайишига олиб келиши мумкин. Уларнинг сони товар ассортиментларининг мураккаблигига, товарларни ишлаб чиқаришдан чакана савдога етказиш шарт-шароитларига ва бошқаларга боғлик.
- савдо устамасининг даражаси (сотиб олиш баҳосига нисбатан, %);
- товарларни сотишда аҳолига кўрсатиладиган қўшимча хизматларнинг сони, сифати ва уларнинг тарифлари.

Товар айланмасининг ортиши даромадларни ортишига олиб келади, чунки канча товар кўп сотилса, шунча савдо устамасининг суммаси юкори бўлади.

Товарлар ассортиментига қараб хар хил устамалар белгиланади, бу эса агар юқори устама қўйилган товарлар кўпроқ сотилса, улар учун устама суммаси юқори бўлади ёки тескари ҳолат рўй бериши мумкин.

Товарларни келтириш шартларига эътибор каратсак баҳолар ўзгармаган шароитда товарларни силжитиш бўғинлари канча кўп бўлса, чакана савдо бўғинлари шунча кам даромад олишлари мумкин. Бозор иқтисодиёти шароитида умумий овқатланиш корхоналари савдо устамаларини мустақил белгилайди. Айрим товар гурухлари бўйича савдо устамалари давлат ва махаллий ҳокимиятлар томонидан чегараланиши мумкин. Буни улар аҳолининг кундалик эҳтиёжига таълукли товарларни

бахосини чегаралаш мақсадида ҳам амалга оширади. Бу жаҳон амалиётида ҳам мавжуд. Лекин бундай шароитда бир томондан даромадни камайтирмаслик керак, иккинчи томондан, истеъмол товарларига рақобатбардош баҳоларни ушлаб туриш зарар бўлади.

Даромадларни бошқа турларига таъсир қилувчи омиллар уларнинг иқтисодий табиатидан ва шаклланиш шароитидан келиб чиққан ҳолда аниқланади (масалан: ҳар хил хизматлар ва уларнинг тарифлари, қимматбаҳо қоғозлар баҳоси, ҳар хил фоизлар ва х.к.)

Фавқулотда даромадларнинг вужудга келиши, уларни иқтисодий табиатидан маълум, лекин буларни ҳам сабабларини аниқлаш, таҳлил қилиш, ҳулосалар қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Таҳлил жараёнида биз юқорида келтирган кўрсаткичларни режага нисбатан ўзгариш миқдори, бир неча йилларга динамикаси ҳисоб-китоб қилиниши керак.

Даромадларни таҳлили фойда ва рентабеллик кўрсаткичларининг таҳлили билан тиғиз боғлиқ бўлганлиги муносабати билан уларнинг таҳлили фойда ва рентабилликни таҳлили параграфида кенгроқ ёритилади

17.3 Умумий овқатланиш корхоналари даромадларини режалаштириш ва прогнозлаш

Бозор иқтисодиёти шароити умумий овқатланиш корхоналари даромадлари уларни шаклланиш манбаларини ҳисобга олган ҳолда режалаштириш ва прогнозлаштиришни талаб қилади.

Умумий овқатланиш корхоналари даромадлари уларни шаклланиш манбаларига қараб товарларни сотишдан олинган даромадлар, асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар (асосий воситалар сотилиши ва бошқа чиқимлардан олинган фойда, бошқа активларни сотишдан ва берилишидан олинган фойда, ундирилган жазо, жарима ва бокимандалар, қисқа муддатли ижарадан олинган даромадлар ва бошқалар), молиявий фаолиятдан олинган даромадлар (ройлти кўринишидаги даромад, дивиденд,

компьютер дастурларини ижарага бериш ва сотиш), дивидентлар, фоизлар, валюта курслари фарклари ва ҳоказолар.

Даромадларни режалаштириш ва прогнозлаштириш аввалambор ўтган йиллар маълумотларини таҳлил натижалари ва хулосаларини хисобга олган холда амалга оширилади.

Даромадларни режалаштириш уларнинг турлари ва шакллантириш манбаларидан келиб чикиб, тегишли усулларни ишлатиш асосида амалга оширилади.

Даромадларни режалаштириш ва прогнозлаштиришда тўғридан-тўғри техник-иктисодий хисоб-китоблар усули, корреляцион усул, эластиклик коэффициенти оркали аниклаш, безарарлик нуктасини аниклаш ва бошка усуллардан фойдаланиш мумкин. Масалан. товарларни сотишдан олинган даромад товар айланмаси режасини (сотиб олиш бахоларида) товарлар ассортименти бўйича ва товарларга кўйилган савдо устамаси даражасига (% хисобида сотиб олиш бахоларига нисбатан) кўпайтириш ва 100 га бўлиш хамда барча товар гуруҳлари бўйича суммалаштириш оркали хисобланади.

Даромадларни прогнозлаш юкорида келтирилган усуллардан ташкари иктисодий математик моделларни кўллаш оркали хам амалга оширилиши мумкин.

Даромадларни режалаштириш масаласи кенгрок фойдани режалаштириш параграфида ёритилади.

Таянч иборалар; товар айланмаси, киймат, бахо, устама, ялпи даромад, товарларни сотишдан олинган даромад, асосий фаолиятдан олинган бошка даромадлар, молиявий фаолиятдан олинган даромадлар, фавкулотдаги даромадлар.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Даромадлар тушунчаси моҳиятини ёритиб беринг.

2. Умумий овқатланиш корхоналарининг даромадини таърифини айтинг.

3. Умумий овқатланиш корхоналарининг даромадига қандай таърифлар берилган?

4. Нега умумий овқатланиш корхоналарининг даромади уни фаолиятининг баҳоси дейилади?

5. Умумий овқатланиш корхоналарининг даромадлари қандай йўналишларда ишлатилади?

6. Даромадларни қандай турларини биласиз ва улар таркибига нималар киради?

7. Даромадларни таҳлил қилишни вазифаларини айтинг.

8.Даромадларни таҳлил қилишда қандай маълумотлардан фойдаланилади?

9. Даромадларни таҳлил қилишда қандай кўрсаткичлар аниқланади?

10. Даромадларга қандай омиллар таъсир қилади?

11. Даромадлар қандай режалаштирилади?

18-БОБ. Умумий овқатланиш корхоналари ҳаражатлари

18.1. Умумий овқатланиш корхоналари ҳаражатларининг моҳияти, табиати ва кўрсаткичлари
18.2. Умумий овқатланиш корхоналари ҳаражатларининг таснифи
18.3. Умумий овқатланиш корхоналари ҳаражатларига таъсир қилувчи омиллар
18.4. Умумий овқатланиш корхоналари ҳаражатларининг иқтисодий таҳлили
18.5. Умумий овқатланиш корхоналари ҳаражатларини режалаштириш

18.1. Умумий овқатланиш корхоналари ҳаражатларининг моҳияти, табиати ва кўрсаткичлари

Умумий овқатланиш соҳасининг фаолияти моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан фойдаланишни тақозо қилади. Назарий жиҳатдан моддий меҳнат ва молиявий ресурсларни маҳсулот ишлаб чиқариш, уларни сотиш, истеъмолни ташкил қилиш ва товарларни сотиш жараёнидаги ҳаражатларини пулдаги ифодаси оммавий овқатланишнинг ишлаб чиқариш ва муомала ҳаражатлари деб юритилади.

Расмий ҳужжатларда ва амалиётда «ишлаб чиқариш ва муомала ҳаражатлари» атамаси ишлатилмайди, улар «муомала ҳаражатлари» деб юритилади.

Умумий овқатланиш соҳаси ҳаражатлари бошқа тармоқлар ва савлодан табиати ва таркиби билан фарқ қилади (расмий ҳисоботда савдо ва умумий овқатланиш соҳаларининг ва муомала ҳаражатларининг моддалари бир хил бўлишига қарамай).

Савдо соҳасида ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳаражатлар йўқ, ишлаб чиқаришда товарларни жойларда истеъмолини ташкил қилиш билан боғлиқ ҳаражатлар йўқ. Шу билан бир қаторда ишлаб чиқаришда ҳом ашё ва материаллар қиймати таннарх таркибига киритилади, умумий овқатланишда эса ишлаб чиқариш ва муомала ҳаражатларига киритилмайди. Шу сабабли оммавий овқатланишнинг ишлаб чиқариш ва муомала ҳаражатлари уларнинг ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлари таннархини тўла акс эттирмайди, уларда

фақат маҳсулот ишлаб чиқариш уларни сотиш, истеъмолни ташкил қилиш ва сотиб олинган товарларни сотиш жараёни билан боғлиқ бўлган жорий харажатлар акс эттирилади.

Умумий овқатланишни ишлаб чиқариш харажатлари таркибига: ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ишчиларни иш ҳақи; ҳом ашё ва ярим фабрикатларни ташиш, сақлаш билан боғлиқ, ёқилғи ва электрэнергияга харажатлар, асосий фондлар (ишлаб чиқариш билан боғлиқ) амортизацияси, уларни ижараси, таъминлаш харажатлари; муддати бир йилгача бўлган меҳнат воситаларни эскириши билан; махсус кийим кечакларни эскириши, ювиш, таъмирлаш билан боғлиқ харажатлар киритилади.

Тайёр маҳсулотларни жойларда истеъмол қилишни ташкил қилиш билан боғлиқ харажатлар: ўзи ишлаб чиқарган овқатларни ва сотиш учун сотиб олинган товарларни истеъмол қилишни ташкиллаштириш билан банд бўлган ишчилар иш ҳаки (официантлар, овқатланиш заллари метроделлари, администраторлари, идиш-товоқ ювувчилар, зални тозаловчилар, гардеробчилар ва ҳакозолар); овқатланиш зали билан, жихозларни эскириши, ижараси ва таъминлаш билан боғлиқ харажатлари; идиш-товокларни эскириши; зал ишчиларини махсус кийим кечакларини ювиш, таъмирлаш билан боғлиқ бўлган харажатлардан ташкил топади.

Товарларни сотиш билан боғлиқ харажатлар: сотиш учун сотиб олинган товарларни сотиш (уларни жойларда истеъмол қилдириш билан боғлиқ харажатлардан ташқари) билан боғлиқ тегишли муомала харажатлари моддаларидан ташкил топади.

Муомала харажатларини юқоридагидек таснифлаш амалиётда ишлатилмайди. Лекин уларнинг миқдорини эксперт текшириш, танлов текширишлар орқали хисоб-китоб қилиш мумкин.

Юқоридагилардан ташқари хар қандай субъектида мавжуд бўлганидек умумий овқатланиш корхоналарида хам «Маъмурий-бошқарув харажатлари» алохида хисобга олинади.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 5 февраль 54-сон қарори билан тасдиқланган

Низомга биноан муомала харажатлари сотиш харажатлари, маъмурий харажатлар; бошка операция харажатларига бўлинган.

Муомала харажатлари абсолют ва нисбий кўрсаткичларда хисобга олинади, тахлил килинади ва режалштирилади. Муомала харажатларининг абсалют кўрсаткичи сўмда, нисбий кўрсаткичлари унинг даражаси, яъни товар айланмасига нисбатан фоиз хисобида, таркиби эса муомала харажатларининг умумий суммасида унинг алохида моддаларининг хиссаси фоизларда кўрсатилади. Бу кўрсаткич муомала харажатларининг умумий суммасига алохида моддаларнинг суммасини бўлиб юзга кўпайтириш оркали аникланали.

18.2. Умумий овкатланиш корхоналари харажатларининг таснифи

Биз юкорида айтганимиздек муомала харажатлари иктисодий табиати, йўналтириш максадлари, савдо ва умумий овкатланиш соҳаларининг функцияларидан, кўрсатиладиган бошка тармокларининг хизмати турларидан, хисобот нуктаи назаридан келиб чиккан холда хажми ва таркиби бўйича хар хилдир.

Муомала харажатларини куйидаги белгилар бўйича таснифлаш мумкин:

- тармоклар ва соҳалар бўйича;
- истеъмол товарлари муомаласи соҳалари бўйича;
- бажариладиган функциялар ва вазифалар бўйича;
- йўналтирилиш максадлари бўйича;
- муомала харажатларининг айрим омиллардан богликлиги бўйича;
- харажатларни турлари (номенклатураси) бўйича.

Муомала харажатларини таснифланиш белгилари бўйича таснифлаб чикамиз.

Тармоқлар ва соҳалар бўйича:

- ишлаб чиқариш тармоқларида;
- қишлоқ хўжалик субъектларида;
- чакана ва улгуржи савдо билан шуғулланувчи бошқа тармоқларда;
- ишлаб чиқариш воситаларини айрибошлаш соҳасида;
- истеъмол товарларини айрибошлаш соҳасида;
- ташқи савдо соҳасида.

Истеъмол товарлари муомаласи соҳалари бўйича

- савдо соҳасида (чакана ва улгуржи савдода);
- умумий овқатланиш соҳасида;
- махсус қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳарид қилувчи ва сотувчи хўжалик субъектларида;
- микрофирмалар ва кичик корхоналарда. Булар харажатлар тўғрисида статистик хисобот топширмайдилар;
- фермер ва деҳқон хўжаликлари. Буларда маҳсулотларни сотиш билан (улгуржи ёки чакана) боғлиқ харажатлари мавжуд.

Умумий овқатланишнинг функциялари ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда:

- соф ва қўшимча;
- бевосита ва билвосита;
- операцион ва маъмурий бошқарув.

Йўналтириш мақсадлари бўйича:

- ходимлар иш ҳаки;
- бошқа тармоқлар хизмати ҳаки;
- моддий харажатлар;
- моддий йўқотишлар;
- солиқлар, йиғимлар, тўловлар ва ижтимоий суғурта;
- бошқа харажатлар.

Муомала харажатларининг айрим омиллардан боғлиқлиги бўйича. (Ушбу турдаги харажатлар бўйича соф ва қўшимча харажатлар каби алоҳида

хисобот юритилмайди, бундай таснифлаш муомала харажатларининг турларидан келиб чиқиб, тахлил килиш ва режалаштириш жараёнида қўлланилади):

- шартли-ўзгарувчан;

- шартли-ўзгармас.

Буларнинг таснифини 18.3-параграфда батафсил кўриб чикамиз. **Муомала харажатлари турлари (номенклатураси) бўйича.** Бундай таснифлашда муомала харажатлари фаолиятга йўналтирилишига қараб моддаларга бўлинади. Статистика хисоботида (5-с(савдо шакли)[8] муомала харажатлари қуйидаги моддаларга ажратилган:

Ташкилотлар томонидан бажарилган ишлар ва хизматлар,
улардан темир йўл, сув, хаво, автомобил ва от-узов транспорти билан юкларни ташиш;
иш ҳақи харажатлари;
ижтимоий сугурта харажатлари;
савдо эҳтиёжида фойдаланиш учун, ижара харажатлари ва бинолар, иншоотларни таъмирлаш,
хоналар ва жиҳозларни сақлаш;
шу жумладан:
жорий таъмирлаш харажатлари (иш ҳақидан ташқари);
ижара тўлови;
асосий воситалар аммортизацияси;
ёкилги, газ ва электр энергия харажатлари;
товарларни сақлаш, ишлов бериш, саралаш ва жойлаш (ўраш) харажатлари,
савдо рекламаси харажатлари;
ташиш, сақлаш ва сотиш даврида товарлар ва махсулотларнинг йўкотилиши;
тара харажатлари,
инвентарлар ва хўжалик буюмлари кийматини хисобдан чикариш ва бошка харажатлар
(таъмирлаш, ювиш, тўзатиш ва бошка харажатлар);
ўз транспорти харажатлари (иш ҳақидан ташқари);
бюджетга мажбурий тўловлар, солиқлар ва йиғимлар,
давлат мақсадли фондларига ажратмалар (ижтимоий сугурта ажратмаларидан ташқари);
бошқа харажатлар: банк кредитлари ва бошка молия-кредит ташкилотлар фоизлари; хизмат
сафари харажатлари; улардан: кунлик чикимлар; номоддий хизматлар ва банк хизматлари
тўлови; бошка харажатлар.

Юкорида келтирилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февраль 54-сонли қарори билан тасдикланган Низом бўйича давр харажатлари таркибидаги сотиш харажатлари – 22 моддага, маъмурий харажатлар – 15 моддага ва бошка операция харажатлари – 21-моддага ажратилган.

[8] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитасининг 2007 йил 9 ноябрдаги 18-сонли қарори билан тасдикланган.

18.3. Умумий овқатланиш корхоналари харажатларига таъсир қилувчи омиллар

Муомала харажатларининг суммаси ва нисбий кўрсаткичлари табиатдан ўзгарувчан ҳисобланади. Унинг суммасига ва даражасига кўп омиллар бевосита ва билвосита таъсир ўтказади.

Ушбу омилларнинг айримлари унинг суммаси ва даражасининг ортишига олиб келса, айримларни уларнинг қисқаришига олиб келади. Бу омилларнинг бири умумий овқатланиш корхоналари ва шахобчалари фаолиятига бевосита боғлиқ, бошқалари эса улар фаолиятидан келиб чиқмайди, яъни ташқи омиллардир.

Муомала харажатларининг даражаси худудлар, умумий овқатланиш корхоналари, турлари унинг шохобчаларининг типлари бўйича бир-биридан фарқланади, чунки транспорт коммуникацияси, турлари, йўл шароитлари, ишлаб чиқаришнинг ҳудудлараро жойлашиши, уни ривожланиш даражаси, умумий овқатланиш корхоналарини ва шахобчаларининг жойлашиши (дислокацияси); аҳолининг харид қилиш қобилияти, товар айрибошлаш тезлиги, товар айланмасининг ҳажми ва таркиби, товарларнинг физик-кимёвий хусусиятлари ҳар хилдир. Шунинг учун муомала харажатларининг сумма ва даражаси замонда ва маконда барқарор хусусиятга эга эмас.

Муомала харажатларига таъсир қилувчи, умумий овқатланиш фаолиятидан боғлиқ бўлган омилларга умумий овқатланишни ташкил қилиш даражаси, маҳсулот маҳсулот ишлаб чиариш, иқтисодий ва тижорий (коммерция) ишларнинг ҳолати, умумий овқатланиш корхонаси ёки шахобчасининг хусусий ва карз маблағларининг миқдори, моддий-техник базасини ҳолати, товар айланмаси ҳажми ва таркиби, товар айрибошлаш тезлиги, ходимлар сони, уларнинг меҳнат унумдорлиги, қўлланилаётган иш ҳаки ва моддий рағбатлантириш тизими кабилар киради.

Умумий овқатланиш фаолиятидан келиб чиқмайдиган омилларга баҳо ва тарифлар, фойдаланилаётган транспорт турлари, йўл шароити, ҳар хил

соликлар ва тўловлар миқдори, банк фоизлари миқдори, ижара миқдори, инфляция даражаси кабиларни киритиш мумкин.

Юқорида келтирилган омилларнинг барчасини умумлаштирган ҳолда объектив ва субъектив омилларга ажратиб ўрганишни тавсия қиламиз.

Объектив омиллар таркибига, бизнинг фикримизча уларнинг таъсир даражасини статистик нуқтаи назардан хисоб-китоб қилиш имконияти мавжуд кўрсаткичларни киритиш зарур.

Субъектив омиллар – булар инсон омили билан боғлиқ, яъни умумий овқатланиш ходимларининг маҳорати, билимдонлиги, кўникмалари, тадбиркорлиги (ишбилармонлиги), жавобгарликни ҳис қила билиши, тезкор хизмат қилиши ва ҳозиржавобгарлиги каби хислатларига боғлиқ фаолият натижалари хисобланади. Амалиётда муомала ҳаражатларига таъсир қилувчи омиллар бундай таснифлаб хисоб-китоб, тахлил қилинмайди ҳам, режалаштирилмайди хам. Лекин илмий тадқиқотларда амалиётда уни тахлил килишда бундай таснифлаб ўрганиш фойдадан холи эмас.

Муомала харажатлари суммаси ва даражасига таъсир килиш миқдорини ҳисоблаш мумкин бўлган омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- товар айланмаси ҳажми (умумий ва чакана товар айланмаси, ўзида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва унинг товар айланмаси ҳажми);

- товар айланмасини таркиби (ассортименти)ни ўзгариши (маҳсулот турлари, товар айланмаси турлари, сотиб олинган товарлар ҳамда ўз маҳсулотини сотиш билан боғлиқ товар айланмаси ҳамда ассортименти);

- товар айрибошлаш тезлиги (кунларда ва маротаба);

- истеъмол товарларига баҳони ўзгариши;

- умумий овқатланишга хизмат кўрсатувчи соҳаларни таърифларини ўзгариши (транспорт, коммунал хизмати, электроэнергия, газ, ёқилғи, алока, аудит ва бошқалар;

- моддий ресурслар бахосини (қоғоз, инвентарлар, тара материаллари, хўжалик буюмлари, махсус кийим-кечаклар, қадоқлаш (ўраш), биноларни таъмирлаш материаллари) ўзгариши;

- солиқлар, тўловлар, ижтимоий суғурталар миқдорини ўзгариши;

- банк ва бошқа молия-кредит ташкилотларининг узоқ муддатли кредитлари бўйича фоизларини ўзгариши;

- тўлов муддати ўтган ва узайтирилган ссудалар бўйича фоизларни ўзгариши;

- қисқа муддатли кредитлар фоизини ўзгариши;

- ходимлар сонини ўзгариши;

- минимал иш ҳақи ва нафақалар миқдорини ўзгариши;

- умумий овқатланиш шахобчаларида савдо-технологик жараёнларини такомиллаштирилиши;

- товар айрибошлаш жараёнидаги иштирокчилар сонини ўзгариши, яъни товарларни силжитиш бўғинлари сонини ўзгариши ва хоказолар.

18.4. Умумий овқатланиш корхоналари ҳаражатларининг иқтисодий таҳлили

Муомала ҳаражатлари таҳлили мунтазам ва ўзлуксизлик (ой, квартал, йил) ўтказилиб борилиши лозим. Чунки уни суммаси ва даражасини ўзгарилиш миқдори умумий овқатланиш корхоналари ва шахобчаларини самарадорлигига бевосита таъсир килади.

Муомала ҳаражатларини таҳлилининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлади:

- муомала ҳаражатлари бўйича тузилган режани умумий ҳажмини, таркибини (моддалар бўйича) бажарилишини ўрганиш (абсолют ва нисбий кўрсаткичлари бўйича);

- муомала ҳаражатларини умумий ҳажмини ва таркибини бир неча йилларга (3-5 йил) ўзгариш суръатларини (абсолют ва нисбий кўрсаткичлар бўйича) кўзатиш;

- муомала харажатларини суммаси ва даражасига таъсир килувчи омилларни таъсир даражасини аниқлаш;

- унумсиз харажатларни вужудга келиш сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

- тахлил натижаси бўйича хулосалар қилиш ва келгуси даврга тузиладиган режалар учун таклифлар тайёрлаш.

Тахлил қилиш учун тегишли даврдаги ахборотлар ишлатилади. Улар каторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва карорлари;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли карори, тегишли вазирликлар, идоралар, концернлар, корпорациялар, уюшмалар, компаниялар ва бошқаларнинг қарорлари ва топшириклари;

- оператив маълумотлар (умумий овкатланиш корхоналарининг оператив ҳисоботлари, мутахассисларни кўзатувлари. бухгалтерия, маркетинг бўлимларини оператив хисоботлари, рўзнома ва ойномаларда ушбу корхонага ёки унинг конкурентлари ва алокадор хўжалик субъектлари тўғрисидаги маълумотлар кабилар);

- бухгалтерия хисоботи (бухгалтерия баланси 1-сонли шакл);

- молиявий натижалар тўғрисидаги хисобот 2-сонли шакл;

- харажатлар тўғрисидаги хисобот 8-сонли шакл;

- статистик хисоботлар – «Корхоналар харажатлари тўғрисида 5-С (савдо шакли)», «Товарлар сотиш ва колдиклар тўғрисида 3-савдо шакл», «Улгуржи ва чакана товар айланмаси тўғрисида 1-савдо шакли», «Овкатланиш корхоналари товар айланмаси тўғрисида 4-савдо шакли», «Корхонанинг молиявий ахволи тўғрисида 5-Ф шакли» кабилар.

Муомала харажатларини тахлили хам бошка кўрсаткичлар тахлили каби алохида кетма-кет бажарилиши лозим бўлган боскичлардан иборат бўлади. Уларни кетма-кет бажарилиши тахлил жараёнини мантикий мазмунини таъминлайди.

Уларга қуйидагиларни киритиш лозим бўлади:

- ахборотлар ва маълумотларни тўплаш;

- ахборотлар ва маълумотларга ишлов бериш (уларни тегишли жадвалларга жойлаштириш, солиштирма юзага келтириш ва бошқалар);

- муомала харажатларига тегишли ва алокадорлар кўрсаткичлар бўйича тахлил қилинаётган даврга режаларни бажарилиши;

- муомала харажатларига тегишли ва алокадор кўрсаткичларни бир-неча йиллар (ой, квартал)га ўзгариш суръатларини ўрганиш;

- муомала харажатларига таъсир қилувчи омилларни уни суммаси ва даражасини ўзгаришига таъсирининг миқдорини хисоб-китоб қилиш;

- тахлил натижаси бўйича хулосалар ва таклифлар тайёрлаш.

Муомала харажатларини тахлил қилишда хар хил статистик, иктисодий математик ва бошка усуллардан фойдаланилади. Улар каторига қуйидагиларни киритиш зарур: солиштириш, гурухлаш, техник-иктисодий хисоблар, индекс, корреляцион ва регрессион тахлил, эксперт баҳолаш, монографик тадқиқот кабилар.

Муомала харажатларини тахлил қилишда қуйидаги кўрсаткичлар ишлатилади.

I. Муомала харажатларини абсолют суммасини ўзгариш миқдори

Муомала харажатларини режадаги ва хақиқий суммасини фарқи (+;-) унинг абсолют ортиқча харажати ёки тежами (ΔМх) деб юритилади. Ушбу кўрсаткич қуйидагича хисобланади:

$$\pm \Delta Мх = Мх^{I} - Мх^{P}$$

Бу ерда: «I» ва «р» - тегишлича хақиқий ва режадаги даврни билдиради.

Шунга ўхшаш ҳолда муомала харажатлари суммасини ўтган йилларга нисбатан ўзгариш миқдорини ҳам аниклаш мумкин. Бунда «$Мх^{P}$» ўрнига «$Мх^{1}$» ёки «$Мх^{б}$» белгиларини ишлатиш лозим бўлади. Бу ерда «i» - ўтган

йиллардан бири, «б» - базис йили билан солиштирилаётган йил маълумоти ишлатилади.

II. Муомала харажатлари суммасининг нисбий миқдори

Муомала харажатларини таҳлил килишда унинг суммаси ўзгаришининг нисбий миқдорини аниклаш муомала харажатларини ўзгаришига реал баҳо беришни таъминлайди. Чунки муомала харажатларининг режадаги суммаси режада мўлжалланган товар айланмаси ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган бўлиб, у ҳакикий товар айланиш миқдорини ҳисобга олмайди. Шу сабабли режадаги муомала харажатлари суммаси ($Мх^{р}$) ҳакикий товар айланмаси суммасидан келиб чикиб қайта ҳисобланади ($Мх^{р}_{кх}$). Ушбу сумма қуйидагича аникланади.

$$Мх^{р}_{кх} = \frac{У^{р}_{мх} \cdot ТА^{i}}{100};$$ унинг даражаси $$Умх^{рк} = \frac{МХ^{р}_{кх}}{ТА^{р}};$$

Муомала харажатлари суммасини нисбий миқдори тенг бўлади.

$$\pm \Delta М^{р}_{кх\ к} = МХ^{i} - МХ^{р}_{кх} \quad \text{ёки} \quad \pm \Delta М^{i}_{м} = \frac{\Delta У^{р}_{мх} \cdot ТА^{i}}{100};$$

Муомала харажатлари динамикасини ўрганишда ушбу кўрсаткичлар таҳлил килинаётган тегишли даврга олинади («р», «і», «б»).

III. Муомала харажатларини нисбий даражаси (Умх)ни ўзгариш миқдори

Ушбу кўрсаткич қуйидагича аникланади:

1. ҳисобот йилида муомала харажатини нисбий ортиқча ёки ўзгариш тежами даражаси

$$\pm \Delta У^{р}_{кх} = \frac{МХ^{i} \cdot ТА^{i}}{100} - \frac{МУ^{р}_{м} \cdot ТА^{i}}{100} = У^{i}_{мх} - У^{рк}_{мх};$$

2. Муомала харажати даражасини ўтган йилларга нисбатан ўзгариши

$$\pm \Delta У^{i}_{кх} = У^{i}_{мх} - У^{i}_{мх} \qquad \text{ёки} \qquad \pm \Delta У_{мх} = \frac{МХ^{i} \cdot 100}{ТА^{i}} - \frac{МХ^{i} \cdot 100}{ТА^{i}},$$

3. Базис йили билан солиштирилиши

$$\pm \Delta У^{б}_{мх} = У^{1}_{мх} - У^{б}_{мх} \qquad \text{ёки} \qquad \pm \Delta У_{мх} = \frac{МХ^{1} \cdot 100}{ТА^{1}} - \frac{МХ^{б} \cdot 100}{ТА^{б}};$$

IV. Муомала харажати даражасини ўзгариш суръати (темпаси)

Ушбу кўрсаткич хисобот йилидаги муомала харажатлари даражасини режадаги, ўтган йиллардаги ёки базис йилдаги миқдорларга нисбатан фоиз хисобида (Умх^{ўс}) ёки индексларда ($J_у$) хисоб-китоб килиниши мумкин. Бу кўрсаткич қуйидагича аниқланади.

1. Режадаги даражасига нисбатан

$$У^{ўс\,р}_{мх} = \frac{(У^{1}_{мх} - У^{р}_{мх}) \cdot 100}{У^{рах}_{мх}} \qquad \text{ёки} \qquad Jу = \frac{У^{1}_{мх} - У^{рах}_{мх}}{У^{рах}_{мх}}$$

2. Ўтган йилларга нисбатан

$$У^{ўс\,т}_{мх} = \frac{(У^{1}_{мх} - У^{т}_{мх}) \cdot 100}{У^{т}_{мх}} \qquad \text{ёки} \qquad Jу = \frac{У^{1}_{мх} - У^{т}_{мх}}{У^{т}_{мх}}$$

3. Базис йилга нисбатан

$$У^{ўс\,б}_{мх} = \frac{(У^{1}_{мх} - У^{б}_{мх}) \cdot 100}{У^{б}_{мх}} \qquad \text{ёки} \qquad Jу = \frac{У^{1}_{мх} - У^{б}_{мх}}{У^{б}_{мх}}$$

Ушбу кўрсаткичлар муомала харажатларини ўзгаришида рўй бераётган интенсив холатни билдиради.

V. Муомала харажатлари хажмида унинг моддалари хиссаси

Ушбу кўрсаткич муомала харажатлари моддалари суммасини 100,0 кўпайтириб унинг умумий суммасига бўлиш оркали аниқланади. Бу кўрсаткич муомала харажатларининг таркиби деб юритилади.

Юқорида келтирилган (I-V) кўрсаткичлар муомала харажатларининг моддалари бўйича хам хисобланади.

VI. Муомала харажатларига таъсир қилувчи омилларни миқдорини аниқлаш.

Бунинг учун статистик-иктисодий, иктисодий-математик индекслар, эластиклик коэффициенти, занжирли боғланиш каби усуллардан кенг фойдаланиш зарур бўлади

18.5. Умумий овқатланиш корхоналари ҳаражатларини режалаштириш

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётнинг ҳар бир хўжалик субъекти, мулк шаклидан, ташкилий-ҳуқуқий туридан қатъи назар, жумладан, умумий овқатланиш корхоналари ва шахобчалари ҳам ўз хўжалик фаолияти кўрсаткичларини узоқ муддатга прогнозлаш ва жорий режалаштирилиши зарур. Акс ҳолда уларни инқирозга учраши эҳтимолдан узоқ бўлмайди.

Муомала ҳаражатларини режалаштиришни асосий мақсади умумий овқатланиш корхоналари ва шахобчаларининг мақсадига («Х» - миқдорда даромад ёки фойда олиш ва «У» - даражадаги талабни қондириш) эришишни таъминлаш, савдо хизматини маданияти юқорилаштириш ва тежамкорлик асосида уни миқдорини иқтисодий асослаган ҳолда ҳисоб-китоб килишдан иборатдир.

Муомала ҳаражатларини режалаштириш жараёнини ташкиллаштириш асосида мантиқий фикр юритишни таҳлил ва синтиз усуллардан, яъни «Умумийликдан хусусийликка» ёки «хусусийликдан умумийликка» қараб иш юритиш мақсадга мувофиқдир.

Муомала ҳаражатларини режалаштиришда ушбу усуллар, муомала ҳаражатларини олдин умумий суммаси ва даражасини аниклаш, кейин моддаларини ҳисоб-китобига ўтиш ёки бу ҳолни тескариси, олдин муомала ҳаражатларини моддалари бўйича режани ишлаб чиқиш, кейинги боскичда, уларни суммалаштириш йўли билан, муомала ҳаражатларини умумий миқдорий кўрсаткичларини аниқлашни англатади.

Муомала ҳаражатларини умумий суммасини ва моддаларини режалаштиришда тажрибавий статистик, техник-иқтисодий, индекс, эксперт бахолаш, иқтисодий-математик (корреляция, регрессия) безарарлик нуқтасини аниклаш усуллардан, эластиклик коэффициентидан, норма ва нормотивлардан фойдаланилади.

Муомала харажатларини режалаштириш умумий хажми ва даражасини аниқлашдан бошланса, бу ҳолда уни ўтган йиллар учун тахлили натижалари, унга таъсир килувчи омилларни режалаштириладиган лаврларга ўзгаришини эксперт баҳолаш, айрим кўрсаткичларни индекслари, эластиклик коэффициентлари кабилардан фойдаланган тарзда ҳисоб-китоб килинади. Иккинчи босқичда уни моддалари миқдори аникланади.

Муомала харажатларини умумий хажмини режалаштиришда, фараз қилайлик уни ўтган йилларда товар айланмаси таъсири остида «шартли-ўзгарувчан» моддаларни ўзгариши нисбатини ҳисобга олган ҳолда хисоб-китоб килмокчимиз.

Агарда «шартли-ўзгарувчан» харажатлар (МХш.х) товар айланмасига нисбатан аниқ миқдорда ўзгариш тенденциясига эга бўлса, ушбу харажатлар суммасини қуйидаги формула орқали ҳисоб-китоб килиш мумкин.

$$MX^{p}_{ш.с} = MX^{x}_{ш.с} \cdot \left[1 + \left(\Delta TA^{p}_{ус} \cdot \frac{\Delta \overline{MX}^{n}_{ус}}{\Delta \overline{TA}^{n}_{ус}}\right)\right]$$

Бу ерда: $MX^{x}_{ш.х}$ - муомала харажатларини «шартли-ўзгарувчан» қисмини хисобот йилидаги миқдори, сўмда;

$\Delta TA^{p}_{ус}$ - режалаштирилаётган йилга товар айланмасини қўшимча ўсиш суръати, %;

$\Delta \overline{MX}^{n}_{ус}$ - ўтган йилларда «шартли-ўзгарувчан» муомала харажатларини ўртача қўшимча ўзгариш суръати, %;

$\Delta \overline{TA}^{n}_{ус}$ - ўтган йилларда товар айланмасини қўшимча ўзгариш суръати, %.

Муомала харажатларини «шартли-ўзгармас» (МХш.у) қисмини суммаси қуйидагича аникланиши мумкин.

$$MX^{p}_{ш.у} = MX^{x}_{ш.у} \cdot \left(1 + \Delta \overline{MX}^{n}_{ш.у}\right)$$

Бу ерда: $MX^{p}_{ш.у}; MX^{x}_{ш.у}$ - тегишли «шартли-ўзгармас» харажатларни режалаштирилган ва хисобот йилларига суммаси;

$\Delta\overline{MX}''_{ш.у}$ - «шартли-ўзгарувчан» ҳаражатларни ўтган йиллар даврида қўшимча ўсиш суръати.

Муомала ҳаражатларини умумий суммаси тенг бўлади.

$$MX^{p} = MX^{p}_{ш.х} + MX^{p}_{ш.у};$$

Унинг даражаси $У_{мх} = \dfrac{MX^{p} \cdot 100}{TA^{p}}$

Худди шундай муомала ҳаражатлари даражасини бахолар ўзгаришига нисбатан ёки бошқа омилларни таъсирини эътиборга олган холда хисоб-китоб қилиб, умумий оптимал вариантни аниқлаш мумкин. Бундай хисоботларни ўтказиш учун корроляцион тахлил, экстраполяция, эластиклик коэффициентлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Муомала ҳаражатларини режалаштиришда дастлаб унинг моддалари миқдорини аниқлаш ва кейин умумий ҳажмини хисоблаш оркали реал. хакиқатга якин натижага эришиш мумкин.

Муомала ҳаражатларини айрим моддаларини режалаштириш усулларини кўриб чиқамиз.

Ташкилотлар томонидан бажарилган ишлар ва хизматлар бўйича ҳаражатлар таркибида асосий ўринни «темир йўл, сув, ҳаво, автомобил ва от-улов транспорти билан юкларни ташиш ҳаражатлари эгаллайди. Ушбу ҳаражатлар алоҳида транспорт турлари бўйича хисоб-китоб қилинади. Бу масалани ҳал қилишда транспорт турлари бўйича ташиладиган юклар миқдорини аниқлашдан бошлаш керак.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ва шахобчалари одатда автомобил ва от-улов транспортлари ҳаражатларини қоплайди.

Товарларни автомобил транспорти билан ташишда савдо ва умумий овқатланиш корхоналари базалари, алоҳида магазинлар, овқатхоналар ўз транспортидан ва четдан жалб қилинган транспорт корхоналари хизматидан фойдаланиши мумкин.

Муомала харажатлари моддалари таркибида «Ўз транспорт харажатлари» (иш хаки харажатларидан ташкари, чунки бу харажатлар иш хаки фондида ўз аксини топади) моддаси алохида кўрсатилади. Шу сабабли транспорт харажатларини юкорида келтирилган моддаси бўйича четдан жалб килинган транспорт корхоналарини хизмати харажатлар акс эттирилади.

Ушбу харажатларни хисоб-китоб килиш учун дастлаб транспортни физик юк айланиши ($q_ф$) ва транспорт юк айланиши ($q_т$) аникланади.

Физик юк айланиши товарларни нетто ва брутто хажми бўйича хисобланади.

Нетто юк хажми ($q_{нi}$) товар гурухлари бўйича режалаштирилган товар айланиш ($ТА^{р}_{i}$) суммасини ушбу товарни 1 тоннасини ўртача кийматига, сўмда ($\bar{Т}^{ц}_{i}$) бўлиш билан аникланади.

Брутто юк хажми ($q_{бi}$) нетто юк хажмига ($q_{нi}$) тарани (одатда товар огирлигига нисбатан фоиз хисобидан олинади) огирлиги кўшилади.

Брутто юк хажми физик юк айланишига тенг бўлади.

Транспорт юк айланиши физик юк хажмини ($q_ф$) юкларни кайта ташиш коэффициентига (Кк) (ушбу кўрсаткич ўтган йиллар маълумотлари асосида аникланади) кўпайтириш йўли билан хисобланади. Яъни у куйидаги формула оркали хисобланиши мумкин.

$$q_{тi} = q_{фi} \cdot K_к$$

Барча товар гурухлари бўйича бу кўрсаткич бўлади:

$$\sum_{i=1}^{n} q_{тi} = \left(\sum_{i=1}^{n} q_{фi}\right) \cdot K_к$$

Транспорт юк айланиши аниклангандан сўнг, уни ўз транспорти ва четдан жалб килинган транспорт ташкилотлари оркали ташиш хиссаси аникланади. Уларнинг хиссаси фонзда ўтган йиллар маълумотлари, режалаштирилган йилга тузилган шартномаларни хисобга олган холда аникланади ва ушбу кўрсаткични транспорт юк айланишига кўпайтириб,

юзга бўлиш орқали уларнинг миқдори (тоннада) ҳисоб-китоб килинади ва юклар классларга ажратилади.

Кейинги босқичда товар ишлаб чиқарувчилардан (агар улар савдо ва умумий овқатланиш корхонаси ёки шахобчасига товарларни воситачиларсиз, ўзлари тўғридан-тўғри юборишса) ёки улгуржи савдо база ва омборларидан чакана савдо ва умумий овқатланиш корхонаси ёки шахобчаларигача бўлган масофа (Sкм)ни ўртача миқдори (ўтган йиллар маълумотлари ва шартномалар асосида) ҳисобланади.

Транспорт юк айланиши ($q_{т\ км,i}$) қуйидаги формула орқали ҳисобланади.

$$q_{т.км.i} = q_{т.i} \cdot S_{км}$$

Юк айланишни умумий миқдори (т.км) тенг бўлади:

$$\sum_{i=1}^{n} q_{т\ км\ i} = \left(\sum_{i=1}^{n} q_{mi} \right) \cdot S_{км}$$

Ушбу юк айланиши юкларни классларига тақсимланади ва уларни транспорт тарифларига кўпайтириш орқали юк ташиш харажатлари суммаси аниқланади.

Юкларни юклаш ва тушуриш харажатлари ушбу модда таркибига киради, агарда бу ишни штатдан ташқари ходимлар бажарса. Харажатлар суммаси юкни транспорт юк айланиши $\sum_{i=1}^{n} q_{mi}$ ва белгиланган расценкалар орқали ҳисобланади.

Юқорида келтирилган усул орқали алохида умумий овқатланиш шахобчалари бўйича транспорт харажатларини режалаштириш кўп мехнат килишни, вактни талаб килади. Бундан ташқари бу жараён иқтисодий-техник хисоблар нуқтаи назардан аллаканча мушкул иш. Шу сабабли оддийрок тажрибавий-статистик усулдан фойдаланиш ҳам мумкин.

Масалан: ўтган йиллар (камида 3 йил) маълумотлари асосида товарларни ташишда ҳар бир уларни келтирилиши неча сўмга (Р) тушушини аниқлаб, 1 тонна юкни ташиш қийматн ва режалаштирилган йилга

мўлжалланган товарларни келтириш хажмидан келиб чиққан ҳолда транспорт юк айланиши (q_i) миқдорини аниқлаш керак бўлади.

Транспорт юк айланиши, ишлатиладиган автотранспортни юк кўтара олиш имконияти миқдори ($q_{iат}$) ва юк кўтара олиш имкониятини ишлатиш коэффициентидан ($Kq_{iат}$) келиб чиқиб, автотранспорт оркали товарларни неча маротаба келтирилиши миқдорини (Z) хисоблаб олиш мумкин. Бундай хисобот қуйидагича амалга оширилиши мумкин

$$Z = q_т : q_{iат} : Kq_{iат}$$

Ушбу кўрсаткични бир маротаба юк ташиш учун кетган транспорт ҳаражатлари суммасига кўпайтириш оркали четдан жалб қилинган автотранспорт учун тўлов ҳаражатларини хисоблаб олиш кўп корхоналик тугдирмокда. Бу ҳаражатлар суммаси ($И_{хат}$) қуйидагича аниқланади.

$$И_{хат} = Z \cdot P$$

Ушбу суммага юклаш ва тушуриш ҳаражатларини (агар бу ишни ёлланма ишчилар бажарса) қўшиш керак бўлади.

«Ташкилотлар томонидан бажарилган ишлар ва хизматлар» моддасида бошқа ташкилот хизмати учун тўловлар ҳам кўрсатилади. Уларга алока, ахборот-хисоблаш хизмати, ташкилотларни курикдан хизмати, аудитор ташкилотлар, реклама агентликлари, натурал ва юридик муассасалар ва бошқа хизматлар ҳам киради.

Ушбу ҳаражатлар суммаси ўтган йиллар маълумотларини таҳлили натижасидан келиб чиққан ҳолда аниқланган уларни хажмини режалаштирилган йилга белгиланган тариф тўловлари миқдорига (ёки тарифларни ўзгариш индексларидан фойдаланган ҳолда) кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Муомала ҳаражатларида энг катта ҳиссага эга бўлган модда -- бу «Иш ҳаки ҳаражатлари»дир. Ушбу моддани режалаштириш масаласи 6.5 параграфда батафсил ёритилган.

«Ижтимоий суғурта харажатлари» белгиланган нормалардан келиб чиққан ҳолда аникланади.

«Умумий овқатланиш эҳтиёжида фойдаланиш учун, ижара харажатлари ва бинолар, иншоатларни таъмирлаш, хоналар ва жиҳозларни сақлаш» харажатлари ижарага олинган бинолар ва бошка ишлаб чиқариш воситаларини сони, тури ва бошка жиҳатларидан келиб чиққан ижара ҳақи миқдоридан (шартномалар асосида) келиб чиққан ҳолда ҳисобланади. Қолган харажатлар иншоатларни таъмирлаш ишлар сметасидан, хоналар ва жиҳозларни сақлаш нормаларидан келиб чиққан ҳолда аникланади.

«Асосий воситалар амортизацияси». Ушбу харажатлар хусусий асосий фондларнинг бошланғич қиймати (баланс қиймати) ва уларнинг турлари бўйича белгиланган амортизация нормалари асосида ҳисоб-китоб қилинади.

Амортизация тушунчаси, нормалари ўқув кўлланманинг 16.1 ва 16.2 параграфларида ёритилган.

«Ёқилғи, газ ва электроэнергия харажатлари» ушбу харажатларни суммаси ёқилғи, газ ва электроэнергия истеъмол қиладиган асосий воситаларни тегишли ўлчов бирликлари (Масалан, бинони кубатураси, транспорт воситаларини ҳар 100 км ёқилғи ишлатиш нормаси ва бошқалар) бўйича сони, ҳажми, улар учун белгиланган харажатлар нормаларидан ва тарифлардан келиб чиққан ҳолда аникланади.

«Товарларни сақлаш, ишлов бериш, саралаш ва жойлаш (ўраш) харажатлари» ўтган йиллар таҳлили натижалари, режалаштирилган йилга ушбу харажатларни талаб қиладиган товар гуруҳлари бўйича товар айланмаси ҳажми ва тегишли норма ва нормотивлар асосида ҳисоб-китоб қилинади.

«Умумий овқатланиш рекламаси харажатлари» маркетинг бўлимини иш режаларидан ва реклама учун харажатлар сметасидан келиб чиққан ҳолда ва ўтган йиллардаги ушбу харажатларни ўзгариш тенденцияларини хисобга олган ҳолда аникланади.

«Ташиш, сақлаш ва сотиш даврида товарлар ва маҳсулотларнинг йўқотилиши» бўйича харажатлар тегишли товар гурухлари бўйича товар айланмаси режаси (сотиб олиш баҳоларида) ва белгиланган нормалар асосида ҳисобланади.

Муомала харажатларини қолган моддалари ҳам тегишлича норма ва нормативларни қўллаган холда техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар асосида аникланади.

Таянч иборалар: товар айланмаси, харажатлар, муомала харажатлари, давр харажатлари, муомала харажатлари даражаси, муомала харажатлари таркиби, иш хаки, амортизация, ижтимоий сугурта, «шартли-ўзгарувчан», «шартли-ўзгармас», норма, нормотив, омиллар.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Харажатлар тушунчасини ёритиб беринг.
2. Муомала харажатлари тушунчасини айтинг.
3. Умумий харажатлар муомала харажатларидан нима билан фаркланади?
4. Муомала харажатлари даражси кандай аникланади?
5. Муомала харажатлари даражаси мазмунини тушунтиринг.
6. Муомала харажатлари таркиби деганда қандай кўрсаткичларни тушунасиз?
7. Муомала харажатларига кандай омиллар таъсир килади?
8. Муомала харажатларига товар айланмасини таъсирини кандай аниклаймиз?
9. Муомала харажатларига бахо ва хар хил тарифлар таъсир килиш мохиятини ёритиб беринг.
10. Муомала харажатлари тахлилини вазифалари нималардан иборат?
11. Муомала харажатлари тахлилини ўтказишда кандай кўрсаткичлар ишлатилади?
12. Муомала харажатлари умумий хажми ва даражаси кандай тахлил килинади? Қандай усуллардан фойдаланилади?
13. Муомала харажатларини режалаштириш максади ва вазифаларини айтинг.

19-БОБ. Умумий овқатланиш корхоналари фойдаси ва рентабеллик

19.1. Умумий овқатланиш корхоналарида фойда ва рентабелликнинг моҳияти ва аҳамияти
19.2. Умумий овқатланиш корхоналарида рентабеллик кўрсаткичлари ва уларга таъсир қилувчи омиллар
19.3. Умумий овқатланиш корхоналарида фойда ва рентабелликнинг таҳлили
19.4. Умумий овқатланиш корхоналарида фойда ва рентабелликни режалаштириш ва прогнозлаш

19.1. Умумий овқатланиш корхоналарида фойда ва рентабелликнинг моҳияти ва аҳамияти

Фойда иқтисодий табиатидан ишлаб чиқариш муносабатлари билан боғлиқ мураккаб иқтисодий ва тарихий категориядир. У келиб чиқиши, йўналтирилиши, хўжалик субъектларини хусусиятларидан ва бошқа меъёрларга қараб таснифланиши ва тавсифланиши зарур.

Бозор иқтисодиёти шароитида максимал фойда олиш, эҳтиёжларни қондириш, хўжалик субъектларини самарадорлигини оширишда тижорий фаолиятни аҳамияти ортиб боради. Фойда ва рентабеллик, бошқа кўрсаткичлар билан бир қаторда, тижорий фаолиятни, унда қатнашаётган ресурсларни самарадорлигини кўрсатувчи кўрсаткичдир. Фойда хўжалик фаолиятининг натижавий кўрсаткичи сифатида намоён бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида фойда муҳим аҳамият топди. Унинг миқдори корхоналарни ривожланишига жамғариш манбаи сифатида асос солади; мулкдорни мулкини кўпайишини таъминлайди; акциядорларни даромадини (двидендларни ортиши орқали) оширади; корхонани молиявий барқарорлигининг ва тўлов қобилиятини саклашга имконият яратади ва ниҳоят у умумий овқатланиш корхоналарини ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини оширишга имконият яратади.

Фойданинг моҳияти уни иқтисодий табиатидан келиб чиққан ҳолда ёритиладиган бўлса, у қўшимча қийматнинг пулдаги ифодасидир. Иқтисодиётда фойда товар қийматининг (C+V+m) асосий элементларидан бири, яъни «m»-ни англатади. Ушбу назарий асосдан келиб чиқиб, умумий

овқатланиш корхонаси фойдасини улар фаолиятида яратилган қўшимча кийматнинг пулдаги ифодаси сифатида таърифлаш тўғри бўлади.

Шуидай килиб, фойда умумий овқатланиш фаолияти кийматининг бир элементи, ушбу кийматнинг пулдаги ифодаси бўлиб, товар баҳосининг элементидир. Бу ерда ҳам юқорида келтирилган кийматнинг классик формуласидан (C+V+m) келиб чиқсак фойда - «m»да ифодаланади.

Иқтисодиётга тааллукли адабиётларда фойдани таърифлашда унга ялпи даромад ва муомала ҳаражатлари ўртасидаги фарқ сифатида қаралиб келинган[9]. Юқоридаги таърифда, яъни фойдага ялпи даромад ва муомала ҳаражатларини фарқи деб каралганда унга тўғри ёндошаяпти деб айтиш кийин. Чунки умумий овқатланиш фаолиятида муомала харажатларидан ташқари унга кирмайлиган, лекин даромад ва товарлар киймати хисобидан копланадиган бошка ҳаражатлар ҳам мавжуд.

Бозор иқтисодиёти фойданинг иқтисодий мазмунини ва мохиятини, уни шаклланишини тубдан ўзгартириб юборди.

Умумий овқатланишда фойда суммада ва даражаси деб аталадиган, рентабеллик кўрсаткичларида ишлатилади. Фойданинг суммаси доимо ҳам солиштириш имкониятини бермайди, шу сабабли уни ижобий кўрсаткичи фойда даражаси ёки рентабеллиги ишлатилади. Ушбу кўрсаткичларни хисоблаш усулларини кейинги 20.2-параграфда батафсил изохлаймиз.

Рентабеллик ҳар қандай хўжалик субъектининг, жумладан умумий овқатланишнинг жуда мухим кўрсаткичларидан хисобланади. Ушбу кўрсаткичда умумий овқатланиш корхона (шахобча)ларини даромади, харажатларини, товар айрибошлаш, мехнат унумдорлиги каби кўрсаткичлар ҳолати ўз аксини топади.

---

[9] Сребник Б.В. «Экономика торговли». Учебник, М.: «Высшая школа», 1989. 168 ст.; «Торговое дело: Экономика и организация». Учибник. коллектив авторов. М.: ИНФРА-М, 1997. – 124-ст., Раицкий К.А. «Экономика предприятия», Учибник, М.: ИНФРА-М, 1999. – 460 ст.; Хейне П. «Экономический образ мишления», Пер.с англ. М.: «Новости», 1991. – 312 ст.

19.2. Умумий овқатланиш корхоналарида рентабеллик кўрсаткичлари ва уларга таъсир қилувчи омиллар

Фойда хўжалик фаолиятининг самараси ҳисобланганлиги сабабли уни нисбий самарадорлиги кўрсаткичи сифатида рентабеллик кўрсаткичи ишлатилади.

Рентабеллик фойдани хўжалик фаолиятига алоқадор товар айланиши, харажатлар, даромад ҳамда ресурсларга нисбатан фоизда ёки коэффициентда аниқланадиган нисбий кўрсаткичдир.

Амалиётда асосан фаолиятни самарасини баҳолашда, уни таҳлил қилишда ва режалаштиришда товарларни сотиш рентабеллиги кўрсаткичи ишлатилади. Ушбу кўрсаткич амалда соф фойдани 100,0 га кўпайтириб товар айланмасига (ТА) бўлиш орқали аниқланади.

Рентабеллик миқдорига қараб умумий овқатланиш фаолиятига, унда ресурслардан фойдаланиш самараси, фаолият тежамлими ёки йўқми каби ҳолатларга баҳо берилади.

«Корхона харажатлари тўғрисида»ги статистик ҳисоботда (5-С (савдо) шакли) «товарларни сотишдан келган фойда»ни «сотишнинг ялпи фойдаси»га «картошка ва сабзавотларни тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича харажатларни қоплаш, бошқа қоплашлар»ни қўшиш ва муомала харажатларини олиш натижасида аниқлаш кўрсатилган.

Унда «Сотишнинг ялпи фойдаси» «Сотишдан соф тушум»дан «Сотилган товарларни харид киймати таннархи»ни айириш орқали аниқланган.

19.2 параграфда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февраль 54-сонли карори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ корхоналарнинг, жумладан умумий овқатланишнинг ҳам фойдаси ҳисоб-китоб қилиш усуллари тавсия қилинган.

Ушбу низомдаги молиявий натижаларни (фойда ва зарарни) аниқлаш усулларини ҳамда умумий овқатланиш, корхона (шахобча)ларини хусусиятидан келиб чиққан ҳолда фойдани, бизларни фикримиз юзасидан

келиб чиккан холда, хисоб-китоб килишни қуйидаги усулларидан фойдаланишни тавсия киламиз;

1. Товарларни сотишдан олинган ялпи даромад – (ЯД)

ЯД =УОУТА - СТМХҚ

Бу ерда;

УОУТА - Умумий овкатланишни умумий товар айланиш (чакана+ улгуржи);

СТМХҚ - хом ашёлар, ярим фабрикатлар ва товарларни харид киймати;

Жумладан:

1.1 Ўз махсулотларини сотишдан олинган даромад - (ЎМСД)

ЎМСД = СМСТ – ХЯХҚ

Бу ерда;

СМСТ – сотилган махсулотлардан соф тушум (ўзи ишлаб чикарган махсулотни сотиш + махсулотни улгуржи сотиш);

ХЯХҚ - хом ашё ва яримфабрикатларни харид киймати;

1.2 Сотиб олинган товарларни сотишдан даромад- (СТСД)

СТСД=СТССТ-СТХҚ

Бу ерда:

СТССТ- сотиб олинган товарларни сотишдан соф тушум;

СТХҚ- сотиб олинган товарларни харид киймати.

2. Умумий овкатланишни муомала харажатлари (УОМх)жами:

2.1. Махсулотларни ишлаб чикариш ва уларни сотиш харажатлари (МИЧСМх);

2.2. Сотиб олинган товарларни сотиш харажатлари (СТСМх).

Ушбу кўрсаткичлар бухгалтерия хисоботлари асосида эксперт баҳолаш орқали хисоб-китоб килиниши мумкин.

3. Умумий овкатланишда махсулотлар ва товарларни сотишдан олинган ялпи фойдаси - (МТСЯФ)

МТСЯФ=ЯД – УОМх;

3.1 Ўз махсулотларини сотишдан олинган фойда – (УМСФ)

УМСФ = УМСД – МИЧСМх;

3.2 Сотиб олинган товарларни сотишдан олинган фойда – (СТСФ)

СТСФ = СТСД – СТСМх;

4. Асосий фаолиятдан кўрилган фойда – (АФФ)

АФФ = МТСЯФ + БД – БЗ;

Бу ерда;

БД , Бз – тегишлича асосий фаолиятдан олинган бошка даромадлар ва зарарлар

5. Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда – (УФ)

УФ =АФФ + МД – МХ;

Бу ерда;

МД, МХ – тегишлича молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ва харажатлар

6.Солик тўлангунча олинган фойда- (СТФ)

СТФ = УФ + ФФ – ФЗ;

Бу ерда;

ФФ, ФЗ – тегишлича фавкулодда фойда ва зарарлар.

7. Соф фойда – (СФ) СФ=СТФ-ЯСТ-ММС

Бу ерда;

ЯСТ – ялпи солик тўлови;

ММС –мол- мулк солиги .

Умумий овкатланишда савдодаги каби фойда хўжалик фаолиятининг самараси хисобланди, шу сабабли уни нисбий самарадорлиги кўрсаткичи сифатида рентабеллик кўрсаткичи ишлатилади.

Рентабеллик фойдани хўжалик фаолиятига алокадор товар айланиши, харажатлар, даромад хамда ресурсларга нисбатан фоизда ёки коэффициентда аникланадиган нисбий кўрсаткичдир.

Амалиётда асосан фаолиятни самарасини бахолашда, уни тахлил қилишда ва режалаштиришда товарларни сотиш рентабеллиги кўрсаткичи ишлатилади. Ушбу кўрсаткич амалда соф фойдани 100,0 га кўпайтириб Умумий овкатланишни умумий товар айланиш суммасига (УОУТА) бўлиш оркали аникланади.

Бизнинг фикримизча, фойдани шаклланишини янги тартибидан келиб чиккан холда, «Товарларни сотиш рентабеллиги» ёки «Товар айланиш рентабеллиги» (Рта) (бу иккала маънони синоним сифатида ишлатмокдамиз) куйидагича аниклаш максадга мувофикдир.

$$P_{TA} = \frac{МТСЯФ \cdot 100,0}{УОУТА}$$

Рентабелликни бошка кўрсаткичларини пастда изохлаймиз.

Рентабелликни тахлили жараёнида кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш лозим. Улар каторига куйидагиларни киритиш мумкин:

- чакана товар айланмаси хажми (УОТА) ва таркиби ($УОТА_{i..n}$), сўмда;
- сотишдан олинган ялпи даромад (ЯД), сўмда;
- сотиб олинган товарларни сотишдан олинган фойда (СТСФ), сўмда
- ўз махсулотларини сотишдан олинган фойда (УМСФ), сўмда;
- махсулотлар ва товарларни сотишдан олинган фойда (МТСЯФ), сўмда;
- асосий фаолиятдан кўрилган фойда (АФФ), сўмда;
- умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда (УФ), сўмда;
- солик тўлангунча олинган фойда (СТФ), сўмда;
- соф фойда (СФ), сўмда;
- муомала харажатлари (Мх), сўмда;
- муомала харажатларини даражаси (Умх), %;

• асосий фондларни ишлатилиши рентабеллиги ($АФ_{и.р}$) ва даромадлилиги ($АФ_{и.д}$), %. Бу кўрсаткичларни қуйидагича аниқланишини тавсия қиламиз.

$$АФ_{и.р} = \frac{УФ \cdot 100}{А}; \qquad АФ_{и.д} = \frac{ЯД \cdot 100}{А}$$

Бу ерда: А - асосий фондлар аммортизацияси суммаси.

• айланма маблағларни рентабеллиги ($Рай._{м}$) ва уларни даромадликлиги (Дай.м), %. Бу кўрсаткичлар қуйидагича аниқланиши мумкин:

$$Р_{ай.м} = \frac{МТСЯФ \cdot 100}{АйМ(ёкиЗ)}; \qquad Д_{ай.м} = \frac{ЯД \cdot 100}{АйМ(ёкиЗ)}$$

Бу ерда: Ай.М - ўртача айланма маблағлар суммаси;

$\overline{З}$ - ўртача товар захиралари суммаси.

• ишчи-ходимларни рентабеллиги (Ри.х) ва даромадлилиги (Ди.х), коэффициентларда. Ушбу кўрсаткичларни қуйидагича аниқлаш тавсия қилинади:

$$Р_{и.х} = \frac{УФ}{\overline{Х}}; \qquad Д_{и.х} = \frac{ЯД}{\overline{Х}}$$

Бу ерда: $\overline{Х}$ - ходимларни йиллик ўртача сони, киши.

• муомала харажатларини рентабеллилиги (Мх.р):

$$М_{х.р} = \frac{МТСЯФ \cdot 100}{Мх};$$ Бу ерда: Мх- муомала харажатлари суммаси.

• иш хаки фондини рентабеллилиги (Их.ф.р.) коэффициентда ёки фоизда. Булар тегишлича қуйидагича хисобланади:

$$И_{х.ф.р} = \frac{УФ}{И_{х.ф}}; \qquad И_{х.ф.р} = \frac{УФ \cdot 100}{И_{х.ф}};$$

Фойда ва рентабеллик корхонанинг натижавий кўрсаткичи бўлганлиги сабабли унга кўп сонли ташқи умумий овқатланишга боғлиқ бўлмаган ва ички омиллар таъсир килади.

Ташки омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- сиёсий барқарорлик;
- иқтисодиётнинг ҳолати;
- демографик ситуация:
- бозор конъюктураси, жумладан истеъмол товарлари бозори;
- инфляция даражаси;
- кредит бўйича банк фоизлар:
- бахони миқдори:
- тарифлар, тўловлар ва бадаллар миқдорлари.

Ички омилларга қуйидагилар киради:

- савдо устамалар миқдори (сотишдан олинган даромад);
- муомала харажатлари миқдори;
- товарларни силжитиш каналлари;
- меҳнат унумдорлиги;
- товар айрибошлаш тезлиги (кунлар ва маротабаларда);
- ўз маблағларининг миқдори;
- асосий фондлардан ва айланма маблағлардан самарали фойдаланиш ва бошқалар.

19.3. Умумий овқатланиш корхоналарида фойда ва рентабелликнинг таҳлили

Фойда ва рентабелликни таҳлил қилишда унинг максад ва вазифаларини аниқ белгилаб олиш зарур. Ушбу максад ва вазифаларга эришиш учун таҳлил жараёнида кандай кўрсаткичлардан фойдаланиш ва уларни ўрганиш кераклигини аниклаб олиш хам мухим ахамиятга эга.

Фойда ва рентабеллик ҳар қандай хўжалик субъектининг, жумладан умумий овқатланиш фаолиятининг молиявий натижаси эканлигидан келиб чиқсак, уларни таҳлилини асосий мақсади умумий овқатланиш корхона (шахобча)ларининг хисобот йилидаги хўжалик фаолиятининг молиявий натижасини баҳолашдан иборатдир.

Ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги хўжалик субъектлари фойдани максималлаштиришга интилади. Чунки фойда орқали фаолиятни инвестициялаштириш, ўз-ўзини молиялаштириш, мулкдорларни мулкини оширилиши, корхонани тўлов кобилиятини мустаҳкамлаш ва бошқа масалалар хал қилинади.

Таҳлил жараёнида ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажариш зарур бўлади:

• ҳисобот йилида режага нисбатан фойда ва рентабеллик кўрсаткичларида кандай ўзгаришлар рўй берганлигини аниклаш;

• ҳисобот йили кўрсаткичларини ўтган йиллар, бошқа рақобатдош корхоналар, худуд, республиканинг кўрсаткичлари билан солиштирган ҳолда уларни ўзгариш тенденцияларини баҳолаш;

• фойда ва рентабелликка таъсир қилган омилларни ўрганиш ва бахолаш;

• фойдани таркибини ўзгаришига баҳо бериш, уни турлари бўйича ўзгариш тенденцияларини баҳолаш;

• фойда ва рентабелликни ошириш йўлларини аниклаш, чора-тадбирлар ишлаб чикиш;

• фойдани таксимланишини ўрганиш, шу билан бир каторда жамланган фойдани ўзгариш тенденцияларини баҳолаш, резерв капитални холатини бахолаш, акциядорларни двидендлари қандай холатда ўзгариши каби жараёнларни баҳолаш. Чунки бу жараёнлар корхонанинг келажак фаолияти самарасига сезиларли даражада билвосита таъсир қилади.

Фойда ва рентабелликни тахлил килиш жараёнида юкоридагилардан ташкари даромадлар ва харажатларни ўзгариш тенденциялари комплекс ўрганилиб, уларга хам бахо берилади.

Бундай тахлилда корхона ресурсларини ишлатилиши самарадорлигига хам бахо бериш зарур бўлади.

Фойда ва рентабелликни тахлили биз 19.3-параграфда келтирган кўрсаткичларни аниклаш, фойда ва рентабелликка таъсир килувчи омиллар, шарт-шароитлар тўгрисидаги маълумотларни тўплаш хамда уларга ишлов беришдан бошланади.

Молиявий натижалар тўгрисидаги хисобот (2-сонли шакл)да келтирилган кўрсаткичлар бўйича режанинг бажарилишини аниклаш ва ўтган йилларга (камида уч йил) нисбатан ўзгариш суръатларини тахлил килиш учун куйидаги 19.3.1 жадвални тавсия киламиз.

Ушбу жадвал маълумотларини хисоб-китоб килгандан кейин биз юкорида келтирган рентабеллик кўрсаткичларини алохида жадвалда хисоблаш, кўрсаткичларга бахо бериш, уларга таъсир килган омиллар таъсир микдорини хисоб-китоб килиш, хулоса ва таклифлар ишлаб чикиш лозим.

Фойдани тахлил килишда уни таксимланишига хам алохида эътибор каратиш, уни кўрсаткичларини жадвалга солиб, режага нисбатан, ўтган йилларга нисбатан ўзгариш микдорини, суръатларини хисоблаш, бахолаш зарур бўлади.

Хисобот йилидаги соф фойда таксимланиши ёки таксимланмай колиши мумкин. Бундай таксимотни амалга ошириш корхонанинг мулкий ва ташкилий шаклига бевосита боглик бўлади.

Масалан, акциядор жамиятларда, хусусий корхоналарда, кўшма корхоналарда фойдани таксимланиши уларни устав ва таъсис шартномалари талабларидан келиб чиккан холда, таъсисчилар йигилишининг карорига асосан амалга оширилади.

5.	Товарларни сотишдан олинган фойда: суммаси (3-4).													
	Товар айланмасига нисбатан, %													
6.	6.1.Асосий фаолиятнинг бошка даромадлари 6.2. Асосий фаолиятнинг бошка харажатлари													
7.	Асосий фаолиятнинг фойдаси (3-4+5)													
8.	Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами (8,1+8,2+8,3+8,4+8,5), шу жумладан													
	8.1.Дивидендлар шаклидаги даромадлар													
	8.2.Фоизлар шаклидаги даромадлар													
	8.3.Узок мудлатли ижара (лизинг)дан даромадлар													
	8.4.Валюта курси фаркидан даромадлар													
	8.5.Молиявий фаолиятнинг бошка даромадлари													
9.	Молиявий фаолият буйича харажатлар (9,1+9,2+9,3+9,4) шу жумладан:													
	9.1.Фоизлаш шаклидаги харажатлар													

19.3.1-жадвал

Молиявий натижаларни _____ йилларга таҳлили

т/р	Кўрсаткичлар	Ўтган йиллар			ҳисобот йили		ҳақиқийси режага нисбатан		Ўтган йилларга нисбатан ўзгариши					
									сўмда			%		
		x_2	x_2	x_3	режа	ҳақи-қий	фарқи (+;-)	%	x_3	x_2	x_1	x_3	x_2	x_3
1.	Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан соф тушум (товар айланмаси)													
2.	Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг таннархи (сотилган товарларни сотиб олиш баҳосида)													
3.	Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг сотишнинг ялпи даромади (зарари) суммаси (1-2)с.													
	Товар айланмасига нисбатан, %													
4.	Давр харажатлари, жами: суммаси (4.1+4.2+4.3+4.4)													
	Товар айланмасига нисбатан, %													
	Шу жумладан:													
	4.1.Сотиш харажатлари													
	4.2.Маъмурий харажатлар													
	4.3.Бошқа операцион харажатлар													
	4.4.Келгусида солиққа тортиладиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари													

	9.2.Узоқ муддатли ижара (лизинг) бўйича фоизлар шаклидаги харажатлар														
	9.3.Валюта курси фаркидан зарарлар														
	9.4.Молиявий фаолият бўйича бошка харажатлар														
10.	Умумхўжалик фаолиятнинг фойдаси (зарари) (7+8-9)														
11	Фавкулотдаги фойда ва зарарлар														
12.	Даромад (фойда) солиғини тулагунга кадар фойда (зарар) (10±11)														
13.	Даромад (фойда) солиғи (ялпи даромад солиғи)														
14.	Фойдадан бошка соликлар ва йиғимлар														
15.	Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари): суммаси (12-13-14).														
	Товар айланмасига нисбатан, %														
16.	Баҳолар индекси[10]														

Соф фойдани таксимоти қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

- таъсисчиларга дивиденд (фоиз) кўринишида таксимланган соф фойда суммаси;

- корхонанинг резерв капиталга ажратма суммаси;

- таксимланмай қолган фойдани ўтган йиллар жамланган фойдасига қўшилган сумма (жамланган фойда хисобига).

Ушбу кўрсаткичларни иқтисодий йўналтирилиши моҳиятидан келиб чиқиб, уларни ўзгариш суръатларига алоҳида баҳо бериш керак.

Фойда даромадлар ва харажатлар тафовутидан шаклланган кўрсаткич бўлганлиги сабабли, уни нисбий кўрсаткичи рентабелликни ошириш йўлларини аниклаш даромадни ошириш ва харажатларни кискартириш тадбирларидан келиб чиқиш зарур.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, рентабелликни ошириш йўлларини аниқлаймиз.

Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин.

1. Товар айланмаси хажмини шу жумладан ўзи ишлаб чиқарган махсулотлар хамда сотиб олинган товарлар бўйича ошириш ва ассортиментини такомиллаштириш.

2. Товарларни силжитиш бўғинлари кискартириш.

3. Товар айрибошлаш тезлигини таъминлаш (кунлар ва маротаба хисобида).

4. Муомала харажатларини тежамкорлик билан сарфлаш.

5. Мавжуд ресурслардан (моддий, мехнат ва молиявий) самарали фойдаланиш.

6. Умумий овкатланишда янги технологияларини жорий қилиш ва бошқалар.

Фойдани оширишни асосий йўли даромадларни оширишдир.

Умумий овкатланиш фаолияти даромадларини ошириш йўллари даромадлар турларидан ва моддаларидан келиб чиқиб, уларни шаклланиш

манбалари ва уларга таъсир этувчи омиллардан келиб чиқиб белгиланиши зарур.

Товарларни сотишдан олинган даромадлар асосан товарлар айланиши ҳажми, таркиби ва ассортименти, уларга ўрнатилган умумий овқатланиш устамаси даражаси ҳамда товарларни келтиришдаги иштирокчилар ва рақобатбардош баҳонинг миқдоридан боғлиқ. Бу кўрсаткичларни у ёки бу томонга ўзгариши даромадни ортишига ёки камайишига олиб келади.

Асосий фаолиятдан олинган бошқа адромадлар миқдори корхонада мавжуд асосий фондлар, уларни ишлатилмаётганлиги, сотиш имконияти, номоддий активларни сотишни ташкил қилишдан боғлик.

Мавжуд, талаб қилиб олинмаган жазо, жарима ва бокимандаларни ўз вактида кайтариб олиш тадбирларини кўриш ва бошкалар.

Молиявий фаолиятдан олинган даромадларни ошириш учун умумий овқатланиш корхонаси мулки бўлган нау-хау, лицензия, компьютер дастурларидан самарали фойдаланиш, уларни ижарага бериш ёки сотиш чораларини кўриб чиқиш.

Бошқа корхоналар акцияларини сотиб олиш орқали двидендлар ишлаш каби фаолиятларни юритиш.

Барча даромадлар турлари бўйича уларни ошириш йўлларини ахтарганда, бошқарув соҳасида юқори малакали кадрлардан фойдаланиш, рационал қарорлар қабул қилиш, фан техника ютуқларидан тўғри фойдаланиш каби тадбирлар кўрилиши мақсадга мувофиқдир.

Муомала ҳаражатлардан тежамли фойдаланиш, унинг таркибида норационал ҳаражатларга йўл қўймаслик умумий овқатланишнинг сотишдан олган фойдасини оширишга олиб келади.

Умуман фойдани миқдори хўжалик фаолиятни ташкиллаштиришда самарали қарорлар қабул қилиш, раҳбарлар ва ходимларни тадбиркорлиги, касбий маҳорати, малакаси каби омиллардан ҳам анча боғликдир.

19.4. Умумий овқатланиш корхоналарида фойда ва рентабелликни режалаштириш ва прогнозлаш

Фойда ҳар қандай хўжалик юритиш шаклидан қатъий назар, жумладан бозор иқтисодиёти шароитида мухим аҳамиятга эга. У хўжалик фаолиятини самарадорлигини кўрсаткичи бўлиши билан бир қаторда корхоналарни, жамиятни иқтисодий тараққиётига асос солади ва инновация жараёнини молиялаштиришни ҳам таъминлайди.

Фойда хўжалик фаолиятини натижаси бўлиш билан бирга уни ривожлантиришга шарт-шароит яратади. Чунки фойда барча хўжалик фаолияти тараққиётини таъминловчи янгиликлар, ихтироларни жорий қилишга имконият яратадиган манбадир.

Жамиятни барча хўжалик субъектлари каби умумий овқатланиш корхоналари ҳам ўз мулкларини тўлдириш, асосий фондларга капитал маблағларини молиялаштириш, доимо янгиликлар, ихтироларни жорий қилиш масаласини қисқа муддатда ҳал қила олмайди. Маблағларни жамғариш учун вақт керак, иқтисодий ва молиявий шарт-шароит яратилиши зарур.

Ушбу ҳолат корхоналарни, барча турдаги хўжалик субъектларини, қолаверса худудни ва жамиятни молиявий имкониятларини жорий ва стратегик режалаштирилишини талаб қилади. Умумий овқатланиш корхона (шахобча)лари учун ҳам юқорида келтирилган ҳолатлардан келиб чиқиб, фойдасини қисқа муддатларга режалаштириши ва келажакка прогнозлаштириши объектив заруриятдир.

Фойда тўғрисидаги маълумотлар корхоналар учун хўжалик фаолияти келажагини белгилаш учун мухим манба бўлиб ҳисобланади.

Фойдани режалаштириш ва прогнозлаштиришда қуйидаги маълумотлар асос бўлиб ҳисобланади:

Биринчидан, корхонани даромадини, муомала харажатларини умумий ҳажми ва моддалари бўйича; фойдасини ва тегишли бўлган бошқа кўрсаткичларини ўтган даврга таҳлили натижалари.

Иккинчидан, даромадларни барча турларини, муомала харажатини ҳажми ва моддаларини, ретабелликни барча кўрсаткичларини ўзгариш суръатлари (тенденциялари)ни ўрганиш натижалари.

Учинчидан, товар айланмаси ҳажми ва ассортименти, товар таъминоти товар гуруҳлари ва манбалари бўйича режалар ва прогноз маълумотлари.

Тўртинчидан, савдо устамалари тўғрисидаги маълумотлар.

Бешинчидан, мўлжалланган даврга баҳолар, солиқлар, ҳар хил тўлов тўғрисидаги маълумотлар.

Олтинчидан, муомала харажатларини прогнози.

Еттинчидан, келажакда корхонани ўз айланма маблағлари миқдори, асосий фондларни янгилаш, реконструкция қилиш тўғрисидаги прогноз маълумотлари ва бошқалар.

Фойдани унинг таркибий турлари, яъни товарларни сотишдан олинган ялпи фойда, асосий фаолиятдан кўрилган фойда, умумхўжалик фаолиятидан кўрилган фойда, солиқ тўлангунгача олинган фойда ва йилнинг соф фойдаси бўйича алоҳида ҳисоб-китоблар қилиниб, алоҳида режалаштирилиши ва прогноз қилиниши лозим.

Юқоридагилар фойдани режалаштириб қандай муҳим аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлаб турибди.

Фойдани режалаштиришда кандай мақсад назарда тутилади?

Фойда ва рентабелликни режалаштиришни асосий максади умумий овқатланиш корхоналарининг хусусиятлари ва уларнинг умумий мақсадидан келиб чиқиши зарур.

Умумий овқатланиш корхоналарининг хусусиятлари улар фаолиятида ишлаб чиқариш, айрибошлаш, яъни олди – сотди жараёни ва ишлаб чиқарган махсулотни ўз жойида истеъмолини ташкил килиш, сотиш учун сотиб олинган товарларни сотиш каби функцияларни бажариш билан белгиланади. Ушбулардан келиб чикиб, овқатланиш корхоналарининг умумий мақсади сифатли махсулот ишлаб чикариш, жойида сотиш, истеъмолни ташкил

килиш сотиш учун сотиб олинган товарларни сотиш асосида даромад ёки фойда олишга эришишдир.

Умумий овқатланиш корхоналарининг фойдаси бир томондан, юқорида келтирилган функцияларни бажарилиш шарт – шароитлари, ҳажми ва таркибига; иккинчи томондан, даромадларнинг турлари ва шаклланишига; учинчи томондан, овқатланиш корхоналарининг харажатлари миқдори ва таркибига боғлиқ бўлади.

Фойда хар кандай корхона, жумладан овқатланиш корхоналари учун ҳам уларнинг ривожланиш манбаи бўлиб ҳисобланади. Унинг яна бир муҳим томони, жамият тараккиётини таъминлашга асос бўлиб хизмат қилади.

Юқоридагилар фойдани режалаштириш қандай муҳим аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлаб турибди.

Фойдани режалаштиришдан асосий мақсад – бир томондан, корхонани келажакда ривожланишини таъминлайдиган миқдордаги фойдага эришиш бўлса; унга эришиш учун овқатланиш корхоналари ахоли талабига жавоб берадиган, юқори сифатли озиқ – овқат махсулотларини ишлаб чикиши, сотиши ва истеъмол қилиниши сотиш учун сотиб олинган товарларни сотиш учун юқори даражадаги хизматни ташкил килишига боғликдир. Бу мухит фойдани режалаштириш мақсадини иккинчи томонини намоён қилади.

Ушбу мақсадларга эришиш учун фойдани режалаштириш қуйидаги вазифаларни ўзида мужассамлаштириши керак.

- асосий мақсадга эришишни таъминлайдиган тижорат ғояларини аниқлаш;

- фойдага таъсир килувчи барча омилларни ўтган йилларга комплекс тахлил қилиш ва келажакка башорат қилиш;

- фойдага бевосита таъсир килувчи омиллардан келиб чикиб корхонани безарарлик нуқтасини аниқлаш;

- бозор иқтисодиёти шароитида барча ресурслардан окилона, рационал фойдаланиш, харажатларини тежамлигини, молиявий натижаларни оптималлигини таъминлаш;

- режани бозор конъюктураси ўзгариш эҳтимолларига мўлжалланган альтернатив вариантларини тайёрлаш;

- ишлаб чиқилган ва қабул қилинган режани бажарилишини таъминлайдиган чора – тадбирларни белгилаш ва назорат қилиш.

Фойда ва рентабелликни режалаштиришда бир қанча усуллардан фойдаланиш тавсия қилинади.

Улар каторига қуйидагиларни киритиш мумкин;

- даромадлар ва харажатлар баланси;

- техник – иктисодий ҳисоб–китоб усули;

- безараплик (зарарсизлик) нуктасини аниклаш усуллари;

- эластиклик коэффицентларини қўллаш усули;

- иктисодий- математик усуллар.

Баланс усули амалиётда товар айланиш кўрсаткичларини режалаштиришда, ахоли даромадлари ва харажатларини аниклашда кенг қўлланиладиган усуллардан бири ҳисобланади. Биз овқатланиш корхоналари фойдасини режалаштиришда баланс усулидан кенг фойдаланишни тавсия киламиз. Балансниг чап кисмида Умумий овқатланиш корхонасининг барча даромадлари миқдори, ўнг кисмида харажатларнинг барча турлари миқдори ва корхонанинг фойдаси кўрсатилади.

Бизнингча баланс таркибини қуйидаги шаклда тузиш мақсадга мувофиқдир.

19.4.1. жадвал

Овқатланиш корхонасининг даромадлар, харажатлар ва фойдаси баланси

(минг сўм)

Даромадлар	**Сумма**	**Харажатлар ва фойда**	**Сумма**
1.Сотишдан олинган даромадлар -- жами Жумладан: 1.1.Ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотишдан олган даромади. 1.2 Сотиб олган товарларни сотишдан олган даромади. 2.Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар. 3. Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар. 4. Фавқуллотда даромадлар.		1.Сотиш таннархига киритилган харажатлар. 2. Давр харажатлари. 2. 1. Сотиш харажатлари. 2.2. Маъмурий харажатлар. 2.3. Бошқа операцион харажатлари. 3. Келгуси давр харажатлари. 4. Асосий бўлмаган фаолиятга доир харажатлар. 5. Молиявий фаолиятга доир харажатлар. 6. Фавқулотда харажатлар.	
5.Ялпи даромад.		7. Жами харажатлар суммаси.	
		8. Солиқ тўлангунча фойда. 9. Ялпи даромад солиғи. 10. Мол мулк солиғи. 11. Соф фойда.	
Баланс		Баланс (7+8+11)	

Техник-иқтисодий ҳисоб китоб усулидан балансдаги кўрсаткичларни аниқлашда кенг фойдаланиш мумкин ва фойдани алоҳида турларини аниқлашда ишлатилади. 1999 йил 5 февралдаги Вазирлар Маҳкамасининг 54 сон қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ умумий овқатланиш корхоналарининг фойдасининг ҳисоб китоб қилиш усули 20.2. параграфда ёритилган.

Безарарлик нуқтасини аниқлаш орқали фойдага таъсир қилувчи омилларнинг таъсири остида қанча миқдорида соф фойдага эришиш мумкинлиги аниқланади. Унинг учун қуйидаги формулалардан фойдаланиш мумкин.

1. $$\textbf{БН} = \frac{ДХ}{1 - \frac{УХ}{УОУТА}};$$

бунда: **ДХ** – доимий ҳаражатлар (муомала ва ишлаб чиқариш ҳаражатларини) ўзгармас қисми;

УОУТА – Умумий овқатланиш корхоналарининг умумий товар айланмаси,

$\textbf{У}_{\textbf{х}}$ Умумий овқатланиш корхонасини ўзгарувчан ҳаражатлари

2. $$\textbf{БН} = \frac{\frac{ДХ \cdot 100}{Д \cdot 100}}{УОУТА};$$

бунда Д – даромадлар.

$$БН = \frac{УОУТА \cdot ДХ}{УОУТА - Ух}.$$

Эластиклик коэффиценти фойдага таъсир қилувчи омилнинг 1 % ўзгариши фойдани қанча фоизга ўзгаришига олиб келишини кўрсатади. Ушбу кўрсаткич ўтган йиллар маълумотларини таҳлил қилиш орқали ҳисоб-китоб қилинади ва режалаштирилган йилга таъсир қилувчи омилни ўзгариш

миқдорига коэффициентни кўпайтириш оркали фойдани ўзгариш даражаси аникланади.

Эластиклик коэффицентини умумий кўриниши куйидаги формула оркали аникланади.

$$K_э = \frac{\Delta У \cdot 100}{У} : \frac{\Delta Х \cdot 100}{Х} = \frac{\Delta У}{\Delta Х} \cdot \frac{Х}{У};$$

Бунда: у- фойданинг миқдори;

Х- таъсир қилувчи омилнинг миқдори.

Фойданинг ўзгариш миқдори «ΔY» унга таъсир қилувчи омилнинг «ΔX» ўзгариш миқдорига нисбатан қандай даражада ўзгаришини кўрсатади. Уни хисоблаш учун корреляцион тенгламадан фойдаланиш мумкин. Агар боғлиқлик тўғри чизикли бўлса,

$y = a + вх$, унда $K_э = в \cdot \frac{\bar{X}}{\bar{y}}$; «в» - регрессия коэффиценти, уни юқорида келтирилган тенгламани ечиш оркали аниқлаш мумкин бўлади.

Фойдани режалаштиришда иктисодий математик усуллардан хам кенг фойдаланиш мумкин бўлади. Агар унинг учун етарли маълумотлар мавжуд бўлса. Масалан кўп факторли регрессион моделлардан фойдаланиш мумкин.

Фойдани миқдори аниқлангандан кейин рентабеллик кўрсаткичи аникланади.

Амалиётда рентабеллик асосан фойда суммасини 100 кўпайтириб, Умумий овкатланиш корхонасини умумий товар айланмасига бўлиш билан аникланади.

Ушбу кўрсаткич билан бир каторда фойдани ишлаб чикариш ва муомала харажатларига нисбатан; корхонанинг даромадига нисбатан; иш хакига нисбатан ва х.к. нисбатан аниклаш хам мумкин.

Таянч иборалар: товар айланмаси, киймат, бахо, устама, ялпи даромад, товарларни сотишдан олинган даромад, асосий фаолиятдан олинган бошка даромадлар, молиявий фаолиятдан олинган даромадлар, фавкулотдаги даромадлар, фойда, рентабеллик, режа, режалаштириш, прогноз, безарарлик

нуқтаси, эластиклик коэффициенти, баланс, харажатлар, даромадлар, самарадорлик.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Даромадлар тушунчаси моҳиятини ёритиб беринг.
2. Умумий овқатланишнинг даромадини таърифини айтинг.
3. Умумий овқатланишнинг даромадига қандай тарифлар берилган?
4. Нега умумий овқатланиш корхонасининг даромади уни фаолиятининг баҳоси дейилади?
5. Умумий овқатланишнинг даромадлари қандай йўналишларда ишлатилади?
6. Даромадларни қандай турларини биласиз ва улар таркибига нималар киради?
7. Даромадларни таҳлил қилишни вазифаларини айтинг.
8. Даромалларни таҳлил қилишда қандай маълумотлардан фойдаланилади?
9. Даромадларни таҳлил қилишда қандай кўрсаткичлар аниқланади?
10. Даромадларга қандай омиллар таъсир қилади?
11. Даромадлар қандай режалаштирилади?
12. Фойдани режалаштириш ва прогнозлашни аҳамиятини ёритиб беринг.
13. Фойда ва рентабелликни режалаштиришда қандай маълумотлардан фойдаланилади.
14. Фойда ва рентабелликни режалаштиришни мақсади нималардан иборат?
15. Фойда ва рентабелликни режалаштиришда қандай вазифалар ҳал қилинади?
16. Фойдани режалаштиришда қандай усуллардан фойдаланилади?
17. Фойдани режалаштиришда тузиладиган баланс мазмунини ёритиб беринг.
18. Техник-иқтисодий хисоблар усули қандай ва кайси ҳолда ишлатилади?
19. Безарарлик нуқтаси қандай аниқланади?
20. Эластиклик коэффициентини моҳиятини ёритинг.

20.Боб. Умумий овқатланиш корхоналарида солиққа тортиш тизими.

Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш корхоналарини солиққа тортиш масаласини кўриб чиқадиган бўлсак. Олдимизга бир қанча саволларни қўямиз: Умумий овқатланиш корхоналари қандай турдаги солиқларни тўлайди? солиқ тўлаш муддатлари қачон? солиқ хисоботлари качон топширилади? солиқ мажбуриятлари ва солиқ хуқуқлари қандай? қанақанги турдаги солиқ имтиёзлари мавжуд каби саволларга жавоб топиш зарур бўлади.

Умумий овқатланиш корхоналари томонидан қуйидаги солиқлар ва мажбурий тўловлар тўланади: Ягона солиқ тўловчи корхоналар учун Ягона солиқ тўлови, иш хаққидан Ягона ижтимоий тўлов (25%), Пенсия жамғармасига ажратмалар (6% иш ҳаққидан), Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (иш ҳаққидан).

Ягона солиқ тўлови тизимига ўтмаган корхоналар умумбелгиланган тартибда солиқ тўлайдилар. Уларга қўшилган киймат солиғи, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, мол-мулк солиғи белгиланган.Улар пенсия, йўл, мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига ажратмалар тўлашади.

Ўзбекистон Республикаси солиқ Кодексининг 352-моддасида Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари келтирилган

Ўтган йил якунлари бўйича асосий (соҳа) фаолият тури савдо фаолияти ва умумий овқатланиш соҳасидаги фаолият бўлган юридик шахслар солиқ Кодексида белгиланган тартибда хисобот йили бошидан бошлаб ягона солиқ тўловини тўлаши керак.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари сифатида рўйхатдан ўтказилган янги ташкил этилган юридик шахслар ягона солиқ тўловини давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан жорий йил тугагунига

кадар, 1 октябрдан кейин рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар эса кейинги йил тугагунига кадар тўлайди.

Солик кодексининг 253-моддасига асосан турли солик солиш объектлари ва (ёки) ягона солик тўлови ставкалари белгиланган бир неча фаолият турлари билан шугулланадиган ягона солик тўловини тўловчилар шу фаолият турлари бўйича алохида-алохида хисоб юритишлари хамда солик тўловчиларнинг тегишли тоифалари учун белгиланган ставкалар бўйича ягона солик тўловини тўлашлари керак.

Ягона солик тўловини тўловчилар — юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва махаллий давлат хокимияти органларининг карорлари бўйича ижарага олинган ер участкалари учун бюджетга ижара хаки тўлашдан озод килинади, умумбелгиланган соликлар тўланадиган фаолият турларида фойдаланилаётган ер участкалари бундан мустасно.

(354-модданинг еттинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)

Ягона солик тўловчи умумий овкатланиш корхоналари учун Ялпи тушум солик солиш объекти хисобланади.

Савдо ва умумий овкатланиш корхоналари учун ялпи тушум - товар айланмасидир.

Солик Кодексининг 355 моддасига асосан куйидагиларга солик солиш объекти сифатида каралмайди:

1) устав фондига (устав капиталига) олинган хиссалар, шу жумладан акцияларни (улушларни) жойлаштириш бахосининг уларнинг номинал кийматидан (дастлабки микдоридан) ортик суммаси, оддий ширкат шартномаси бўйича биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш учун бирлаштириладиган маблаглар;

2) муассислар (иштирокчилар) таркибидан чикилаётганда (чикарилаётганда), шунингдек тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки

унинг муассислари (иштирокчилари) ўртасида таксимланаётганда устав фондига (устав капиталига) ҳиссалар доирасида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар);

3) шартнома муассислари (иштирокчилари) умумий мулкидаги ҳиссаси қайтариб берилган ёки бундай мол-мулк бўлинган тақдирда, оддий ширкат шартномаси шериги (иштирокчиси) томонидан ҳиссаси миқдорида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар);

4) реализация қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) учун олдиндан ҳақ тўлаш (бўнак) тариқасида бошқа шахслардан олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар);

5) мулк ҳуқуқи уларга ўтган пайтга қадар мажбуриятларни қонун ҳужжатларига мувофиқ таъминлаш сифатида гаров ёки закалат тарзида олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар);

6) бюджетдан берилган субсидиялар;

7) агар маблағларни (мол-мулкни ёки мулкий ҳуқуқларни) ўтказиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида амалга оширилса, текин олинган маблағлар (мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар), ишлар ва хизматлар;

8) олинган грантлар ва инсонпарварлик ёрдами;

(355-модда тўртинчи қисмининг 8-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда— ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)

(355-модда тўртинчи қисмининг 9-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)

10) суғурта шартномалари бўйича суғурта товони (суғурта суммаси) тариқасида олинган маблағлар;

11) воситачига ёки бошқа ишончли вакилга воситачилик, топшириқ шартномаси ёки воситачилик хизматларини кўрсатишга оид бошқа шартнома

бўйича мажбуриятларни бажариш муносабати билан, шунингдек комитент ёхуд бошқа топшириқ берувчи учун воситачи ёки бошқа ишончли вакил томонидан қилинган харажатларни қоплаш ҳисобига келиб тушган мол-мулк (ҳақ тўлови бундан мустасно);

(355-модда тўртинчи қисмининг 11-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)

12) объект қийматининг ижарага берувчи (лизинг берувчи) томонидан олинган ижара (лизинг) тўловининг бир қисми тарзида қопланиши;

13) телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг текин олинган техник воситалари, шунингдек мазкур воситалардан фойдаланишга ва уларга хизмат кўрсатишга доир хизматлар;

14) ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектининг муассисларидан (иштирокчиларидан) унинг мажбуриятларини бажариш учун олинган маблағлар. Ихтиёрий тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тугатилган ва фаолият қайта тикланган тақдирда ушбу маблағлар солиқ солиш объектига киритилади ва уларга солиқ солиниши лозим;

(355-модда тўртинчи қисмининг 14-банди Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)

15) инвестор билан давлат мулкини бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага мувофиқ инвестиция мажбуриятлари сифатида киритилаётган мол-мулк.

Баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолаш чоғида курсдаги ижобий ва салбий фарқлар ўртасидаги сальдо солиқ солиш объекти ҳисобланади. Салбий курс фарқи суммаси ижобий курс фарқи суммасидан ортиқ бўлган тақдирда ошиб кетган сумма ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган базани камайтирмайди.

Ягона солиқ тўловини тўлашдан ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернобилчилари» ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941—1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ташкил этадиган юридик шахслар озод қилинади, бундан савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти ҳамда лотереялар ташкил этиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар мустасно. Ушбу имтиёзни олиш ҳуқуқи белгиланаётганда ходимларнинг умумий сонига штатда бўлган ходимлар киритилади.

Умумий овқатланиш корхоналари учун календарь йил солиқ давридир.

Ҳисобот даври қуйидагилардир:

микрофирмалар ва кичик корхоналар учун — йил чораги;

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар учун — бир ой;

(359-моддани иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-241-сонли Қонуни таҳририда— ЎР ҚҲТ, 2009 й., 52-сон, 556-модда)

Ягона солиқ тўловини хисоблаб чиқариш, унинг хисоб-китобларини тақдим этиш ва уни тўлаш тартиби

Ягона солиқ тўлови солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Қўшилган киймат солиғи тўловчилар учун ягона солиқ тўлови суммаси бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган киймат солиғи суммасига, лекин ягона солик тўлови суммасининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорга камайтирилади.

Қўшилган киймат солиғини ихтиёрий равишда тўлашга календарь йил бошидан эътиборан ўтмаган тўловчилар ягона солиқ тўлови суммасини қўшилган киймат солиғи ҳисоблаб чиқарилган хисобот даврига тўғри келадиган суммага камайтиради

Ягона солиқ тўловининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ортиб борувчи якун билан:

микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан — йилнинг хар чорагида ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда;

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган корхоналар томонидан — хар ойда хисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

Ягона солиқ тўловини тўлаш хисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай амалга оширилиши шарт.

Солиқни хисобга олиш

Юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида олинган тушум солиқ тўловчининг ялпи тушумига тўлиқ миқдорда қўшилади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланган фойда солиғининг суммаси Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасида ягона солиқ тўловини тўлаш чоғида хисобга олинади.

Тўлов хабарномаси, чет давлат солиқ органининг маълумотномаси ёки чет элда солиқ тўланганлигини гўғрисида тасдиқловчи маълумот бошқа ҳужжат чет элда тўланган фойда солиғининг суммасини ҳисобга олиш учун асос бўлади.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, шу жумладан микрофирмалар ва кичик корхоналар учун соддалаштирилган тартибда ягона солиқ тўлови жорий қилинган.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 декабрдаги ПҚ-1887-сон карори 9-2-иловасига асосан савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, шу жумладан микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкалари қуйидагича белгиланган.

20.1-жадвал

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, шу жумладан микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солик тўлови

СТАВКАЛАРИ

№	Тўловчилвр	Солик ставкалари, солик солинадиган базага нисбатан фоизда
1.	Умумий овкатланиш корхоналари	10
	улардан:	
	умумий таълим мактаблари, мактаб-интернатлар, ўрта махсус, касб хунар ва олий ўкув юртларига хизмат кўрсатувчи ихтисослашганумумий овкатланиш корхоналари	8
2	Қуйидаги жойларда жойлашган чакана савдо корхоналари (4-бандда кўрсатилганлардан ташкари):	
	аҳоли сони 100 минг ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда	4
	Бошка аҳоли пунктларида	2
	Бориш кийин бўлган ва тоғли туманларда	1
3	Улгуржи савдо корхоналари (5-бандда кўрсатилганлардан ташқари):	5
4	"Шаробсавдо" ихтисослашган худудий базалари ва улгуржи товар оборoти бўйича	5
5	Қуйидаги жойларда жойлашган улгуржи ва чакана дорихона ташкилотлари:	
	аҳоли сони 100 минг ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда	3
	Бошка аҳоли пунктларида	2
	Бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда	1
6.	1-5 бандларда кўрсатилган корхоналар учун пластик карточкалар кўллаб тўланган ҳолда кўрсатилган хизматлар хажми бўйича	белгиланган ставка 10 фойизга камайтирилади

Изоҳ: Агар чакана савдо корхоналари мустақил юридик шахс хисобланмайдиган ва ягона солиқ тўловининг турли ставкалари белгиланган турли аҳоли пунктларида жойлашган бир нечта савдо шахобчаларига эга бўлса, улар хар бир савдо шахобчаси бўйича товар айланишининг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритишлари ҳамда мазкур аҳоли пунктлари учун белгиланган ставкалар бўйича ягона солик тўловини тўлашлари лозим.

20.1 жадвал маълумотларидан кўринадики умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўлови ставкаси 10 фоизни, умумий таълим мактаблари, мактаб-интернатлар, ўрта махсус, касб хунар ва олий ўқув юртларига хизмат кўрсатувчи ихтисослашган умумий овқатланиш корхоналари 8 фоизни, аҳоли сони 100 минг кишидан иборат шаҳарларда 4 фоизни, бошқа аҳоли пунктларида (туманларда) 2 фоизни, бориш қийин булган ва тоғли туманларда 1 фоизни ташкил қилади.Улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар солиқ солинадиган базадан 5 фоизли ставка бўйича солиқ тўловини амалга оширишади. "Шаробсавдо" ихтисослаштирилган ҳудудий базалари чакана ва улгуржи товар оборoти бўйича 5 фоиз ставкаси бўйича солиқ тўлашади.

Агарда савдо ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан *пластик* карталарни қўллаган ҳолда амалга оширилган бўлса солиқ ставкаси 10 фоизга камайтирилади.

Ушбу холатларни инобатга олган ҳолда. Ягона солиқ тўловчи корхона мисолида кўрамиз. Мисол:

Самарқанд шаҳрида жойлашган ягона солиқ тўловчиси бўлган умумий овқатланиш корхонасининг 2013 йилнинг 1 чорагида (январ, феврал ва март) товар айланмаси (тушуми) 48 млн. сўм, шундан пластик қўллаган ҳолда савдо ва хизматлар хажми 14 млн. сўм бўлган. Ушбу корхона канча миқдорда ягона солиқ тўлайди?

Демак 20.1 жадвал маълумотларига асосан корхона 10 фоизли ставка билан ягона солиқ тўлайди ва 14 млн. сўмлик пластик карта орқали хизматлар 9 фоизли ставка билан хисобланади.

48 000 000-14 000 000=34 000 000

34 000 000х0,10=3400 000

14 000 000х0,09= 1260 000

Биринчи чоракда корхона томонидан жами (3400 000+1260 000) 4 660 000 сўм ягона солиқ тўловини тўлайди.

Ушбу хисоб китобларни қуйидаги солик бланкаси оркали тўлдирилади:

20.2-жадвал

СТИР _____

Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоби

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Жами	шу жумладан, ягона солиқ тўлови тўловчиси тўғрисидаги маълумотда кўрсатилган фаолият турлари бўйича (01-варақ)					
			асосий фаолият тури - 1	2	3	4	5	6
Товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилишдан соф тушум	10	48 000 000,00	48 000 000,00					
Фаолият турлари бўйича тушумнинг товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилишдан жами тушумдаги салмоғи, фоизда	20	100,00	100,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00
Товарларни таннархидан паст нархларда реализация қилишдан ва текинга беришдан кўрилган зарарлар*	25	0,00	0,00					
Давлатнинг кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун белгиланган ижара ҳақининг энг кам ставкалари асосида ҳисоблаб чиқарилган ижара ҳақи суммасининг шартномада белгиланган ижара ҳақи суммасидан ошган қисми (Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоби 1-иловасининг 060-сатри)	26			X	X	X	X	X
Бошқа даромадлар (Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоби 2-иловасининг 010-сатри)	30			X	X	X	X	X
Солиқ солинадиган ялпи тушум (010-сатр + 025-сатр + 026-сатр +030-сатр)	40	48 000 000,00	48 000 000,00					
Имтиёзлар - жами (0501-сатр + 0502-сатр)	50	0,00	0,00					
шу жумладан:								
солиқ солиш объекти сифатида қаралмайдиган даромадлар (Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоби 3-иловасининг 010-сатри)	501			X	X	X	X	X
солиқ солинадиган ялпи тушумнинг камайтирилиши (Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоби 4-иловасининг 010-сатри)	502	0,00	0,00					

Солиқ солинадиган база - жами (040-сатр – 050-сатр)	60	48 000 000,00	48 000 000,00					
шу жумладан:								
пластик карточкалар қўлланиб тўланган кўрсатилган хизматлар ҳажмидан олинган тушум	601	14 000 000,00	14 000 000,00					
0601-сатрдаги тушум чегирилган ҳолдаги солиқ солинадиган база (060-сатр – 0601-сатр)	602	34 000 000,00	34 000 000,00					
Ягона солиқ тўловининг белгиланган ставкаси	70	X	10,00					
Ягона солиқ тўловининг тузатиш киритилган ставкаси:	80	X						
экспорт қилувчи корхоналар учун экспорт улушига нисбатан, % да (Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоби 6-иловасининг 060-сатри)	801	X	10,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00
хизматлар кўрсатиш соҳаси корхоналари учун пластик карточкалар қўлланиб тўланган кўрсатилган хизматлар ҳажмидан олинган тушумга нисбатан, фоизда [0801-сатр - (0801-сатр х 10%)] ёки [070-сатр - (070-сатр х 10%)]	802	X	9,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00
Ягона солиқ тўлови суммаси – жами (0901-сатр + 0902-сатр)	90	4 660 000,00	4 660 000,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00
шу жумладан, ҳисобланган:								
0601-сатрда кўрсатилган тушумдан (0601-сатр х 0802-сатр)	901	1 260 000,00	1 260 000,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00
0602-сатрда кўрсатилган тушумдан (0602-сатр х 0801-сатр) ёки (0602-сатр х 070-сатр)	902	3 400 000,00	3 400 000,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00
Бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи суммаси (Қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобининг 050-сатри)	100	0,00	X	X	X	X	X	X
Ягона солиқ тўлови суммасини камайтирадиган қўшилган қиймат солиғи суммаси (100-сатр, бироқ 090-сатр х 50 фоиздан кўп эмас)	110	0,00	X	X	X	X	X	X

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ҳисобга олинадиган, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг суммаси (Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоби 7-иловасининг 090-сатри)	115	0,00	X	X	X	X	X	X
Ҳисоб-китоб бўйича ҳисобланган ягона солиқ тўлови суммаси (090-сатр –110-сатр – 115-сатр)	120	4 660 000,00	X	X	X	X	X	X
Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракатини ривожлантириш жамғармасига ажратмалар четирилган ҳолдаги ягона солиқ тўлови суммаси [120-сатр – (120-сатр х 8%)]	130	4 660 000,00	X	X	X	X	X	X
Аввалги давр учун ҳисоб-китоб бўйича ягона солиқ тўловининг ҳисобланган суммаси (аввалги ҳисобот даври учун ЯСТ ҳисоб-китобининг 130-сатри)	140	0,00	X	X	X	X	X	X
Умумбелгиланган солиқлар бўйича қайта ҳисоб-китоб қилишдаги қўшимча тўланадиган ягона солиқ тўлови	150	0,00	X	X	X	X	X	X
Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракатини ривожлантириш жамғармасига ўтказиладиган ягона солиқ тўлови суммаси (120-сатр –130-сатр)	160	0,00	X	X	X	X	X	X
Қўшимча ҳисобланган ЯСТ суммаси	170		X	X	X	X	X	X
Ўзбекистон Республикасидан ташқарида олинган дивиденд ва фоиз кўринишидаги даромадлар бўйича Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича қўшимча суммаси (Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоби 6-иловасининг 060-сатри + 120-сатри)	175		X	X	X	X	X	X
Ҳисобот даври учун тўланиши лозим (130-сатр	180	4 660 000,00	X	X	X	X	X	X

+ 150-сатр + 170-сатр + 175-сатр)								
шу жумладан:								
чоракнинг биринчи ойи охирига	1801		X	X	X	X	X	X
чоракнинг иккинчи ойи охирига	1802		X	X	X	X	X	X
чоракнинг учинчи ойи охирига	1803		X	X	X	X	X	X

(*) экология, соғломлаштириш ҳамда хайрия жамғармаларига, маданият, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт, таълим муассасаларига текинга товарларни беришдан олинган зарарлар бундан мустасно. Бунда баҳолари (тарифлари) давлат томонидан тартибга солиниши назарда тутилган товарлар учун реализация қилишдан олинадиган тушум белгиланган баҳолардан (тарифлардан) келиб чиққан ҳолда аниқланади. (**) 026-сатр мол-мулкни ижарага беришдан даромадлари суммаси товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализациясидан олинган даромадлар умумий суммасида устун бўлган солиқ тўловчилар томонидан тўлдирилади. Изоҳ: 1. Агар ягона солиқ тўлови тўловчилари мустақил юридик шахс ҳисобланмайдиган ва ягона солиқ тўловининг турли ставкалари белгиланган турли аҳоли пунктларида жойлашган бир нечта тургун савдо шохобчаларига эга бўлса, унда ягона солиқ тўлови хисоб-китобига қўшимча устунлар киритилиб, улар асосий рақам устига қўшимча рақам қўйиш билан белгиланади(11, 12, 13, 21, 22, 23 ва х к). Бунда чакана савдо корхоналари бошқа даромадларини солиқ ҳисобига қўйилган жойдаги савдо шохобчаси устунида кўрсатадилар. 2. 070-сатрда амалга ошириладиган фаолият туридан келиб чиққан ҳолда ягона солиқ тўлови ставкаси кўрсатилади. 3. Қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлмаган юридик шахслар 100 ва 110-сатрларда "0" қўядилар. 4 130 ва 160-сатрлар Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракатини ривожлантириш жамғармасининг маҳаллий бўлимлари билан ўзаро қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги шартномалар тузган солиқ тўловчилар (савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ва лотереялар ташкил қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш доирасидаги юридик шахслар бундан мустасно) томонидан тўлдирилади. 5. 1801-1803-сатрлар микрофирма ва кичик корхоналар тоифасига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан тўлдирилади.

Раҳбар

Бош бухгалтер

М.Ў.

Бундан ташқари савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида ходимлар иш ҳаққидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар 2013 йилдан этиборан қуйидаги ставкаларда тўланади:

1. "Ягона ижтимоий тўлов" мехнатга хак тўлаш фондининг 25 фоиз миқдорида корхона исобидан тўланади.

2. Ишчи ва ходимларнинг иш ҳаққи хисобидан пенсия жамғармасига ажратмалар 6 фоиз ставка бўйича (бевосита ходимлар ва ишчиларнинг ойлик иш ҳаққидан)

3.Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи. Ушбу солиқ ставкалари қуйидаги жадвал асосида амалга оширилади.

20.3-жадвал

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари

Солиқ солинадиган даромад	Солиқ ставкалари
энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда	даромад суммасидан 8 фоиз
энг кам иш ҳақининг беш бараваридан (+1 сўм) ўн бараваригача миқдорда	беш баравар миқдордан солиқ +энг кам иш ҳақи миқдорининг беш бараваридан ошадиган суммадан 16 фоиз
энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан (+1 сўм) юқори миқдорда	ўн баравар миқдордан солиқ +энг кам иш ҳақи миқдорининг ўн бараваридан ошадиган суммадан 22 фоиз

Ушбу маълумотларни қуйидаги мисол орқали кўрсатиш мумкин.

1.Мисол: корхонада 1 ходимнинг ойлик иш хақки 2013 йилнинг

январ ойида 350 000 сўм килиб,

феврал ойида эса 680 000 сўм,

март ойида эса 1040 минг сўм килиб белгиланди.

Ушбу холатда солиқлар ва мажбурий ажратмалар миқдори қанча бўлади? Юқорида ёритиб ўтганимиздек биринчи ўринда ягона ижтимоий тўлов (ЯИТ) суммаси мехнат хакки фондининг 25 фоизи, ушбу ажратма ходимнинг бевосита иш хакки хисобидан эмас, балки корхона ва ташкилотларнинг ҳисобидан тўланади.

Январ 350 000х0,25=87 500 сўм

Феврал 680 000х0,25=170 000 сўм

Март 1040 000х0,25=260 000 сўм

Жами: 517 500 сўм

Демак ушбу холат бўйича уч ойда корхона томонидан 1 ишчига ЯИТ жамғармасига жами 517 500 сўм тўлаши керак.

6 фоизли ставка бўйича бевосита ишчи ходимнинг ойлик иш ҳақкидан

Январ 350 000х0,06=21 000 сўм

Феврал 680 000х0,06=40 800 сўм

Март 1040 000x0,06=62 400 сўм

Жами:124 200 сўм

Ушбу хисоб китоблар қуйидаги солиқ бланкасида тўлдирилади

20.4-жадвал

Ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига суғурта бадаллари хисоб-китоби

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Ягона ижтимоий тўлов			Фуқароларнинг бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига суғурта бадаллари
		Жами	шу жумладан:		
			умумбелгиланган тартибдаги ставка бўйича	имтиёзли ставка бўйича*	
1	2	3	4	5	6
Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар (Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 172-моддаси)	010		2 070 000,0		2 070 000,0
Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаш учун чет эллик ходимларни бериш бўйича хизматлар кўрсатиш шартномасига мувофиқ юридик шахс - Ўзбекистон Республикаси норезидентига тўланадиган чет эллик ходимларнинг даромадлари (**)	011			x	x
Ягона ижтимоий тўлов хисобланмайдиган тўлов турлари (хисоб-китобга 1-илованинг 010-сатри) Фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари хисобланмайдиган тўлов турлари (хисоб-китобга 2-илованинг 010-сатри)	020		2 070 000,0		2 070 000,0
Солиқ солинадиган база: (010-сатр + 011-сатр – 020-сатр)	030		2 070 000,0		2 070 000,0
чоракнинг биринчи ойи охирига	0301		350 000,0		x
чоракнинг иккинчи ойи охирига	0302		1 030 000,0		x
чоракнинг учинчи ойи охирига	0303		2 070 000,0		x
Ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар ставкаси, %	040	X	25,0		6,0
Ижтимоий жамғармаларга хисобланган мажбурий тўловлар суммаси (030-сатр x 040-сатр), шу жумладан:	050		517 500,0		124 200,0
чоракнинг биринчи ойида	0501		87 500,0		x
чоракнинг иккинчи ойида	0502		257 500,0		x
чоракнинг учинчи ойида	0503		517 500,0		x

Ҳисобот даври учун ягона ижтимоий тўловнинг қўшимча ҳисобланган суммаси (ЯИТ ҳисоб-китобига 3-илованинг 090-сатри), шу жумладан:	060		0,0	x	x
чоракнинг биринчи ойи учун (ЯИТ ҳисоб-китобига 3-илованинг 0901-сатри)	0601		0,0	x	x
чоракнинг иккинчи ойи учун (ЯИТ ҳисоб-китобига 3-илованинг 0902-сатри)	0602		0,0	x	x
чоракнинг учинчи ойи учун (ЯИТ ҳисоб-китобига 3-илованинг 0903-сатри)	0603		0,0	x	x
Ҳисобот даврида тўланиши лозим (050-сатр + 060-сатр), шу жумладан:	070		517 500,0		124 200,0
чоракнинг биринчи ойи учун (0501-сатр + 0601-сатр)	0701		87 500,0		x
чоракнинг иккинчи ойи учун (0502-сатр + 0602-сатр)	0702		257 500,0		x
чоракнинг учинчи ойи учун (0503-сатр + 0603-сатр)	0703		517 500,0		x

Изоҳ: *) Ихтисослаштирилган цехлар, участкалар ва корхоналарда ишловчи ногиронлар меҳнатидан фойдаланувчи юридик шахслар томонидан имтиёзли ставка қўлланилганида тўлдирилади. **) 011-сатрда чет эллик ходимларга тўланган, тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган, бирок Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаш учун чет эллик ходимларни бериш бўйича хизматлар кўрсатиш шартномасига доир харажатлар, умумий суммасининг 90 фоизидан кам бўлмаган даромадлар кўрсатилади.

Раҳбар

_____

Бош ҳисобчи

_____

М Ў.

Жисмоний шахсларнинг иш ҳақи ҳисобидан даромад солигини хисоблашда 20.3 жадвал маълумотлари асосида ҳисобланади.

Энг кам иш ҳакки 2013 йилнинг январ (феврал ва март ойларида ҳам) ойида 79590 сўм бўлгани учун унинг беш баравари 397950 сўм бўлади (79590х5=397950 ≥350000) , январ ойида ходимнинг иш ҳакки энг кам иш хакқининг 5 бараваридан кўп бўлмаганлиги сабабли 8 фоизли ставка бўйича солиққа тортилади. 350000х0,08=28000 сўм. Бунда 1% жахсий жамгариб бориладиган пенсия фондига (ШЖБПФ), колган 7 фоизи эса бюджетга ажратилади (яъни 1%- 3500 сўм ШЖБПФга, 7% -24500 сўм бюджетга, қолган ойларда ҳам 1% ажратилади)

Феврал ойида иш ҳақидан даромад солиғини ҳисобласак, жами иш хакқи 680 000 сўм бўлганлиги сабабли энг кам иш ҳаққининг 5 бараваригача бўлган қисмидан 8 фоиз хисобланади

397950x0,08=31836 сум,

Энг кам иш ҳаққининг 5 бараваридан то ўн бараваригача 16 фоиз хисобланади:

680000-397950=282050,

282050x0,16=45128 сум,

Феврал ойида жами 76964 сўм даромад солиғи хисобланиб, бундан ШЖБПФга 6800сум, бюджетга 70164 сум ажратилади.

Март ойининг даромад солиғи қуйидагича: ойлик иш ҳаққи 1040 000 (энг кам иш ҳаққининг 10 бараваридан юқори) сўм бўлганлиги сабабли энг кам иш ҳаққининг 5 бараваридан 8 фоиз,

397950*8%=31836 сум,

5 баравардан то 10 бараваригача бўлган қисмидан 16 фоиз хисобланади.

79590x10=795900

795900x0,16=127344 сум

Энг кам иш ҳаққининг 10 бараваридан юқори қисмидан 22 фоиз ҳисобланади

1040000-795900=244100

244100x0.22=53702 сум

Март ойида жами: 212882 сум бўлиб, шундан ШЖБПФга 10400 сўм, бюджетга (31836+127344+53702-10400=202482) 202482 сўм хисобланади.

Ушбу хисоб китобларни қуйидаги 20.5-жадвал асосида соддалаштирилган тартибда келтирамиз.

20.5- жадвал

Иш ҳаққининг ҳисоб китоби

ҳисобот даври	иш ҳақи фонди	ШЖҚПФ	даромад солиғи	6% пенсия жамғармасига	қўлга оладиган пул суммаси
Январ	350000	3500	24500	21000	301000
феврал	680000	6800	70164	40800	562236
Март	1040000	10400	202482	62400	764718
Жами	2070000	20700	297146	124200	1627954

Юқорида келтирган мисолимиздан кўринадики 1 ходимга умумий овқатланиш корхонаси томонидан ҳисобланган жами 2070000 сўмдан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга (25% ЯИТ ҳам) 959546 сўм тўловни амалга ошириши лозим.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, микрофирма ва кичик корхоналар томонидан солиққа солиқ ҳисоботини топшириш чораклик бўлиб, чорак тугагандан сўнг биринчи ойнинг 25 санасидан кечиктирмасдан рўйхатдан ўтган тегишли солиқ инспекциясига солиқ ҳисоботларини топширадилар. Йиллик ҳисоботлар эса йил якунлангандан сўнг иккинчи ойнинг 15-санасидан (15-февралдан) кечиктирилмасдан топширишлари шарт.

Таянч иборалар: товар айланмаси, солиқ ҳисоботи, солиқ ставкаси, солиқ даври, ягона солиқ, иш ҳаққидан даромад солиғи, ягона ягона ижтимоий тўлов, пенсия жамғармасига ажратмалар,механатта ҳақ тўлаш фонди, солиқ кодекси, бюджет параметрлари, солиқ имтиёзлари, солиқ солинадиган база,

Такрорлаш учун саволлар:

1. Умумий овқатланиш корхоналари учун солиқ даври қанча вақт?
2. Қандай корхоналар ягона солиқ тўловини тўлашади?
3. Қандай корхоналар умумбелгилан тартибда солиқ тўлашади?
4. 2013 йилда умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ ставкаси неча фоиз?
5. Умумий овқатланиш корхоналари қанақанги солиқларни тўлайди?
6. Солиқ базаси деганда нимани тушунасиз?
7. Қайси тушумлар солиқ базаси ҳисобланмайди?
8. Қандай ҳолатларда корхоналар ягона солиқ тўловидан озод килинган?
9. Жисмоний шахслардан даромад солиғи қандай ҳисобланади?

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Ўзбекистон Республикаси Мулкчилик тўғрисидаги Қонун. 1990 йил 31 октябр Ўзбекистон Олий Советининг Ведомостлари, 1990 йил №31-33.

2. Ўзбекистон Республикасида Мулкчилик тўғрисидаги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 май Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993 йил, 5-сон.

3. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябр Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахбортномаси. 1992 йил. 1-сон.

4. Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил. 27 декабр Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси.1997 йил, 2-сон.

5. «Хусусий корхоналар тўғрисида» Қонуни. 2003 й.Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш ахборотномаси 2004 йил 3-сон.

6. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 1991 йил 15 феврал (7 – май 1993 йил ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган). Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлик тўғрисида Қонун хужжатлари. Тошкент «Иктисодиёт ва хуқук дунёси», 1999 йил.

7.Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кодекси.

8. Ўзбекистон Республикаси «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида» Қонун. 1991 йил 21 декабр. 1998 йил 29 августда ўзгартиришлар киритилган.

9. Банкротлик тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрел Қонуни. Халк сўзи 2004 йил 2-июл.

10. Истеъмолчиларнинг хуқукларини химоя килиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрел Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг ахборотномаси 1996 йил 5-6 сон.

11. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик ва табиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида» 1999 йил 14 апрел Қонуни. Халк сўзи. 1999 йил, 29 апрел.

12. «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат килиш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил, 24 декабр Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси 1999 йил, 1-сон.

13. Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2000 йил, 25 май. Ўзбекистон Республикаси молиявий Қонунлари. 8-сон 2000.

14. Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил, 12 декабр Қонуни. Халк сўзи 2003 йил 13 декабр.

15. Ўзбекистон республикаси «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида» ги Қонуни. Халк сўзи, 2012 йил, 27 апрель.

16. Ўзбекистон республикаси «Ракобат тўғрисида» ги Қонуни. Халк сўзи, 2012 йил, 7 январь.

17. Ўзбекистон республикаси «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳукукларини кафолатлари тўғрисида» ги Қонуни. Халк сўзи, 2012 йил, 25 сентябрь.

18. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент., Ўзбекистон, 1995.

19. Каримов И.А Жаҳон молиявий-иктисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: «Ўзбекистон». 2009.

20. Ўзбекистон савдо-саноат палатасини ташкил қилиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 7.07.2004 йил фармони.

21. «Ўзулгуржисавдоинвест уюшмаси тузилмасини ислоҳ қилиш ва фаолият самарадорлигини ошириш тўғрисида» ги Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2011 йил 30 мартдаги ПҚ-1514 – сонли қарори.

22.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 мартдаги "2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида" ги ПК-1754-сонли қарори.

23. «Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, 2012 йил 13 ноябрь.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Бюджет параметрлари тўғрисида"ги 2012 йил 25 декабрдаги ПҚ-1887-сон-қарори

25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низомни тасдиклаш ҳақида» 1999 йил 5 феврал 54-сон қарори.

26. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2003 йил 15 октябр 444 сон қарори.

27. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги 2012 йил, 28 август, 253-сонли қарори.

28. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг « Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларига қўшимчалар киритиш тўғрисида» ги 2012 йил 1 фувраль 25-сонли қарори.

29. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузаси. 2013 йил 19 январь.

30.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устивор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. - Т.: “Ўқитувчи” НМИУ, 2012й.

31. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза вазирининг 2010 йил 3 декабрдаги 193-К-сонли буйруҳи билан тасдиқланган (2012 йил 28 декабрь 76-Б-сон буйруҳи билан низомга ўзгартиришлар киритилган) “Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари хўжалик юритувчи субъектлари учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисида Низом.”

32.Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлигининг “Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низом”ни тасдиқлаш тўғрисидаги қарори. Қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2011 йил 23 февраль куни 2200-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

33. Абдукаримов Б.А. ва бошқалар «Корхона иқтисодиёти». Дарслик, Тошкент «Фан», 2005.

34. Абдукаримов Б.А. «Ички савдо иқтисодиёти». Дарслик, Тошкент “Иқтисод-молия”, 2010.

35. Жўраев И. Самарканд газетаси мухбири. «Кўча савдоси унга барҳам бериш вақти келмадими?». Самарқанд газетаси, 2012 йил 26 июль.

36. «Инструкция по статистике численности и заработной плате работающих по нейму». Утверждена Постановлением Микмакроэкомстата Республики Ўзбекистан №33 от 26 октября 1998 г.

37. Йўлдошев Н.Қ. Савдо корхонаси иқтисоди, Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ, 2005.

38. Мухаммедов М.М., Абдукаримов Б.А., Алтинбаев Р.И., Кутбетдинов А.Т. Экономика торговли. Учебное пособие. Самарканд, 1998.

39. Пардаев М.К., Абдукаримов Б.А. Меҳнат иқтисоди ва социологияси. Ўқув қўлланма. Самарканд, 2002.

40. Ўразов К.Б. «Савдода бухгалтерия хисоби ва соликка тортиш». Тошкент: «Иқтисодиёт ва хукук дунёси» нашриёт уйи, 2004.

41. Фридман А.М. Экономика предприятий торговли и питания потребительского общества. Учебник. М.: «Дашков и К°», 2008.

42. Ходиев Б.Ю ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор максадимиздир» хамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халкимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърўзаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. – 2010.

43. Э.Н.Хаджаев, Р. Г. Юнусова, Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Тадбиркорлик ва бизнес асослари. Ўқув қўлланма. Самарканд Зарафшон. 1994.

44. Экономика общественного питания. Ефимова О.П., Минск: "Новое знание", 2008.

45. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Самарканд вилоят статистика бошқармасининг маълумотлари.

Мундарижа

КИРИШ

13-боб **Умумий овқатланиш ва уни ташкилий-иқтисодий тавсифи**

13.1. Умумий овқатланишнинг моҳияти ва функциялари.

13.2. Умумий овқатланишнинг ижтимоий шакллари, талқийий иқтисодий таснифи.

13.3 Умумий овқатланишнинг иқтисодиётда тўтган ўрни ва аҳамияти.

13.4 Умумий овқатланиш соҳасини ривожлантиришда хорижий давлатлар тажрибалари

14-боб **Умумий овқатланиш корхоналари маҳсулоти ва товар айланмаси**

14.1. Умумий овқатланиш корхоналарининг айрим хажмий ва сифат кўрсаткичлари

142. Умумий овқатланиш корхоналаршнинг товар айланмаси ва маҳсулотлари ишлаб чиқаришини таҳлили

14.3. Умумий овқатланиш корхоналарила товар захираларининг хусусиятлари

14.4. Умумий овқатланиш корхоналарида товар айланиши режалаштириш ва ишлаб чиқариш дастури

14.5. Умумий овқатланиш корхоналарида хом ашё таъминоти ва маҳсулотлари баланси

15-боб **Умумий овқатланиш корхоналарининг моддий ва молиявий ресурслари**

15.1 Асосий фондлар тушунчаси, таркиби ва баҳоланиши

15.2 Асосий фондларнинг кўрсаткичлари

15.3. Айланма фондлар (маблағлар) тушунчаси, ҳаракати ва аҳамияти

15.4. Молиявий ресурслар моҳияти ва уларни умумий овқатланиш корхоналари самаралорлигини оширишдаги аҳамияти

16-боб. **Умумий овқатланиш корхоналари меҳнат ресурслари**

16.1. Умумий овқатланиш корхоналарида меҳнатни ижтимоий - иқтисодий моҳияти ва аҳамияти

16.2. Умумий овқатланиш корхоналарида меҳнат ресурсларини шаклланиши ва кўрсаткичлари

16.3. Умумий овқатланиш корхоналарида меҳнат ресурсларини таҳлили ва режалаштириш

17-боб **Умумий овқатланиш корхоналари даромадлари**

17.1. Умумий овқатланиш корхоналари даромадларининг табиати, моҳияти ва турлари

17.2 Умумий овқатланиш корхоналари даромадлари таҳлили

17.3 Умумий овқатланиш корхоналарининг даромадларини режалаштириш ва прогнозлаш

18-боб **Умумий овқатланиш корхоналари харажатлари**

18.1. Умумий овқатланиш корхоналари харажатларининг моҳияти, табиати ва кўрсаткичлари

18.2. Умумий овқатланиш корхоналари харажатларининг таснифи

18.3. Умумий овқатланиш корхоналари харажатларига таъсир қилувчи омиллар

18.4. Умумий овқатланиш корхоналари харажатларини иқтисодий таҳлили

18.5. Умумий овқатланиш корхоналари харажатларини режалаштириш

19-боб **Умумий овқатланиш корхоналари фойдаси ва рентабеллик**

19.1. Фойда ва рентабелликнинг моҳияти ва аҳамияти

Илмий нашр

Барат–Али Абдукаримов
Қулмамат Жонузоқович Мирзаев
Тўлқин Сайидахмедович Шарипов
Ахрор Содиқович Шералиев

Савдо иқтисодиёти,
II қисм
умумий овқатланиш соҳасига бағишланади

(Хўжалик субъектлари раҳбарлари ва мутахассислари ҳамда тадбиркорларга мўлжалланган ўқув қўлланма)

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти

Муҳаррир: Н.Хошимова
Компьютерда саҳифаловчи: З.Артиков

700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Босишга рухсат этилди 30.01.2013.Бичими 60×90 1/16
"PANDA Times uz" гарнитураси. Шартли босма табоғи 11,25.
Нашр босма табоғи 10,25 . Адади 200. Буюртма № 87,22.

ХС по ЭЗ и ИСАЛ и ПК матбаа бўлимида чоп этилди.
Манзил: Самарқанд шаҳар, Зиёкорлар кўчаси, 1-уй.

Қайдлар учун